

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЙОРИДИК ИНСТИТУТИ

Й. ТУРСУНОВ, М. УСМОНОВА

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ

(Услубий тавсиялар ва вазиятни масалалар тўплами)

ТОШКЕНТ – “МОЛИЯ” – 2001

УДК 67.99(5У)7
ББК Т-21

Й. Турсунов, М. Усмонова. МЕХИАТ ҲУҚУҚИ. Т.; – “Молия” нацириёти, 2001, 228 б.

Кўлланмада меҳнат ҳуқуқини ўрганиш, меҳнат қонуниларини амалиётта тадбиқ этиш кўниникмаларини ҳосил қилиш юзасидан услубий тавсия ҳамда йўл-йўриқлар берилган. Ашиқ вазиятиш масалалариш, тест саволларини очиш жараёнда талабаларда меҳнат қонунчалиги, учи тадбиқ этилиши юзасидан барҳарор билимлар, амалий қўникма лайдо бўлади. қонуи айрим мавзуларга оид чизма-таснифлар, месъерий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлардан кўниникмаларни назарда тутили. Булар мавзуига ўзлаштиргашга кўмаклашади.

Ўкув-услубий қўлланма юридик олий ўкув юртлари, университеттининг юридик факультетларида “Меҳнат ҳуқуқи” ўкув курсини юзасидан дастур доирасида тайёрлангани. Уидан щунингдек, юридик ва бошқа қасб-хунар коллежлари ўқувчилари ҳам фойдаланишилари мумкини. Бундан ташқари корхона, ташкилот раҳбарлари, ходимлар бўлимлари хизматчилари, умуман меҳнат қонунчлиги масалаларига қизиқувчи барча китобхонлар фойдаланиши мумкини.

Ўзбекистон Республикаси Адмия вазирлиги қошидаги юридик адабиётларни чоп этиши бўйича Республика мувофиқлантириши кенгагани томонидан ўкув қўлланмаси сифатида напири этишига тавсия қилингани.

Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси
“Молия” нацириёти. 2001 й.

КИРИЛ

Ўз касбипи яхши эгаллаган, чукур билимли мутахассис кадрлар тайёрлаш, уларнинг замонавий билимлар асосида таълим олиши мустақил давлатимиз олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади. Чунки мамлакатнииг иқтисодий тараққиёти омиллари, ижтимоий-сиёсий соҳалардаги ислоҳотларнииг жадаллашуви, умуман бозор муносабатларини тезроқ қарор топтириш кўп жиҳатдан юксак малакали, маънавий-ахлоқий пок ходимларга боғлик.

Давлат ва жамиятда адолатни, қонунчиликни қарор топтириш, инсон ҳуқуқлариги чукур ҳурмат қилиш ҳамда амалда таъминлаш, фуқароларимизнииг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали тарзда ҳимоя қилиш республикада амалга оширилаётган ишларнииг асосий йўналишларицир. Маълумки, бу вазифаларни ўз вактида ҳал этиш малакали мутахассисларга боғлик. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш милий дастуридан кўзда тутилган мақсад ҳам ана шундан иборат.

Ўзбекистон Республикасидаги юридик институти, университетларнииг юридик факултетлари ҳамда касб-хунар колледжларинииг “Хукуқшунослик” ихтисоси бўйича кадрлар тайёрлаш бўлимларида “Меҳнат ҳуқуқи” ўқув курсини ўрганиши бўйича тайёрланган мазкур амалий машғулотлар тўплами талабаларда муайян ҳуқуқий муносабатларга доир қонунлар ва бошқа меъсрий ҳужжатларни тақилай олиши, тўғри кўллай билини малакасини ҳосил қилиши, аниқ ҳуқуқий вазиятларга, низоларга тўғри ҳуқуқий баҳо берса билиши, шу асосда қонун талабларига мос келувчи хулюсалар чиқара олиши, қарорлар қабул қила билини кўникумларини ҳосил қилишга қаратилиши.

Кўлланма “Меҳнат ҳуқуқи” курсини ўрганиши дастурига мувофиқ яратилган. Шу билан бирга муълисифлар унитиг Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси таркиби тузилишига ҳам уйғун бўлишига ҳаракат қилишган. Бундан таркиби тузилиши ундан фойдаланишини сингилташибириб, чукур билим олишга имкон беради.

Китобда келтирилган масалалар Ўзбекистон Республикаси судлари амалиёти, корхона ва ташкилотларда меҳнат қонунларини қўллаш юзасидан вужудга келган аниқ вазиятлар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, уларни ҳал этиш давомида Меҳнат Кодексидан ва унинг асосида қабул қилинган меъёрий хужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг қарорларидан кенг фойдаланиш лозимлигини тақозо этади.

Ҳар бир мавзуни ўрганиш юзасидан услубий тавсиялар берилган. Шунингдек, мавзулар бўйича зарур илмий, услубий ва меъёрий-хукуқий адабиётлар рўйхати, уларнинг манбалари кўрсатилган. Бу эса тегиши мавзуни ўзлаширишда қулийлик тугдиради. Бундан ташқари, меъёрий зарур қонунлар ва хужжатлардан кўчирмалар келтирилган бўлиб, бу муайян масалаларни ечишда қўл келади, талаба ва ўқувчиларда меъёрий хужжатлар билан ишлаш кўникмалари тезроқ ҳосил бўлишига ёрдам беради.

Мазкур қўлланма мустақилик йилларида “Меҳнат хукуқи” курсини ўрганиш юзасидан тайёрланган дастлабки иш бўлиб, унда баъзи эътибордан четда қолган масалалар, айrim камчиликлар учраши табиий. Шу сабабли муаллифлар ушбу китоб юзасидан билдирилган холис фикрлар учун олдиндан миннатдорчилик билдиради.

І БЎЛИМ. УСЛУБИЙ ЙЎЛ-ЙЎРИҚ ВА ВАЗИЯТЛИ МАСАЛАЛАР

УМУМИЙ ҚИСМ

I-мавзу. Мехнат хукуқининг моҳияти ва вазифалари

“Мехнат хукуқи” ўкув курсини ўрганишда фуқароларнинг меҳнат қилиш хукуқи – ижтимоий-иқтисодий хукуқлар орасида тутган ўрнига алоҳида эътибор қаратилиши, унинг энг муҳим инсоний хукуқлардан эканлиги чукур ўрганилмоғи лозим.

Бозор муносабатларининг шаклланиб, унинг барқарор ривожланиси шароитида инсон хукуқларини таъминлаш, меҳнат қилиш ва ўз меҳнати билан муносаб турмуш кечиришинга кафолатлаш, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимояяга муҳтоҷ ва заиф қатламларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш Ўзбекистон Республикасидаги қонунчиллик фаолиятининг асосий жиҳатларида саналади. Мехнат хукуқи фани ва меҳнат қонунчилигининг ўти давридаги асосий хусусиятлари ҳам ушбу вазифаларни бажарилиши билан бевосита боғлиқлариди.

Ёлланма меҳнатдан фойдаланиш жараёнида ходимлар (фуқаролар) ва иш берувчилар (асосан корхоналар) ўртасиди юзаси келувчи ижтимоий муносабатларни хукуқий тартибга солиш меҳнат бозорини шакллантириш ҳамда бир маромда фаолият кўрсатишини таъминлаш, ходимларнинг ҳуқуқлари ё эркинликларини рӯёбга чиқариш, хукуқий муҳофазалаш “Мехнат хукуқи” фанининг моҳиятини ташкил этиди.

Мехнат билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар, яън фуқароларнинг меҳнат қитиши бўйига конституциявий ҳуқуқларини корхона, муассаса ва ташкилотлар билан меҳнат шартномаси тузишла рӯёбга чиқишидаги ижтимоий муносабатлар ҳам меҳнат хукуқининг моҳияти ҳисобланади. Бу мавзуни ўзлантириш пайтида, албатта, меҳнат хукуқи мазмун-моҳиятининг лоира-

умумий хусусиятлар билан үзаро боғланиб турувчи кўп қиррали масалаларни ўз ичига олишига эътибор қаратилмоғи лозим.

Бевосита меҳнат муносабатлари, яъни меҳнат қилиш, унга ҳақ тўлаш, зарур меҳнат шароитларини таъминлаш пайтида ходим ва иш берувчи ўргасида вужудга келадиган муносабатлар ушбу муносабатлар асосида юзага чиқувчи иккиласмчи меҳнат муносабатларидан, чунончи:

1) ходимлар вакиллик органи ва иш берувчи ўргасида меҳнат шароитларини белгилаш, ўзгартириш, бекор қилишга, корхонани бошқаришга оид муносабатлар;

2) иш билан таъминлаш ва аҳоли бандлиги сиёсатини амалга ошириш чоғида меҳнат органлари, корхона ва ташкилотлар, ходимлар, вакильк органлари ўргасидаги муносабатлар;

3) ходимларни ишлаб чиқаришнинг ўзида ўқитиш – касб ўргатиш, малакасини оширишга оид муносабатлар;

4) меҳнат қонуналарига риоя этилишини текшириш ва назорат қилиш чоғидаги муносабатлар;

5) меҳнат ҳукуқларини амалга ошириш, ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган процессуал муносабатлар ва бошқа муносабатлардан аниқ фарқланмоғи лозим.

Меҳнат ҳукуқи фани меҳнат жараёнларига оид муносабатларни тартибга солувчи бошқа ҳукуқий фанлардан, аввало, фуқаролик ҳукуқи, қишлоқ ҳўжалиги ҳукуқи, кооператив ҳукуқи кабилардан ўз моҳиятига кўра фарқланшишга диёдат қаратилмоғи лозим ҳамда меҳнат ҳукуқи буортмачи ва пудратчи, кооператив аъзоси ва кооператив ўргасидаги муносабатларни эмас, балки ёлланниб (меҳнат шартномаси тузиб) ишловчи ходим билан иш берувчи ўргасидаги муносабатларни ҳукуқий тартибга солишга йўналтирилганлиги эслада тутилиши керак.

“Меҳнат ҳукуқи” фанининг услублари ўзига хослиги билан ажralиб туради. Ҳукуқий тартибга солиниш услуби деганда ижтимоий муносабатларга таъсир ўтказиши, уларни мақсадга мувофиқ йўналишда ривожланишини таъминлаш мақсадида қўлланиладиган ҳукуқий усуллар ҳамда воситалар йигинидиси тушунилади. Ҳукук соҳасининг моҳияти деганда нималар тартибга солиниши тушунилса, услублари деганда улар қандай қилиб, қандай воситалар ёрдамида тартибга солиниши англаради.

Меҳнат ҳукуқи ўз обьекти бўлган муносабатларни тартибга солинша барча ҳукуқ соҳаларига хос универсал услублар (мантикий, тарихий, қиёслаш, умумлаштириш ва б.)дан кенг

фойдаланган ҳолда ўзига хос услубларга ҳам таянади. Бундай ўзига хос услублар қаторига қўйидагилар киради:

- 1) ҳукуқий муносабатлар юзага келиши, ўзгариши ва барҳам топиши;
- 2) ҳукуқий муносабат субъектларининг мавқеи;
- 3) ҳукуқларни таъминлашдаги айрим хусусиятлар.

Меҳнат ҳукуқий муносабат қатнашчилари тенглиги, ҳукуқий муносабатлар ихтиёрийлик асосида юзага келиши, ходимлар манфаатини иш берувчи манфаатларига нисбатан устувор мавқега эгалиги, меҳнат муносабатларини тартибга солища локал (ички) меъёрий ҳужжатлар мухим ўрин тутиши меҳнат ҳукуқи услубини белгилашда етакчи ўрин тутади.

Меҳнат ҳукуқининг вазифалари Меҳнат Кодексининг 2-моддасида белгиланган. Ушбу моддага кўра: “Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ходимлар, иш берувчилар, давлат манфаатларини эътиборга олган ҳолда меҳнат бозорининг самарали амал қилишини, ҳаққоний ва хавфсиз меҳнат ҳукуқлари ва соғлиги ҳимоя қилинишини таъминлайди, меҳнат унумдорлигининг ўсишига, иш сифати яхшиланишига, шу асосда барча аҳолининг моддий ва маданий турмуш даражаси юксалишига кўмаклашади”.

Юқоридагиларга кўра меҳнат ҳукуқи вазифалари қаторига:

- а) ҳукуқларни таъминлаш ва ҳимоялаш;
- б) ишлаб чиқаришни бошқариш;
- в) меҳнатта яраша даромадни тақсимлаш;
- г) иқтисодиётни ривожлантиришни киритиш мумкин.

1-амалий машғулот режаси

1. Меҳнат ҳукуқи түшунчаси, моҳияти ва вазифалари.
2. Меҳнат ҳукуқининг услубияти түшунчаси.
3. Фуқаролар ҳукуқларини амалта оширишида меҳнат ҳукуқининг аҳамияти.

Вазиятни масалалар

1-масала.

Фуқаро Илёсов судга мурожаат қилиб, 1999 йил 15 июлда “Чақон хизмат” кооперативига аъзо бўлганинги, аммо кооператив раиси унга меҳнат таътили бермаётганлигини, уч ойдан бўён иш

ҳақи тұламаёттанлигини айтиб, мәжнат қонунларига асосан, мәжнат таътилини ва иш ҳақини үндіриб берилішини сұраган.

1) Илесовнинг талаби мәжнат қонунчилігіга биноан ҳал этилиши мүмкінми?

2) "Мәжнат хукуқы"нинг мөхияттін баён этинг.

2-масала.

Сафаров судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, пудратчилар бригадаси таркибіда ишлаган ҳолда пудрат шартномасы асосида буюртмачи – "Охандаронцемент" корхонасига умумқурилиш ишларини бажаришда қатнаштырылған, корхона раҳбары уни иш қолдирғани учун бұшатиб, иш ҳақи ва фойдаланмаган таътил вақти учун пул тұламаёттанлигини баён этиб, үзігі тегишли ҳақни үндіриб берилішини сұрады.

"Охандаронцемент" вакили судда Сафаров корхонаға ишта қабул қилинмаганлыгини шу сабабли унга иш ҳақи, таътил пули берилмаслигінің айтди. Сафаров ишда маст ҳолда юргани учун корхона раҳбары уни ишдан четлаштырғаннини күрсатды.

1. Низоны ҳал қилинг.

2. Сафаровнинг низоси қайси қонунлар асосида ҳал этилиши мүмкін?

3-масала.

Фұқаро Жалилов судга ариза беріб, якка тадбиркор Ҳоликов билан тузилған мәжнат шартномасында күра, уннинг құлида иштәнгандығы ва фойдаланмаган таътил вақти учун төвөн үндіриб берішіни сұрады.

1. Вазиятта хукуқий баҳо беринг.

2. Жалиловнинг талаби қондирістадыми?

Тавсия этиладыған адабиёттар:

1. И. А. Каримов. «Фарзандларымиз биздан күра күчли, билимли, доно ва албатта баҳтли бўлишлари шарт». «Халқ сўзи» газетаси, 1998 йил 24 декабр.

2. И. А. Каримов. «Баркамол авлод орзузи». Т., «Шарқ» НМК Бош таҳририяти, 1999.

3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., "Адолат", 1998.

18-модда. Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати,

тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгилашади ҳамда ижтимоий адолат тамойилларига мос бўлиши шарт.

37-модда. Ҳар бир шахс меҳнат қилиши, эркин касб ташланишади. Адолатли меҳнат шароитларида ишланиш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишланишади.

Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўтанинг тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади.

4. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. Т., “Адолат”, ”, 1999.

2-модда. Меҳнат тўғрисидаги қонун хужжатларининг вазифалари.

Меҳнат тўғрисидаги қонун хужжатлари ходимлар, иш берувчилар, давлат ва жамият манфаатларини эътиборга олган ҳолда меҳнат бозорининг самарали амал қилишини, ҳаққоний ва хавфсиз меҳнат шарт-шароитларини, ходимларнинг меҳнат хукуқларини ва сўғлиги ҳимоя қилинишини таъминлайди, меҳнат унумдорлигининг ўсишига, иш сифати яхшиланишига шу асосда барча аҳолининг моддий ва маданий турмуш даражаси юксалишига кўмаклашади.

6-модда. Меҳнатга оид муносабатларда камситишни тақиқланади.

Барча фуҳаролар меҳнат хукуқларига эга бўлиш ва улардан фойдаланишида тенг имкониятларга эгадир. Жинси, ёши, ирқи, мислати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкий ҳолати ва мансаб мавқеи, динга бўлган муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек, ҳодумларнинг ишчалик қобилиятиларига ва улар меҳнатининг натижаларига алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатларига қараб меҳнатта оид муносабатлар соҳасида ҳар қандай чеклашларга ёки имтиёзлар белгилашга йўл кўйилмайди ва булаар камситиш деб ҳисобланади.

Меҳнат соҳасида муайян турга хос бўлган талаблар ёки давлатнинг юқорироқ ижтимоий ҳимояга мухожж бўлган шахслар (аёллар, вояга етмаганлар, ногиронлар ва б.) тўғрисидаги алоҳида гамхўрлиги билан боғлик фарқлашлар камситиш деб ҳисобланмайди.

Меҳнат соҳасида ўзини камситилган деб ҳисоблаган шахс камситишни бартараф этиш ҳамда ўзига етказилган моддий ва

маънавий заарни тўлаш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин.

7-модда. Мажбурий меҳнатиниг тақиқланниши

Мажбурий меҳнат, яъни бирон-бир жазони кўллаш билан таҳдид қилиши орқали (шу жумладан, меҳнат интизомини сақлаш воситаси: тариқасида) иш бажаришга мажбурулаш тақиқланади.

Кўйидаги ишлар, яъни:

харбий ёки муқобил хизмат тўғрисидаги қонунлар асосида;
фавқулодда ҳолат юз берган шароитларда;
суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига биноан;
қонунда назарда тутилган бошقا ҳолларда бажарилиши лозим бўлган ишлар мажбурий меҳнат ҳисобланмайди.

5. “Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси”. 1948 йил 10 декабр. Инсон ҳуқуқлари ўкув қўлланмаси, Т., «Ўзбекистон», 1997, 183-бет.

23-модда.

1. Ҳар бир инсон меҳнат қилиш, инни эркни ташлаш, адолатли ва қурай шароитта эга бўлиш ва ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

6. “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт”. 1966 йил 19 декабр. “Инсон ҳуқуқлари” ўкув қўлланмаси, Т., “Ўзбекистон”, 1997, 91-бет.

7-модда. “Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир кишининг адолатли ва қурай шарт-шароитта эга бўлган меҳнат қилиш ҳуқуқини... тан олади”.

2-мавзу. Меҳнат ҳуқуқининг тамойиллари, манбалари

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, амалга оширилган ҳуқуқий ислоҳотлар натижасида янгича ҳуқуқий ҳараашлар ва қадриялар юзага кела бошлади. Бу қадриялар кейинги йилларда қабул қилинаётган меъёрий хужжатларда ўз ифодасини тоғмоқда. Меҳнат муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинча меҳнат ҳуқуқининг тамойиллари муҳим аҳамиятта эга. Меҳнат ҳуқуқининг тамойиллари мавзуини ўрганишга киришини шайтида ҳуқуқий тамойилларга тўхвалиши, уларнинг тунунчаси, моҳияги, вазифалари ҳамда таснифини эста олиш лозим. Унга кўра ҳуқуқ тамойиллари;

а) Умумҳуқуқий тамойиллар (булар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланган).

б) Тармоқлараро тамойиллар. Бу тамойиллар мәҳнат, тадбиркорлик, ижтимоий-тәъминот, маъмурий ва бошқа ҳуқуқ соҳаларига оид ҳуқуқ мөъёrlарида акс этирилган.

Мәҳнат ҳуқуқи фан соҳаси сифатида инсонпарварлик тамойиллари: ижтимоий адолат, камситишга ўйл қўйилмаслиги, фуқароларнинг қочун олдида тенг эканликлари, қонунчилликка қатъий риоя этилишига алоҳида эътибор бериш керак.

Мәҳнат ҳуқуқининг тармоқлараро тамойилларини яхши билиш, ҳуқуқ мөъёrlари орқали уларни кўrsатиб бера олиш зарур бўлади. Мәҳнат ҳуқуқининг тармоқлараро тамойиллари, бу – ҳуқуқ соҳасининг ўзига яқин бўлган бошқа соҳалар билан ўзаро алоқаларини, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солицида уларнинг нисбатини, мәҳнат ҳуқуқи ва унга моҳиятган яқин бўлган ҳуқуқ соҳаларига хос умумий жиҳатлар ва қоидаларни аниқлаш имконини беради.

Мәҳнатни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш асосий тамойилларининг мазмуни, чунончи, кўйидагилар кенг ва тўлиқ ёритилмоғи лозим:

- а) мутажассис кадрлар танлаш ва жой-жойига кўйиш, ишчи кучини ҳаракатлантириш соҳаси;
- б) бевосита мәҳнатнинг ҳўлтаниш соҳаси;
- в) тақсимот соҳаси;
- г) корхоналар, мұассасалар, ташкилостларни бошқариш соҳаси.

Мәҳнат ҳуқуқининг манбаларига келадиган бўлсак, бунда, аввало, ҳуқуқ манбай нима эканлигини бир кэрра эсга олишга тўғри келади. “Ҳуқуқ манбай” деганда, кенг маънода, жамиятнинг модори шароитлари, ишилаб чиқариш муносабатлари назарда тутилса, тор маънода давлат томонидан ифода этилган эркнин намоён бўлиш шакли назарда тутилади.

Мәҳнат ҳуқуқининг манбалари, бу – соҳадаги ҳуқуқий муносабатларга тадбиқ этиладиган қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат. Шу сабабли мұайян ҳақ тий вазиятларга мос келувчи мөъёрий ҳужжатларни таштай билиш, уларни тўғри татбиқ этиш кўп жиҳатдан ушбу мавзуни тўлиқ ўзлаштиришга, талаба мәҳнат ҳуқуқига оид мөъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари, юридик кучи ва таъсир доирасини тўлиқ тушуниб етганлигига боғлиқдир.

Мустақил Ўзбекистонниң янги ҳуқуқ тизимлари шаклианаётганлиги, амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар натижасида ҳуқуқ манбай тез ўзгараётган, жадал янгиланиб бораётган соҳалардан бири бўлиб келмоқда.

Ушбу мавзуни ўрганаёттанды қўйидагиларни эсда сақламоқ керак:

- а) давлат функционал органлари: Меҳнат ва ахолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа вакъатли давлат идоралари томонидан меҳнат ҳуқуқига оид кўплаб меъёрий хужжатлар қабул қилинганлиги;
- б) меҳнат ҳуқуқига оид меъёрий хужжатлар умумий ва маҳсус бўлиши ва бу меҳнат ҳуқуқи фанининг ягона, айни пайтда табақалашганлигини акс эттиради;
- в) меҳнат муносабатларини тартибга солища Марказий ва маҳаллий (ички) меъёрий хужжатлар бирлиги, тўғри кўшиб олио борилиши.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Меҳнат ҳуқуқининг асосий манбаи ва унинг 3, 7, 9-боблари чукур ўзлаштирилмоғи лозим. Талаба меҳнат ҳуқуқига оид меъёрий хужжатлар қандай белгиларига кўра таснифланиши, меҳнат муносабатларига алоҳадор бўлган асосий қонунлар моҳиятини яхши билиб олиши лозим. Бунда «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятларининг кафолатлари тўғрисида», «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида», «Меҳнат муҳофазаси», «Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида»ги ҳамда бошқа қонунларга алоҳида эътибор берилмоғи зарур.

Меҳнат ҳуқуқининг асосий манбаи – Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси эканлиги яхши анпланмоғи лозим. Чунки, меҳнат ҳуқуқи соҳасига оид барча асосий қоидалар унда жамланган бўлиб, у комплекс ҳуқуқий хужжатдир. Талаба Меҳнат Кодексининг қабул қилинган ва амалга киритилган вақтини, таркибий тузилишини, кўлланилишидаги ўзига хос хусусиятларни, аҳамиятини яхши билиб олиши шарт.

Давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа турли органлари томонидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ҳам меҳнат ҳуқуқига оид меъёрий хужжатлар қабул қилиниши, муайян турдаги меҳнат муносабатларини тартибга солища улар муҳим эканлигини эсда сақламоқ керак. Талаба, айниқса, корхона, ташкилотларнинг бевосита ўзида ходимлар вакиллик органлари иштирокида кўплаб маҳаллий меъёрий ҳужжатлар қабул қилинишини, корхоналарда уларнинг аҳамияти катталигини билб олиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ҳалқаро муносабатларда тобора кенг қатнашаёттан меҳнат муносабатларини тартибга солища икки

томонлама ва кўп томонлама давлатларо келишувлар, халқаро ҳукуқий шартномалар ҳам меҳнат ҳукуқининг муддим манбаларидан эканлигини унугтаслиги керак. Ушбу мавзуни ўрганилаётганда ҳукуқ манбай санаалмасада, аммо меҳнат қонунлари моҳиятини тўғри тушуниш, уларни амалда тўғри қўллашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми қарорлари катта аҳамият касб этади. Бу меҳнат қонунлариди тўғри англаш ва бир хил қўллашга ёрдам беради. Кундалик ҳаётда юз берувчи турли низоли вазиятлар юзасидан қарорлар қабул қилиши, низоларни тўғри ҳал этиш кўп жиҳатдан меҳнат ҳукуқи манбалари мавзуи тўлиқ ўзлаштирилганлигига боғлиқдир.

2-амалий машгулот режаси

1. Меҳнат ҳукуқи тамойиллари тушунчаси, турлари ва бозор муносабатлари шароитида меҳнатни ташкилий-ҳукуқий жиҳатдан тартибга солишдаги аҳамияти.
2. Меҳнат ҳукуқи манбалари тушунчаси, уларнинг таснифи.
3. Меҳнат ҳукуқига оид қонун ҳужжатларини вақт, худуд ва шахслар доирасига қараб амал қилиши ҳамда унинг ўзига хос хусусиятлари.
4. Меҳнат қонунларини қўллашда суд амалиёти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми қарорларининг аҳамияти.

Вазиятли масалалар

1-масала.

Газетада чоп этилган эълонга кўра, “Саратон” фирмасига иш сўраб мурожаат қилган фуқаро Алиева иштимоси рад этилди. Унга берилган ёзма жавобда фақат рус тилида сўзлашувчи шахслар ишга қабул қилинishi кўрсатилади.

Алиева ушбу жавобдан қаноат ҳосил қилмай, судга мурожаат қилди.

- Алиевага қандай жавоб берилishi лозим?
- Меҳнат ҳукуқининг тамойиллари бузилганми?
- Суд қандай қарор қабул қилиши лозим?

2-масала.

Фуқаро Ҳакимов судга мурожаат қилиб, “Абдулла” хусусий фирмасида дурадгор бўлиб ишлаши, иш ҳақи тўлаш пайтида бир

хил малакали ва бир ишни бажарғанлыги учун фирма соҳибининг укаси Муслимовга ўзига нисбатан уч баравар кўп иш ҳақи тўлаганинг баён этиб, ижтимоий адолат тиклантигини сўраган.

Фирма вакили суддаги ўз изоҳида хусусий фирма иш ҳақи тўлашликни мустақил ҳал этиш боис талаб асоссиз эканлигини кўрсатсан.

– Ушбу низоли вазиятда меҳнат ҳукуқининг тамойиллари бузилганими, бузилган бўлса қайси тамойил бузилган?

– Фирма вакилининг изоҳи ўринилими?

3-масала.

Меҳнат ҳукуқи манбаи бўлиб ҳисобланувчи меъёрий ҳукуқий хужжатларни аниқлаанг:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиёят Кодекси.

3. Прокурор санкцияси (амрномаси).

4. Корхона раҳбарининг буйргуи.

5. Вазирлар Маҳкамасининг Фармоиши.

6. Олий Хўжалик суди пленумининг қарори.

7. Халқаро Меҳнат ташкилотининг конвенциялари.

– Меҳнат ҳукуқи манбалари тушуучасини таърифланг.

– Меҳнат ҳукуқи манбаларининг ўзига хос хусусиятларини айтиб беринг?

Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. И. А. Каримов. Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта баҳтили бўлишилари шарт. “Халқ сўзи” газетаси, 1998 йил 24 декабр.

2. И. А. Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. “Халқ сўзи” газетаси, 1999 йил 16 апрел.

3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Т., “Адолат”, 1998.

37-модда. Ҳар бир шахс меҳнат қилиши, эркин касб ташлани, адолатли меҳнат шароитларида ишланни қонунида кўрсатилган таътибида ишисизликдан ҳимояланани ҳукуқига эгадир.

Суд ҳукми билан тайинлашган жазони ўташ тартибидан ёки қонунида кўрсатилган болиқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқлашади.

38-модда. Ёлланиб ишлабтсан барча фуқаролар дам отиш ҳукуқига эгадирлар. Иш ваҳти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланаади.

4. Ўзбекистон Республикасининг Мехнат Кодекси. Т., “Адолат”, 1999.

2-модда. Мехнат тўғрисидаги қонун хужжатларишинг вазифаси

Мехнат тўғрисидаги қонун хужжатлари ходимлар, иш берувчилар, давлат машифатлариши этибборга олган ҳолда меҳнат бозорининг самарали амал қилишини, ҳақдоший ва хавфсиз меҳнат шарт-шароитларини, ходимларининг меҳнат хукуқларини ва соғлиги ҳимоя қилинишини таъминлайди, меҳнат унумдорлигининг ўсишига, иш сифати яхшиланишига шу асосда барча аҳолининг моддий ва маданий турмуш даражаси юксалишига кўмаклашади.

5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси. Т., “Адолат”, 1996.

148-модда. Мехнат қилиши хукуқини бузиш.

Била туриб, гайриқонулий равища ишдан бўшатиш ёки ишга тиклаш тўғрисидаги суд қарорини бажармаслик, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилса;

— энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорида жарима ёки уч йилгача муайян хукуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача аҳлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Аёлни ҳомиладорлиги ёки ёш болани парвариш қилаёттагилгини била туриб, уни ишга олишдан гайриқонуний равища бош тортиш ёки ишдан бўшатиш;

- энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян хукуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача аҳлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

6. Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодекси. Т., “Адолат”, 1996.

49-модда. Мехнат тўғрисидаги қонун хужжатларини бузиш.

Мансабдор шахс томонидан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун хужжатларининг бузилиши;

— энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

7. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлдаги «Касаба уюшмалари, уларнинг хукуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Конуни. Ўзбекистонин янги қонунлари, Т., “Адолат”, 6-сон.

8-модда. Касаба уюшмаларинишиг меҳнат қилиши хукуқини ҳимоя этиш соҳасидаги хукуқлари.

Касаба уюшмалари ўз аъзоларининг меҳнат қилиш ҳукуқини ҳимоя этадилар, аҳолини иш билан таъминлаш хусусидати давлат сиёсатини ишлаб чиқишида қатнашадилар. Корхоналарда ишдан бўшатиладиган шахсларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишининг қонунлар асосида жамоа шартномасида белгилаб қўйиладиган чораларини тақлиф этадилар.

Касаба уюшмалари иш билан таъминлашнинг ҳолати ва бу соҳадаги қонунларга риоя этилишини назорат қиласадилар.

8. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунига шарҳлар. Т., “Шарқ” НМК Бош таҳририяти, 2000 й.

1-модда. Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари.

Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солиб борилади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномасида ушбу қонулдагидан бошқача қоидалар белгилантан бўлса, ҳалқаро шартнома қоидалари қўлланилиди.

Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси худудида доимий яшаб келаётган чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга татбиқ этилади.

9. Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистонинг яни қонунлари. Т., “Адолат”, 1998.

22-модда. Қишлоқ хўжалик кооперативида (ширкат хўжалиги) меҳнат.

Қишлоқ хўжалик кооперативида (ширкат хўжалиги) меҳнат муносабатлари ушбу қонун, бошқа қонун ҳужжатлари, кооперативнинг устави ва ички иш тартиби билан тартибга солитади.

Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) уставда белгиланган вазифаларни бажариш учун кооператив аъзоси бўлмаган шахсларни меҳнат шартномаси бўйича ишга жалб этиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) кооператив аъзолари ва ёлланган ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш шакллари, тизими ва шартларини қонун ҳужжатларига ҳамда оила (жамоа) пудратига мувофиқ мустақил равишда белгилайди.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзоларига мулкий пайлар бўйича тўланган дивидендлар меҳнат ҳақи таркибига киритилмайди.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги бўйича белгиланган меъёrlар ва қоидаларга, ишлаб чиқариш санитарияси талабларига риоя этилишини таъминлайди.

Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзоларини ва унда меҳнат шартномаси асосида ишилаёттан шахсларни ижтимоий таъминлаш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

10. Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисида”ги Конуни, 1990.

7-модда. Хусусий мулк.

4. Фуқаро ўзининг меҳнат қобилиятини, иш кучини мутлақ тасарруф этиш хукуқига эгадар.

11. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Конуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Т., “Адолат”, 1998, 19-сон.


24-модда. Фермер хўжалигидаги меҳнат.

Фермер хўжалигининг фаолияти кўпроқ хўжалик аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланади. Фермер хўжалигидаги ишларни бажаришта бошқа шахслар меҳнат шартномаси асосида жалб этилиши мумкин.

Фермер хўжалигидаги меҳнат шартномасини тузиш тартиби қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Фермер хўжалигидаги иш тартибини хўжалик бошлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгилайди. Фермер хўжалиги бошлиги хўжалик аъзоларининг ва хўжалиқда меҳнат шартномаси асосида ишилаёттан шахсларнинг меҳнат фаолияти ҳисобини юритади.

Фермер хўжалигидаги меҳнат шартномаси асосида ишилаёттан шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақидан оз бўлмаган Миркорда, тарафларнинг келишувига биноан рултарзida ҳам, нақура тарихасида ҳам амалга оширилади.



Меҳнат шартномаси асосида фермер хўжалигида ишлаётган шахс хўжалик мол-мулкига фермер хўжалиги бошлигининг розилиги билан пул ёки бошига хил улушни киритишга ҳамда кўшган улушнига муганюсиб равишда хўжалик даромади (фойдаси) тақсимотида қатнашишига ҳақлидир.

Фермер хўжалигининг аъзолари, шунингдек, хўжалиқда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахслар қонун хужжатларига мувофиқ давлат ижтимоий сугуртасидан ўтказилиши лозим.

Фермер хўжалигида ишланган вақт давлат ижтимоий сугуртаси бўйича бадаллар тўланганингини тасдиқловчи хужжатлар асосида меҳнат стажига қўшилади.

Фермер хўжалигининг аъзолари ҳамда хўжалиқда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларга ижтимоий сугурта бўйича давлат нафақалари ва пенсиялар тайинлаш ҳамда тўлаш қонун хужжатлари билан белгиланган тартибда ва шартларда амалга оширилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги «Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар меъёрий хужжатларининг қонунийлитини таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги 469-қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги «Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг норматив хужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 469-қарори.

14. «Инсон хукуқлари умумжаҳон декларацияси», 1948 йил, 10 декабр. «Инсон хукуқлари» ўкув кўлланмаси, Т., «Ўзбекистон», 1997, 183-бет.

23-модда.

1. Ҳар бир инсон меҳнат қилиш, ишни эркин танлаш, адолатли ва қурай шароитта эга бўлни ва ишисизликдан ҳимояланниш хукуқига эга.

15. «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий хукуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт». 1966 йил 19 декабр. «Инсон хукуқлари» ўкув кўлланмаси, Т., «Ўзбекистон», 1997, 191-бет.

7-модда. «Ушбу пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир кипининг адолатли ва қурай шарт-шароитта эга бўлган меҳнат қилиши хукуқини.. тан олади».

16. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми қарорлари тўплами. 2-китоб. Т., «Адолат», 1998.

17. Турсунов Й. «Меҳнат хукуки». Т., «Молия», 1999.

18. М. Гасанов, Е. Соколов. “Ўзбекистон Республикасида Меҳнат шартномаси (контракти). I, II, III, T., 1996.

19. М. Гасанов, Е. Соколов. “Ўзбекистоннинг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари” Т., “Иқтисодиёт ва ҳукуқ дунёси” нашриёт уйи, 1999.

3-мавзу. Меҳнат ҳуқуқининг субъектлари

Меҳнат ҳуқуқининг субъектлари мавзунини ўрганишга киришицидан аввал, талаба меҳнат ҳуқуқий муносабати ходимнинг қонун ҳужжатлари тартифидан фойдаланиш юасидан вужудга келувчи ижтимоий алоқа эканлигини англаб олиши лозим.

Меҳнат жараёнидаги ижтимоий муносабатларда асосан, икки томон: ходим ва иш берувчи иштирок этади. Ходим сифатида меҳнат қилиш ҳуқуқи ва муомала лаёқатига эга бўлган, яъни муайян ёшга еттан, ўзининг жисмоний ва ақлий қобилиятига кўра ёлланниб ишлаши мумкин бўлган фуқаро субъект бўлиб қатнашади. Ходимнинг меҳнат ҳуқуқий мавқеи Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Меҳнат Кодекси ва бошقا қонунлар ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

Меҳнат муносабатлари субъекти сифатида иккинчи томондан иш берувчилар, яъни фуқароларни ишга ёллашта, улар меҳнатини қонун талаблари асосида ташкил этишга, меҳнатта ҳақ тўлашга лаёқатли бўлган тижорат, тижоратга алоқасиз ташкилотлар, муайян ҳолларда айрим фуқаролар қатнашадилар. Иш берувчининг юридик мавқеи Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Фуқаролик Кодекси, Меҳнат Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолияти эркинликларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни ва қонунчилик ҳужжатларига кўра белгиланади. Шуни эса сақлаш лозимки, юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик билан шугууланувчи якка тадбиркорлар фаолияти ўзларининг шахсий меҳнатлари билан тадбиркорлик фаолияти олиб боришлари мумкин, яъни улар ёлланма меҳнатдан фойдаланишлари мумкин эмас ва шу туфайли меҳнат ҳуқуқининг субъекти бўлолмайдилар.

Меҳнат ҳуқуқининг субъекти сифатида ходимлар вакиллик органдари: касаба уюнмалари, меҳнат жамоалари, бошقا органлар иштирок этадилар ва уларнинг ҳуқуқий мақоми тегишли қонунлар билан, ходимлар жамоаси томонидан берилган ваколатлар билан белгиланади.

Иш берувчилар вакиллари ҳам меҳнат ҳуқуқининг субъектларидан саналади. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлilikининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ иш берувчилар ўз манфаатларини ҳимоя қилишилик учун турли ихтиёрий уюшмаларга бирлашишлари мумкин. Иш берувчи вакиллик органларининг меҳнат ҳуқуқи субъекти сифатидаги ҳуқуқий ҳолати уларни ташкил этган муассислар берган ваколатта, қонун ҳужжатларига кўра белгиланади.

Кичик, ўрга ва хусусий тадбиркорлик соҳасида иш берувчилар вакили сифатида фаолият юритиш ваколати Ўзбекистон Республикаси “Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси тўғрисида”ги Қонунига кўра ушбу палаталарга берилган. Хорижий сармоялари бўлган корхоналарнинг, хорижий мамлакатлар фуқароларининг меҳнат ҳуқуқи субъекти сифатидаги юридик мавқеининг ўзига хос жиҳатлари тегишли қонулар ва қонун ҳужжатлари билан белгилаб кўйилади.

З-амалий машгулот режаси

1. Меҳнат ҳуқуқи субъектлари тушунчаси ва уларнинг таснифи.
2. Ходимлар меҳнат ҳуқуқининг субъекти сифатида.
3. Иш берувчилар меҳнат ҳуқуқининг субъекти сифатида.
4. Ходимлар ва иш берувчилар вакиллик органлари меҳнат ҳуқуқининг субъекти сифатида.

Вазиятли масалалар

1-масала.

“Холис хизмат” майший хизмат кўрсатиш хусусий фирмасининг қабул пункти мудирининг фармойишига кўра фуқаро Я. хусусий фирмага экспедитор сифатида ишга қабул қилиниди. Бироқ, ойлик маош бериш пайтида Я.ни ишга қабул қилиши расмийлаштирилмаганилиги маълум бўлди. Фирма бошлиғи Я. ни ишга қабул қилишдан бош тортди. Я. даъво аризаси билан судга мурожаат қилди.

- Фирма қабул пункти мудирининг тутган йўли тўғрими?
- Фуқаро Я. ишга қабул қилинган саналадими?
- Корхоналар филиаллари, бўлимлари ва бошқа таркибий қисмларининг ҳуқуқий мақоми қандай белгиланади?
- Я.нинг талаби қондириладими?

2-масала.

17 ёшли фуқаро А. асбобсозлик заводига ишга қабул қилишиларини сўраб мурожаат қилди. Завод маъмурияти унга отонасидан ёзма розилик олиб келиши лозимлигини айтиб ишга қабул қилишдан бош тортди.

– Фуқаро А. ни ишга қабул қилишни рад этиш асослами?

– 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнат хукуқий мақоми қандай?

3-масала.

Қозогистон Республикасининг фуқароси К. Тошкент тўқимачилик комбинатига ишга қабул қилишиларини сўраб мурожаат қилди. Аммо, комбинат маъмурияти Ўзбекистонда меҳнат фаолияти билан шуғулланишлик учун рухсат (лизенция) тақдим этилиши лозимлигини айтиб, ишга қабул қилишни рад этди. К. бундан норози бўлиб, судга мурожаат қилди ва ўз даъво аризасида Ўзбекистонда доимий яшашини кўрсатиб, ишга қабул қилиш рад этишини асоссиз ҳисоблашни таъкидлайди.

– К. ни ишга қабул қилишдан бош тортни тўғрими?

– К. нинг эътироzlари ўринилми?

– Хорижий фуқароларни Ўзбекистонда меҳнат фаолияти билан шуғулланиш тартиби қандай?

Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., “Адолат”.
1998.

2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. Т., “Адолат”.
1999.

15-модда. Иш берувчи мешнатта оид мунисабатларнинг субъектни сифатида.

Кўйидагилар иш берувчилар бўлиши мумкин:

1) корхоналар, шу жумладан, уларнинг алоҳида таркибий бўлганималари ўз раҳбарлари тимсолида;

2) мулқдорнинг ўзи айни бир вақтда раҳбар бўлган хусусий корхоналар;

3) ўн саккиз ёшга тўлган айрим шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.

17-модда. Иш берувчишинг асосий хукуқлари.

Иш берувчи:

корхонани бошқарипи ва ўз ваколатлари доирасида мустақил қарорлар қабул қилиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ якка тартибдаги меңнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш;

меңнат шартномасида шарт қилиб күрсатилган ишни лозим даражада бажаришни ходимдан талаб қилиш;

ўз манфаатларини ҳимоялаш учун бошқа иш берувчилар билан бирга жамоат бирлашмалари тузиш ва бундай бирлашмалар аъзо бўлиш ҳукуқига эгадир.

16-модда. Ходимшиг асосий меңнат ҳукуқлари.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ҳар бир шахс меңнат қилиш, эркин иш ташлаш. Ҳаққоний меңнат шартлари асосида ишлаш ва қонунда белгиланган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳукуқига эгадир.

Ҳар бир ходим:

ўз меңнати учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан оз бўлмаган миқдорда ҳақ олиш;

муддатлари чегараси белгиланган иш вақтини ўрнатиш, бир қатор касблар ва ишлар учун иш кунини қисқартиши, ҳар ҳафталик дам олиш кунлари, байрам кунлари, шунингдек, ҳақ тўланадиган йиллик таътиллар бериш орқали таъминланадиган дам олиш;

хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган шароитларда меңнат қилиш;

касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

иш билан боғлиқ ҳолда соглиққа ёки мол-мулкка етказилган зарарнинг ўринини қоплаш;

касаба уюшмалаларига ҳамда ходимлар ва меңнат жамоаларининг манфаатларини ифода этувчи бошқа ташкилотларга бирлашиш;

қариганда, меңнат қобилиятини йўқотганда, бокувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда туғилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш;

ўзининг меңнат ҳукуқларини ҳимоя қилиш, шу жумладан, суд орқали ҳимоя қилиш ва малакали юридик ёрдам олиш;

жамоаларга доир меңнат низоларида ўз манфаатларини қувватлаш ҳукуқига эгадир.

19-модда. Меңнат жамоаси меңнатта оид муносабатларниг субъекти сифатида.

Ўз меҳнати билан корхона фаолиятида меҳнат шартномаси асосида иштирок этётган унинг барча ходимлари корхона меҳнат жамоаси ташкил этадилар.

Меҳнат жамоасининг ҳуқуқ ва бурчлари, унинг ваколатлари, уларни амалга ошириш тартиби ва шакллари, қонуллар ва бошқа мөъёрий ҳужжатлар билан белгиланади.

3. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлдаги “Касаба уюшмалари, уларниң ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни.

1-модда. Касаба уюпималари.

Касаба уюшмаси кўнгилли жамоат ташкилоти бўлиб, ҳам ишлаб чиқариш, ҳам ишлаб чиқаришга алоқадорсиз соҳалардаги фаолият турига кўра ўз аъзоларининг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларипи ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиши учун муштарак манфаатлар билан боғланган меҳнаткашларни бирлаштиради.

4. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелдаги “Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари тўғрисида”ги Қонуни.

3-модда. Палата ... давлат ҳокимияти ва бошқарув органиларида, жамоат ва халқаро ташкилотларда, шу жумладан, бошқа мамлакатларда товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларининг манфаатларини ифодалайди...

5. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 апрелдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни.

6. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Қонуни.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 19 октябрдаги 408-қарори билан тасдиқлаган “Ўзбекистон Республикасида хорижий ишги кучларни жалб қилиши ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низом”.

8. Турсунов Й. “Меҳнат ҳуқуқи”, Т., “Молия”, 1999.

4-мавзу. Меҳнатта оид ҳуқуқий муносабатлар

Ҳар қандай ҳуқуқий мөъёр, аввало, ижтимоий муноса-батларни тартибга солувчиидир. Ҳуқуқ жиҳатдан бошқариладиган муайян ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий муносабатлар дейилади. Ҳуқуқий муносабат амалдаги ҳуқуқий месёrlар асосида тартибга солигувчи

ижтимоий муносабат эканлигига талаба алоҳида эътибор бермоғи лозим.

Меҳнатта оид ҳуқуқий муносабат – корхона, муассаса, ташкилотда ходим-меҳнатини қўлланиш бўйича юридик муносабатdir. Меҳнатта оид ҳуқуқий муносабатнинг мазмунини ходимнинг корхона, муассаса, ташкилотдаги меҳнат фаолияти ташкил этади.

Меҳнатта оид ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келишига ижтимоий-иқтисодий асослар сабаб бўлиб, меҳант бозорининг фаолият кўрсатиши билан боғлиқдир. Меҳнатта оид ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиши, ўзгариши ва бекор бўлишининг ҳуқуқий тартибга солищдан мақсад, меҳнат бозорини давлат йўли билан бошқариш, бу муносабатлар давомида фуқаролар ҳамда иш берувчилар ҳуқуқлари ҳамда бошқа қонуний манфаатларини ҳимоя қилипцдир.

Ушбу мавзуни ўрганишда талаба меҳнатта оид ҳуқуқий муносабат вужудга келишида меҳнат шартномаси асос бўлишини, ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишини таъминлашнинг муҳим аҳамиятта эга эканлигига алоҳида эътибор бермоғи лозим.

Меҳнат ҳуқуқий муносабатларини тартибга солища давлат фаолияти билан бир қаторда бевосита корхона ва ташкилотларнинг ўзларига, ходимлар ва иш берувчилар вакиллик органларига катта ваколатлар берилган. Меҳнат муносабатларини тартибга солища меҳнат шартномаси муҳим аҳамиятта эга.

4-амалий мағніулот режаси

1. Ҳуқуқий муносабат тушунчаси.
2. Меҳнатта оид ҳуқуқий муносабат тушунчаси.
3. Меҳнатта оид ҳуқуқий муносабатнинг юзага келиши.
4. Меҳнатта оид ҳуқуқий муносабат унсурлари.

Тавсия этиладиган адабётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси Т., “Адолат”, ”, 1999.

1-модда. Меҳнатта оид муносабатларни тартибга солувчи меъсрой хужжатлар.

Ўзбекистон Республикасида меҳнатта оид муносабатлар меҳнат тўғрисидаги қонуи хужжатлари, жамоа келишувлари, шунингдек,

жамоа шартномалари ва бошқа локал мөъёрий хужжатлар билан тартибга солинади.

Меҳнат тўғрисидаги қонун хужжатлари ушбу Кодекс, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ва Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари ва Жуқорги Кеңгес қарорлари, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари, давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик ва ижроия органлари ўз ваколатлари доирасида қабул қиласидан қарорлардан иборатdir.

Мулкчиликниг барча шаклларидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларда, шунингдек, айрим фуқаролар ихтиёрида меҳнат шартномаси (контракти) бўйича ишлайтган жисмоний шахсларгининг меҳнатта оид муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонуилар ва бошқа мөъёрий хужжатлар билан тартибга солинади.

4-модда. Меҳнатта оид муносабатларни қонуилар орқали ва шартномалар асосида тартибга солишшиг ўзаро боғлиқлиги.

Ходимлар учун меҳнат ҳукуқларининг ва кафолатларининг энг паст даражаси қонунлар билан белгилаб кўйилади.

Қонуилардагига нисбатан кўшимча меҳнат ҳукуқлари ва кафолатлари бошқа мөъёрий хужжатлар, шу жумладан, шартнома ўйисидаги хужжатлар (жамоа келишувлари, жамоа шартномалари, бошқа ички хужжатлар), шунингдек, ходим ва иш берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартномалари билан белгиланиши мумкин.

Меҳнат ҳақидаги келишувлар ва шартномаларининг шартлари, агар қонуида бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, бир тарафлама ўзгартирилиши мумкин эмас. Меҳнат тўғрисидаги қонуилар ва бошқа мөъёрий хужжатлар билан тартибга солинмаган масалалар меҳнат тўғрисидаги шартнома тарафларининг келишуви асосида, ўзаро келишилмаган тақдирда эса, меҳнат изоларини кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда ҳал қилинади.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуи. Ўзбекистониниг ятиги қонуилари, № 19, Т., “Адолат”, 1998.

12-модда. Чет эллик инвесторларининг хўжалик фаолияти.

Чет эллик инвесторлар Ўзбекистон республикасига ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун, шунингдек, чет эллик инвесторларининг ва чет эллик инвесторлар билан тузилган меҳнат шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида турган чет давлатлар

фуқароларининг шахсий эҳтиёжлари учун олиб кириладиган молмулдан бож тўлови олинмайди.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ходимларининг меҳнат муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

12-модда. Чет эллик ходимларни жалб этиши.

Чет эллик инвесторлар ва чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар, Ўзбекистон республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар қандай чет давлат фуқаролари билан ва Ўзбекистон Республикасидан ташқарида яшоғи фуқаролиги бўлмаган шахслар билан инвестиция фаолиятини амалга ошириш мақсадида эркин меҳнат шартномалари тузиш ҳукуқига эга. Булдай шахслар тетишли кўп марталик визалар олган ҳолда меҳнат шартномасининг бутун амал қилиш даври учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келиш ва унда қолиш ҳукуқига эга.

Чет эллик ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш, уларга таътиллар бериш, уларни пеисия билан таъминлаш масалалари уларниг ҳар бири билан тузилган меҳнат шартномаларида ҳал этилиши лозим. Бундай ходимлар иш ҳақи ва қонуний йўл билан олган ўзга даромадларини бошқа давлатларга, қонунда белгиланган солиқлар ва маҷбурий тўловлар тўлангандан кейин, бирон-бир чекловсиз ўтказишлари мумкин.

Чет эллик инвестор, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона чет эллик ходим доимий яшайдиган мамлакатдаги тегишли фондларга шу ходим учун ижтимоий сурита ва ижтимоий таъмиют тўловларини ўтказади.

18-модда. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхопани қайта ташкил этиши ёки тугатини.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона қайта ташкил этилган ёки тугатилганда меҳнат шартномалари бекор бўлган ходимларининг ҳукуқ ва маибаатларига риоя этилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ кафолатланади.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Кооперация тўғрисида”ги Қонуци. Ўзбекистонининг янги қонуулари. № 2. Т., “Адолат”, 1992.

6-модда. Кооператив мулк.

2. Кооперативнинг аъзоси меҳнат шартномаси бўйича бир неча ишлаб чиқариш кооператива ишлashi ёки айни бир вақтининг

ўзида уй-жой ва бошқа ижтимоий эҳтиёжларни қондириш билан шуғулланувчи бир неча кооперативнинг аъзоси бўлишга ҳақли.

Кооперативга кириш ёки унда меҳнат шартномаси (контракт, битим) бўйича ишилаш учун асосий иш жойидаги корхона мулқдорининг, маъмуриятнинг (бошқарув идорасининг) розилиги талаб қилинмайди.

Қонун хужжатларига мувофиқ суднинг ҳал қилув қарорига кўра муайян фаолият билан шуғуланиши ёхуд муайян лавозимни эгаллаши ман этилган шахсларнинг кооперативга аъзо бўлиши ёки меҳнат шартномаси (контракти) асосида унда ишилашга жалб этилиши мумкин эмас.

5-мавзу. Жамоа шартномалари ва жамоа келишувлари

Мамлакат иқтисодиётини тадрижий ривожлантириш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашда меҳнат муносабатлари иштирокчилари ўртасида ўзаро самарали ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши муҳим аҳамиятга эга. Бундай ҳамкорлик қилинishi ходимлар манфаатларига ҳам, иш берувчи манфаатларига ҳам тўла мувофиқ келади.

Иш берувчилар ва ходимлар жамоаси ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий шаклларидан бири жамоа шартномалари ва жамоа келишувлари тузилиши, улар ижро этилишини таъминланишидан иборатdir.

Жамоа шартномаси иш берувчи ва ходимлар жамоаси ўртасидаги меҳнатта оид ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатларни тартибига солувчи келишув, меъёрий кучга эга бўлган ички ҳужжатdir.

Жамоа шартномаси мазмунни корхонани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ходимларнинг меҳнат ва бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини таъминлаш каби масалаларни ўз ичига олиб, меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқлар соҳасида корхонада кўлланиладиган ўзига хосликлар, қўшимча кафолатлар унда акс эттирилади.

Меҳнат Кодексида жамоа шартномасини тузиш тартиби, ижро этилиши, бажарилиши устидан назоратни таъминлаш тартиблари ва шакллари, унинг талаблари бажарилмаганлиги учун жавобгарлик масалалари белгиланган. Жамоа шартномаси тушунчаси, вазифалари, аҳамиятига тааллуқли масалалар Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексида, “Касаба ўшмалари,

уларнинг хукуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунларда ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида ҳам назарда тутилган.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхоналарда жамоа шартномаси тузиш ва уни бажарилишини таъминлаш меҳнат муносабатларида қонунийликни таъминлаш, ижтимоий адолатни қарор топтиришда катта аҳамиятта эга.

Жамоа келишуви – муайян касб, тармоқ, ҳудуд ходимлари учун меҳнат шартлари, иш билан таъминлаш ва ижтимоий кафолатлар белгилаш борасидаги мажбурияtlарни ўз ичига олувчи ходимлар вакиллик органлари билан иш берувчи вакиллари ўртасидаги битим, ички меъёрий ҳужжатдир.

Жамоа шартномаси бир корхона доирасида амал қилувчи ички меъёрий ҳужжат бўлса, жамоа келишувининг амал қилиш миқёси катта бўлган меъёрий ҳужжатдир. Жамоа келишуви минтақа (вилоят, иқтисодий комплекс) тармоқ ёки бутун Ўзбекистон ҳудуди доирасида кўлланилишига мўлжаллаб тузилади. Агар жамоа шартномаси меҳнат, иш билан таъминлаш, ижтимоий кафолатлар бериш масалаларини микроиқтисодий доирада (айрим олинган корхонада) ҳал қилишга қаратилган бўлса жамоа келишувлари айнан ушбу муаммоларни ва бошқа вазифаларни макроиқтисодий маконда, кўламли тарзда ҳал этиш вазифасини бажаради.

Жамоа келишувларини тузиш тартиби меҳнат қонунчилиги мезонларида белгилаб қўйилган. Жамоа келишувларининг мазмuni, бажарилиши унинг томонлари вакиллари амалга оширадиган текширишлар ҳамда назорат орқали амалга оширилади. Жамоа келишувида ҳудуд, тармоқ ходимлари ва иш берувчilar учун амал қилиниши лозим бўлган ҳоидалар белгилаб қўйилади. Жамоа шартномаси ва жамоа келишувлари муайян ўзгаришлар юз бериши туфайли (масалан, корхонани давлат тасарруфидан чиқарилиши, у корхоналарда технология ва бошқа туб ўзгаришларни амалга оширилиши ва бошқалар) вужудга келувчи салбий оқибатлардан ходимларни ҳимоя қилувчи, шу муносабат билан уларга кафолатлар бериш чораларини назарда тугади.

Жамоа шартномаси ва келишувлари давлат, жамият, шахс манбаатларини ижтимоий меҳнат муносабатларида таъминлаш – ривожлантиришнинг муҳим ижтимоий механизmlаридан саналади.

5-амалий машгулот режаси

1. Жамоа шартномаси ва жамоа келишуви тушунчаси ва аҳамияти.
2. Жамоа шартномасининг тузилиши тартиби, мазмуни ва ижро этилиши.
3. Жамоа келишувларининг тузилиши ва мазмуни.
4. Жамоа шартномаси ва жамоа келишуви бажарилиши устидан текшириш ҳамда назорат олиб бориш.

Вазиятли масалалар

1-масала.

“Максима” хусусий корхонасининг меҳнат жамоаси (17 кишидан иборат) корхона мулқдорига мурожаат қилиб, жамоа шартномаси тузишни таклиф қилди. Аммо корхона мулқдори бу таклифни 1 ой давомида кўриб чиқиб, рад жавоби берди. Мулқдор ўз жавобини корхонада касаба уюшмаси ташкил этилмаганлиги ва бусиз жамоа шартномаси тузиш мумкин эмас, деб изоҳлади.

- Меҳнат жамоаси таклифи ўринлими?
- Иш берувчи жавоби асослими, у томондан қонун талаблари бузилмаганими?
- Низо қандай ҳал этилиши лозим?

2-масала.

“Саҳоват” жамоа корхонасининг фаолияти: меҳнат ҳукуқий инспекцияси томонидан текширилаёттанида жамоа шартномаси корхона раҳбари ва касаба уюшма қўмитасининг раиси томонидан имзоланган бўлса-да, меҳнат жамоасида муҳокама этилмаганлиги мыълум бўлиб қолди. Текширувчи идора вакил: бундай шартнома ҳақиқий саналмаслигини айтди. Иш берувчининг вакили эса ҳар икки томоннинг ваколатли вакиллари имзолаганлари учун жамоа шартномаси ҳақиқий саналиши лозимигини тъкидлади. Низо юзага келади.

- Жамоа шартномаси ҳақиқий саналадими?
- Низо қандай тартибда ҳал этилиши лозим?
- Жамоа шартномасини тузиш тартиби қандай?

3-масала.

Машинасозлик саноати корхоналари, касаба уюшмаси ва иш берувчилари тармоқ жамоа келишувини тузиш пайтида унинг

муддати юзасидан келишмовчилик юз берди. Иш берувчининг вакили саналувчи тараф келишув 5 йилга тузилишини айтди, тармоқ касаба уюшмаси вакили эса 1 йил муддатта тузиш кераклигини айтди.

- Жамоа келишувининг энг кўп муддати қонунда назарда тутилганми?
- Низо ҳандай тартибда ҳал этилади?
- Жамоа келишувин тузилиш тартибини баён этинг?

Тавсия этиладиган адабийётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., “Адолат”. 1998.

59-модда. Касаба уюшмалари ходимларининг ижтимоий-иктисодий хукуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиласидар. Касаба ташкилотларига аъзо бўлиши ихтиёрийdir.

2. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлдаги “Касаба уюшмалари, уларнинг хукуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Конуни.

9-модда. Касаба уюшмаларининг жамоат шартнома (битим)лари тузили ҳақда музокара олиб бориши хукуқлари.

Агар касаба уюшмалари жамоа шартномаси (битимлар) тузилиши тажкиф этса, маъмурият, мулкдор ёки у вакил қилган бошқарма идораси бу ҳақда музокаралар олиб бориши шарт.

3. Ўзбекистон Республикасининг Мехнат Кодекси. Т., “Адолат”. 1999.

29-модда. Жамоа шартномалари ва келишувларининг тушунчаси ва мақсади.

Жамоа шартномаси – корхонада иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатта оид, ижтимоий-иктисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга солувчи месъерий хужжатdir.

Жамоа келишуви – муайян касб тармоқ, худуд ходимлари учун меҳнат шартлари, иш билан таъминланishi ва ижтимоий кафолатлар белгисини борасидаги маъбуриятларни ўз ичига оловчи месъерий хужжатdir.

Жамоа шартномалари ва келишувлари ходимлар билан иш берувчиларнинг меҳнатта оид муносабатларини шартнома асосида тартибга солишга ва уларнинг ижтимоий-иктисодий манфаатларини мувофиқлангирishга ёрдам берини мақсадида тузилади.

36-модда. Жамоа шартномасининг тарафлари.

Жамоа шартномаси, бир тарафдан, ходимлар томонидан касаба уюшмалари ёки ўзлари ваколат берган бошқа вакиллик органлари орқали, иккинчи тарафдан – бевосита иш берувчи ёки у ваколат берган вакиллар томонидан тузилади.

40-модда. Жамоа шартномасини тузиш тартиби.

Жамоа шартномаси, башарти уни умумий йигилиш (конференция)да иштирок этаёттандарнинг эллик фоизидан кўпроғи ёқлаб овоз берган бўлса, маъкулланган ҳисобланади.

Агар жамоа шартномасининг лойиҳаси маъкулланмаса, тарафларнинг вакиллари уни умумий йигилиш (конференция)да билдирилган таклиф-истакларни эътиборга олган ҳолда ишлаб таомилита етказадилар ҳамда ўн беш кун ичida умумий йигилиш (конференция) муҳокамасига қайта таъдим этадилар.

Умумий йигилиш (конференция)да маъкулланганидан кейин тарафларнинг вакиллари жамоа шартномасини уч кун ичida имзолайдилар.

47-модда. Жамоа келишувларининг турлари.

Тартибга солинадиган муносабатлар соҳаси, ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларнинг хусусиятларига кўра бош, тармоқ ва ҳудудий (минтақавий) жамоа келишувлари тузилиши мумкин.

Жамоа келишувлари музоқараларда ингтирок этаётган тарафларнинг келишувига мувофиқ икки тарафлама ва уч тарафлама бўлиши мумкин. Келишувни тузиш вақтида учинчи тараф сифатида ижро этувчи ҳокимият органи: иштирок этиши мумкин.

Касаба уюшмалари, ходимларнинг бошқа вакиллик органлари иш берувчи ёки иш берувчининг вакили бўлмagan ижро этувчи ҳокимият органидан улар билан икки тарафлама. келишув тузилини талаб этишга ҳақиди эмас.

МАХСУС ҚИСМ

6-мазу. Аҳолини иш билан таъминлаш ва бандлик соҳасидаги давлат ҳуқуқий сиёсатининг асослари

Ўзбекистон Республикаси меҳнат ресурслари тез суръатлар билан кўтайдиб бораётган минтақалардан бўлиб, бу ерда иқтисодий фаол аҳолининг, яъни меҳнатта яроқли аҳолининг ўсиш суръати нисбатан анча юқоридир. Бозор муносабатларининг тезлик билан жамият ҳаётига кириб бораётганлиги, бунда боқимандалик қайғиятларига тоқат қилинmasлиги аҳолининг тез ўсиш суръатлари омили билан ўзаро қўшилган ҳолда иш билан таъминлаш, бандлик муаммоларини долзарб вазифалар қаторига киритмоқда.

Республикамида ушбу муаммо аҳамияти яхши англанган ҳолда давлат сиёсати ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда. Унинг асосий жиҳатлари қаторига ижтимоий ҳимояяга муҳтоҷ, меҳнат бозорида тенг рақобатлашмайдиган аҳоли табакаларини иш билан таъминлашда имтиёз бериш, маҳсус қўшимча чоралар белгилаш, меҳнат қилиш ҳуқуқларини рӯёбга чиқарилишида барчага тенг имкониятлар яратиш, ишсизликтан моддий ва ҳуқуқий ҳимояланишини амалга ошириш кабилар киритилиши мумкин.

Аҳолини иш билан таъминлашнинг ҳуқуқий масалаларини ўрганаёттанди бу соҳадаги қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексида, янги таҳрирдаги “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ти Қонунда, бошқа айrim қонунларда ҳамда идоравий-бошқарув қонун ҳужжатларида белгиланганлиги эътиборда сақланмоғи лозим.

Хусусан, ушбу ҳужжатларда бандлик тушунчаси таърифи, корхоналардан ишдан бўшатиб олиш тартиблари, шартлари, бўшатиб юборилаётган ходимларга бериладиган моддий ва бошқа меҳнат-ҳуқуқий кафолатлар назарда тутилган.

Аҳолини иш билан таъминлаш ҳақидаги қонунчиликда фуҳароларни иш ахтарувчи шахс сифатида рўйхатта олиш, уларни корхона ва ташкилотларга ишга юбориш, ишсиз деб эътироф

этиш, янги касбга ўқитиши, ишсизлик нафақаларини тайинлаш ва тұлаш, ишсиз шахсларға моддий ёрдам күрсатыш тартиблари, шартлари баён этилган. Шунингдек, ақолининг айрим табақалари: ҳомиладор ва ёш болали аёллар, ногиронлар, вояга етмаганлар, пенсияға чиқиши арағасида бұлған шахслар, муддатли ҳарбий хизметдан қайттанылар, жазони ұташ жойларидан озод қилингандар ва бошқа шахсларни ишга жойлаштырышининг құшымча чоралари, бундай тоифадаги фуқаролар учун құшымча иш жойлари барпо этиш, құшымча иш жойлари барпо этиш, ушбу шахслар учун иш жойларини банд қылиб құйиши бу иш жойларига ушбу тоифага мансуб шахсларни ишга юбориш масалалари ҳам қонунчилік хужжатлари билан тартибға солинган.

“Ақолини иш билан таъминлаш тұғрисида” ги Қонун ишга жойлаштырыш органлари, уларнинг тизимлари, ақолини ишга жойлаштыриш соқасидаги вазифалари ва ваколатларини, хұжалик юритувчи субъектлар билан бу соқадаги мұносабатларнинг ҳуқуқий асосларини ҳам белгилаб беради. Ақолини иш билан таъминлаш соқасида марказий ва маҳаллий давлат органлари, жамоат органлари, иш берувчилар ҳамда уларнинг бирлашмалари олиб борадиган фаянияттар, уларнинг бу соқадаги вазифалари ҳам қонунчилік билан белгилаб құйылған.

Талаба ақолини иш билан таъминлашнинг ҳуқуқий жиһатларини үргалайтганида уншыг ҳуқуқий асослари билан бир қаторда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ахамияттыға, бу соқада юритилаёттан давлат сиёсатининг мөхияттіні ҳамда асосий йұпалишларига зәтибор берішлари ксрак.

6-амалій маңызғалот режасы

1. Ақолини иш билан таъминлаш ва уни ижтимоий тартибға солишибпен ҳуқуқиі асослари.
2. Ақолини ишга жойлаштырыш органлари тизими, уларнинг вазифалари ҳамда ваколатлари.
3. Ишсизлик түшунчаси ва ишсиз шахсларға бериладиган кафолатлар.
4. Ишсизликка қарши курашында давлат органлари, иш берувчилар ҳамда ходимлар әкімлік органларининг тұтқан үрни.

Вазиятли масалалар

1-масала.

Фуқаро Д. туман меңнат органига мурожаат қилиб, иш топища ёрдам берипшарини сұрады.

Меңнат органининг хизматчиси Д.ни иш изловчи шахс сифатида рүйхатта олишни рад этди ва ўз қарорини унинг 8 сотих ер участкаси борлиги, янын банд ахоли ҳисобланиши билан изоҳланади.

Д. бу қарордан норози бўлиб, маҳаллий меңнат органи бошлиғига шикоят қиласар экан, оиласида ўзидан бошқа яна икки вояга етган меңнатга яроқли, аммо ишламайдиган шахс борлигини баён этиб, қарорни ўзгартиришини сўрайди.

- Маҳаллий меңнат органининг бошлиғига қандай қарор қабул қилиши лозим?
- Д. нинг эътирози асослами?
- Фуқароларни иш изловчи шахс сифатида ҳисобга олиш тартиби қандай?

2-масала.

Фуқаро Ф. маҳаллий меңнат органи томонидан ишсиз деб эътироф этилди ва унга энг кам ойлик иш ҳақининг 75% миқдорида ишсизлик нафақаси тайинланди.

Ф. ишсизлик нафақаси миқдоридан норози бўлиб, судга шикоят қилди. У ўз аризасида аввал ишлаганлигини, бетоблиги сабабли бир ярим йилдан бўён ишламаётганлигини ва шу сабабли ўзига ишлаган пайтидаги ўртacha ойлик иш ҳақи миқдорида ишсизлик нафақаси тайинланнишини сўрайди.

Судда унинг аризаси қабул қилинмади ва бундай низолар суд орқали эмас, балки меңнат органларининг ўзида кўриб чиқилишини айтиди.

- Маҳаллий меңнат органининг нафақа миқдори ҳақидаги қарори тўғрими?
- Фуқаро Ф.нинг эътирози ўринлами?
- Суднинг аризани қабул қиласлиги тўғрими?
- Ишсизлик нафақаси миқдорлари ҳақида сўзлаб беринг?

3-масала.

Фуқаро К.га тайинланган ишсизлик нафақаси у ҳақ тўлайдиган корхона жамоа ишларида қатнашишдан бош тортпанилиги сабабли бекор қилинди.

К, маҳаллий меҳнат органининг бундай қарори устидан судга мурожаат қиласар экан, қарамогида икки нафар меҳнатта яроқсиз, 12 ёшли фарзанди ва ногирон эри борлигини, шу сабабли яшаш жойидан бошига қишлоқда ташкил этилган жамоат ишида қатнаша олмаганлигини, йўл узоқлиги сабабли берилиши мумкин бўлган иш ҳақи йўл ҳақига ҳам етмаслигини баён этиб, ишсизлик нафақасини қайта тикланишини сўради.

- Маҳаллий меҳнат органининг жамоат ишларида қатнашишдан бош торғанлик учун нафақа тўлашни бекор қилиш ҳақидаги қарори тўғрими?
- Қайси ҳолда бундай асос билан нафақа тўлаш тўхтатилиши мумкин?
- Қ.нинг важлари ўринилми?
- Мақбул келадиган иш деганда нима назарда тутилиши лозим?

Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., “Адолат”, 1998.
2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. Т., “Адолат”, 1999.

57-модда. Ишга жойлашиш ҳуқуқи.

Унумли ва ижодий меҳнат қилишга бўлган қобилиятларини тасарруф этиш ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият билан шугууланиш ҳар кимнинг мўтлақ ҳуқуқидир. Ихтиёрий равишда иш билан банд бўлмаслик жавобгарликка тортиш учун асос бўлолмайди.

Ҳар ким иш бсрувчига боссита мурожаат қилиш ёки меҳнат органларининг белул воситачилиги орқали иш жойини эркин таъминлаш ҳуқуқига эгадир.

3. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни.

3-модда.

Ўн олпи ёшдан то пенсия билан таъминланиси ва қитигача бўлган ёшдаги, иш ва иш ҳақи (меҳнат даромади)га эта бўлмаган, иш қидириувчи шахс сифатида меҳнат органида рўйхатта олинган, меҳнат қилишга касбга тайёрлани ва қайта тайёрлашдан ўтишига, малакасини оширишга тайёр меҳнатта қобилиятли шахстар ишсиз, деб эътироф этилади.

Шахсларни ишсиз деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор маҳаллий меҳнат органи томонидан улар иши қидираёттан шахс сифатида рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн бир кундан кечистирмай қабул қилинади.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 13 октябрда 831 тартиб рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Меҳнат органларида фуқароларни рўйхатта олиш, уларни ишга жойлаштириш, ишсизлик нафақасини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низом”.

5. “Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ, иш топишда қўйналадиган ва меҳнат бозорида тент шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш тартиби тўғрисида низом”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 1 декабрдаги 504-қарори билан тасдиқланган.

6. “Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучларни жалб қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 19 октябрдаги 408-қарори билан тасдиқланган.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 22 декабря 858-рақами давлат рўйхатидан ўтказилган “Меҳнат органларига бўш иш жойларининг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни ва бўшатилиши мўлжалланётган ходимлар ҳақидаги ахборотни тақдим қилиш тартиби тўғрисида низом”.

8. “Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш тўғрисидаги низом”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги 353-қарори билан тасдиқланган.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 7 январдаги 588-рақами давлат рўйхатига олиған “Алоҳида асосларга кўра меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишдан бўшатилган ходимларга муддатидан олдин пенсия тайинлаш тартиби тўғрисида йўриқнома”.

10. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунига шарҳлар. Т., “Шарқ” НМК Бош таҳририяти, 2000.

11. Турсунов Й. “Меҳнат хукуқи”. Т., “Молия”, 1999.

7-масзу. Мәхнат шартномаси түшүнчеси. Фуқароларнинг мәхнат қилиш хукуқлариниң юзага чиқаришда уннинг аҳамияти

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти ривожланиб бораётта ҳозирги кунда фуқароларга берилган мәхнат қилиш хукуқларин юзага чиқариш соҳасидаги хукуқий механизмни чукур англастиш, уннинг самарали ишшашини таъминлаш жуда катта аҳамияттага эга эканлигига алоҳида эътибор бериш лозим.

Ушбу мавзуни ўрганиши жараённанда мәхнат қонунлари иштабаул қилишини хукуқий жиҳатдан тартибга солиниши, иш тури жойи ва қасбни танлаш эркинлиги, мәхнат хукуқларининг амалларини оширилишида барча фуқароларнинг ўзаро төнг эканликлари ижтимоий ҳимоя талаб аҳоли табақалари давлат томонидан кўллаб қувватлашининг амалга оширилиши каби қоидаларгача асосланганлигига тўхталиш лозим.

Мамлакатимизда фуқароларнинг мәхнат қилиш хукуқин амалга оширишнинг асосий шакли – мәхнат шартномаси. Мәхна Кодексининг 72-моддасига биноан мәхнат шартномаси ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозиб бўйича ишни ички мәхнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафла келишуви, шунингдек мәхнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида тегишил ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишувдир. Мәхнат шартномаси фуқароларнинг мәхнаттага бўлган конституциявий хукуқини рўёбига чиқаришнинг асосий ташкилий-хукуқий шаклидир. Мәхнат шартномаси асосида мәхнаттага жалб қилиш, ходимлар, иш берувчилар ва давлат манбаатларини кўзлаган ҳолда ҳар бир кишигэ эркин касб танлаш имконини беради.

Талаба ходим билан иш берувчи ўртасида тузилган мәхнат шартномаси мәхнат бўйича хукуқий муносабатлар юзага келишигина асос (юридик далил) эканлигини, мәхнат шартномасиси тарафларнинг хукуқлари ва вазифалари юзага чиқиши мумкин эмаслигини англаб олмоғи лозим. Мавзуни ўзлашпирин пайтид талаба мәхнат шартномаси ходимни мәхнаттага мажбур қилишиг йўл кўймаслик кафолати эканлиги, уннинг тарафларига мәхнаттаги муносабатларни тартибга солиш соҳасида кенг имкониятла беринини, мәхнат бозорини самарали амал қилиши учун зарур шарт-шароитлар яратишни ҳам назарда тутмоғи лозим. Мәхнат шартномаси фақат ёзма шаклда тузилиши кераклиги, бу ходим

йилан иш берувчига уни тузиш чогида эришилган шартларни қайд тиб күйиш имконини беради.

Меҳнат шартномасининг мазмунидаги тарафлар келишувига кўра, меҳнат тўғрисидаги қонуналар ва бошқа меъёрий хужжатларга асосан ёлтиланадиган шартлар кўзда тутилмоғи лозим. Бу мавзуни йораниш вақтида талаба фуқаролик-хуқуқий шартномалардан меҳнат шартномаси фарқини ажратадиган бўлмоғи лозим. Бунда пудрат, топширик, турли хизматлар кўрсатилиши пайтида бажариладиган шашлар ҳам можияти жиҳатдан меҳнат жараёни бўлса-да, аммо оқорида санааб ўтилганлар меҳнат шартномаси бўла олмайди.

7-амалий машгулот режаси

1. Меҳнат шартномасининг тушунчаси ва фуқароларнинг меҳнат қилиш хуқуқларини юзала чиқаришдаги аҳамияти.
2. Меҳнат шартномасининг мазмуни, унинг зарурий ва қўшимча шартлари.
3. Меҳнат шартномасининг амал қилиш муддати ва шакли.
4. Меҳнат шартномасини бошқа фуқаровий хуқуқий шартномалардан фарқи.

Вазиятли масала

1-масала.

Фуқаро Салимов “Фазо” хусусий корхонасига автоулов тилангари вазифасига ишга қабул қилинадиган бўлди. Бироқ, Салимовнинг ёзма меҳнат шартномаси тузиш тўғрисидаги талаби хусусий корхона раҳбари томонидан рад этилди ҳамда хусусий корхонада меҳнат шартномаси тузилмаслиги айтилди.

- Салимовнинг илтимоси асосслими?
- Фирма раҳбарининг жавоби қонунийми?
- Меҳнат шартномасини тарифлаб беринг?

2-масала. Фуқаро Аъзамов “Биомаш” акционерлик жамиятига конструктор вазифасига ишга қабул қилинадиган бўлди. Меҳнат шартномаси тузиш пайтида иш берувчи шартнома бир йил муддатта гузилишини, бундан ташқари, ходим меҳнат шартномасини узрли ҳабабсиз муддатидан аввал бекор қилингудек бўлса, иш берувчига ёнг кам ойлик иш ҳақининг юз баробари миқдорида жарима ғулашлиги лозимлиги айтилди. Аъзамов бундай шартлар меҳнат шартномасига киричилишига эътиroz билдирамади.

- Иш берувчи томонидан қонун талаблари бузилғанми?
- Мәхнат шартномасини құшимча шартлари жумласи қандай шартлар киритилиши мүмкін?
- Мәхнат шартномасыда неустойка құллашта оид шарт құллаш мүмкінми?

Тавсия этиладыған адабиёттар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Мәхнат Кодекси Т., “Адола” 1999.

72-модда. Мәхнат шартномасининг түшүнчеси ва тарафлар

Мәхнат шартномаси ходим билан иш берувчи ўртасыда муай мутахассислик, малака, лавозим бүйірчаш ішни ички мәхнат тартибы бүйсунған ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек мәхнат тұғрисида қонуналар ва бошқа мөһөрий хужжатлар билан белгиланған шартл асосида ҳақ әвазига бажарып қаралғанда келишувдир.

Ходим ва иш берувчи мәхнат шартномасининг тарафлары бүл ҳисобланадылар.

Мәхнат шартномасини түзиши ҳақидағи келишувдан олди құшимча ҳолатлар (танловдан үтиш, лавозимга сайланиш бошқалар) бўлиши мүмкін.

Ходим ўриндошлиқ асосида ишлаш тұғрисида, башарти қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бўлса, мәхнат шартномалари түзиши мүмкін.

73-модда. Мәхнат шартномасининг мазмұны.

Мәхнат шартномасининг мазмұны тарафлар келишуви бўйич шунингдек, мәхнат тұғрисидаги қонуналар ва бошқа нормат ҳужжатлар билан белгиланады.

Мәхнат шартномаси тарафларнинг келишуви билдіргендегілер белгиланады:

иш жойи (корхона ёки унинг бўлинмаси);

ходимнинг мәхнат вазифаси – мутахассислиги, малакаси ишлайдиган лавозим;

ишининг бошланиш куни;

мәхнат шартномаси муаяйн муддатта тузилғанда унинг ам қилиш муддати;

мәхнат ҳақи миқдори ва мәхнатнинг бошқа шартлари.

Мәхнат шартномасини түзиши пайтида ходимларнинг қонуналар ва бошқа мөһөрий хужжатлар билан белгиланған мәхнат хукуқлашы ва қағолатларининг даражаси пасайтирилиши мүмкін эмас.

74-модда. Мехнат шартномасининг шакли.

Мехнат шартномаси ёзма шаклда тузилади.

Мехнат шартномасининг шакли Ўзбекистон Республикаси хукумати томонидан белгиланган тартибда тасдиқланадиган намунавий шартномани ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

Мехнат шартномаси бир хил кучта эга бўлган камида икки нусхада тузилади ва ҳар бир тарафга саҳлаш учун топширилади.

Мехнат шартномасида тарафларнинг мансаблари кўрсатилади.

Мехнат шартномаси ходим ва ишга қабул қилиш ҳуқуқига эта бўлган мансабдор шахснинг имзолари билан мустаҳкамланиб, имзоланган муддати қайд этиб қўйилади. Мансабдор шахснинг имзоси имзонинг ҳақиқий ва ваколатли эканлигини таъкидлаш тариқасида корхона муҳри билан тасдиқланади.

75-модда. Мехнат шартномасининг муддати.

Мехнат шартномалари:

муайян бўлмаган муддатта;

беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатта;

муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб тузилиши мумкин.

Агар меҳнат шартномасида унинг амал қилиш муддати кўрсатилмаган бўлса, меҳнат шартномаси муайян муддатта тузилмаган деб ҳисобланади.

Муайян бўлмаган муддатта тузилган меҳнат шартномаси ходимнинг розилигисиз муайян муддатта, шунингдек, муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб қайта тузилиши мумкин эмас.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартағи 133-қарори ва унинг иловалари.

3. М; Гасанов., Е. Соколов. “Ўзбекистон Республикасида меҳнат шартномаси (контракт). 1 ва 2-китоб. Т., «Ўқитувчи», 1996, 5-52-бетлар.

4. «Трудовое право», М. "Прогресс", 1998, стр. 171-177.

5. Турсунов Й. "Меҳнат ҳуқуқи", Т., "Молия" 1999, 53-80-б.

8-масзу. Мехнат шартномасини тузиш

Мехнат шартномасини тузиш – унинг тарафлари бўлиб ҳисобланадиган ходим ва иш берувчи ўргасида ўзаро ҳуқуқлар ҳамда мажбуриятларни белгилаб олиш, ҳужжатлаштиришдан иборат эркин, иродавий жараёндан иборатдир.

Мехнат қонунчилиги меҳнат шартномаси тузиш жараёнини бир неча босқичга бўлади, бу босқичлар кўйидагилар:

I. Бўлгуси ишниң шарт-шароитлари ҳақидаги бошланғич музокаралар, ўзаро танишув жараёни;

II. Ходим томонидан шахси, малакаси, саломатлиги аҳволи ва бошқа талаб этиладиган хужжатларни тақдим этиш;

III. Ходим ва иш берувчи томонидан меҳнат шартномасининг зарурий ва қўшимча шартларини муҳокама этилиши, шу асосда ёзма шаклда меҳнат шартномаси лойиҳасини тузилиш;

IV. Меҳнат шартномасини ходим томонидан ва иш берувчи (унинг ваколатли вакили) томонидан имзолаш.

Меҳнат шартномаси тузишдан иш берувчи гайриқонуний бosh тортиши мумкин эмас. Меҳнат қонунчилигида меҳнат шартномаси тузиш ва ишга қабул қилишни гайриқонуний rad этиш тушунчаси белгилаб қўйилган.

Ишга кирувчи шахс меҳнат шартномаси тузилишидан аввал қонунда талаб этиладиган хужжатларни тақдим этиши лозим. Бундай хужжатлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 80-моддасида белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, муайян ишларга қабул қилиши пайтида қўшимча хужжатлар ҳам талаб қилиниши мумкинлиги қонун хужжатларида назарда тутилиши мумкин. Қонунда назарда тутилган хужжатлар талаб қилинишига йўл қўйилмайди. Ишга қабул қилиш меҳнат шартномаси тузилганидан кейин шу асосда иш берувчи томонидан буйруқ чиқариши йўли билан расмийлаштирилади.

Меҳнат шартномасида қўшимча шарт сифатида дастлабки синон кўллашлик назарда тутилган бўлса, у ҳолда бу ҳақда ишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқда кўрсатиб қўйилади. Дастлабки синон муддати, кўлланилиш тартиби, шартлари, оқибатларини баҳолаш қоидалари меҳнат қонунчилиги хужжатларида белгилантан. Ишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқ ишга қабул қилиш хукуқига эга бўлган корхона раҳбари томонидан имзоланиди ва ходим буйруқ билан таништирилиб, бу ҳақда ундан тилҳат олинади.

Ходимни ишга қабул қилиш хукуқига эга бўлган раҳбар мансабдор шахс томонидан амалда ишга қўйилиши (оғзаки равицида ишланишига рухсат берилиши) ёзма меҳнат шартномаси тузилмаган ва ишга қабул қилиш буйруқ билан расмийлаштирилмаган бўлсада, меҳнат шартномаси тузилганлигини англатади.

Ўн олти ёшга тўлмаган шахслар билан меҳнат шартномаси тузиш ўзига хос хусусиятларга эга. Улар ота ёки оналари ёхуд улар ўрнини босувчи бошқа шахсларнинг ёзма розиликларини тақдим этишилари лозим. Ўриндошлик бўйича ишловчилар, муқобил

хизматни ўташ учун ишга юборилғанлар, белгиланған бүш (квоталанған) иш жойларига юборилған шахслар, ҳақ тұланадиган жамоат ишларида ишлашлық учун тузиладиган мәҳнат шартномаларини түзиш ўзига хос хусусиятларга эга ва талаба ушбу мавзуни үрганишда бу хусусиятларга әтибөр берішлари лозим.

Танлов ва сайлов асосида ишга қабул қилиш маҳсус қонун хужжатларидан күзде тутилған тартибда үтказилған танлов ёки сайлов натижаларига күра амалға оширилади. Бунда ана шундай танлов ёки сайлов натижаларини ифодаловчи ҳужжат (илмий кенгаш қарори, сайлов комиссияси баёни) мәҳнат шартномаси тузилишига, ишга қабул қилиш ҳақыда буйруқ чиқарилишига асос бўлади.

Меҳнот шартномаси түзиш, ишга қабул қилишни расмийлаштириш тартибларини ҳўпол равищда бузилиши кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши, ҳатто ходим билан тузилған мәҳнат шартномаси бекор қилинишига сабаб бўлиши мумкин.

8-амалий машгулот режаси

1. Мәҳнат шартномаси түзишнинг умумий қоидалари ва шартнома лойиҳасини тайёрлаш, уни имзолаш.
2. Ишга қабул қилиш пайтида талаб этиладиган ҳужжатлар.
3. Ишга қабул қилиш пайтида дастлабки синон.
4. Ишга қабул қилишни расмийлаштириш. Мәҳнат дафтарчасини юритиш.
5. Айрим турдаги мәҳнат шартномаларини түзишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Вазиятли масалалар

1-масала.

“Парвоз” жамоа корхонаси директори фуқаро П.ни ишга қабул қилиш пайтида оиласи аҳволи, саломатлиги ва аввалги ги иш жойидаги ўргача ойлик маоши ҳақида маълумотнома тақдим этишини талаб қилди. П. саломатлиги ҳақида маълумотнома талаб қилиш қонунга хилоф деб ҳисоблаб, судга мурожаат қилди.

- Корхона раҳбарининг талаби қонунийми?
- Ишга кирувчи шахсдан қайси ҳужжатлар талаб этилиши мумкин?

- Қайси ҳолларда ишга қабул қилишдан аввал шахс тиббий кўриқдан ўтказилиши лозим?

2-масала.

Ани ишга қабул қилиш вақтида иш берувчи у билан ёзма меҳнат шартномаси тузиш рад этилди ва бу ҳол А. б ойга, вақтингча ишга олинаётганлиги ва меҳнат шартномаси тузиш шарт эмас, деб ҳисобланиши билан изоҳланди.

- Вақтингча ишга қабул қилинаётганлар билан ёзма меҳнат шартномаси тузиладими?

- Меҳнат шартномасининг муддати ҳақида сўзлаб беринг.

3-масала.

“Электрон” давлат корхонасининг раҳбари фуқаро З. билан меҳнат шартномаси тузиш пайтида б ой синов муддати билан ишга қабул қилиши мумкинлигини айтди. З. дастлабки синов шарти билан меҳнат шартномаси тузилишидан бош торугланлиги сабабли иш берувчи у билан меҳнат шартномаси тузишни рад этди.

3. ишга қабул қилиш гайриқонуний рад этилган деб ҳисоблаб, судга мурожаат қилди ва ўз аризасида туман меҳнат бўлими томонидан берилган йўлланма билан ишга юборилганлигини кўрсатди.

- Дастлабки синовни кўллаш ҳақидаги иш берувчининг талаби қонунийми?

- З.ни ишга қабул қилиш рад этилганлиги гайриқонунийми?

- Дастлабки синовни кўллаш шартлари ва тартиби қандай?

Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси, Т., “Адолат”, 1999, 77-87-моддалар.

2. ЎзР Адлия вазирлигига 1999 йил 14 июняда 746-тартиб билан рўйхатта олинган «Корхоналар учун намунавий ички меҳнат тартиби қоидалари» (П бўлим, 2.1-2.41-бандлари).

3. ЎзР Адлия вазирлигига 1998 йил 29 январда 402-тартиб билан рўйхатта олинган «Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида йўриқнома».

4. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг 1997 йил 11 мартағи 133-сонли «ЎзР Меҳнат Кодексини амалга киритиш учун зарур бўлган месъёрий ҳужжатларни тасдиқлеш тўғрисида»ги қарори ва унинг иловалари.

5. Гасанов М., Соколов Е. «Ўзбекистон Республикасида Меҳнат шартномаси (контракти)». I-III китоблар. Т., «Ўқитувчи», 1996.
6. «Трудовое право», М., «Проспект», 1998 г., стр. 171-177.
7. Турсунов Й. «Меҳнат хукуқи», Т., «Молия», 1999.

9-мавзу. Меҳнат шартларини ўзгартириш. Бошқа ишга ўтказиш

Меҳнат шартлари ўз ичига меҳнат жараёнидаги барча ижтимоий ва ишлаб чиқариш омилларини олади. Ижтимоий омиллар: меҳнат ҳақи миқдори, иш вақтининг, таътилнинг муддати ва бошқа шартлардан иборат. Ишлаб чиқариш омиллари жумласига эса техника, санитария, гигиенага оид ишлаб чиқариш-маший ва бошқа шартлар киради. Талаба бу мавзуни ўрганаётганида меҳнат шартлари меҳнат тўғрисидаги қонунларга ва бошқа меъёрий хужжатларга, шунингдек, меҳнат шартномаси тарафларнинг келишуви билан белгиланишига алоҳида эътибор бермоги лозим.

Ундан ташқари, меҳнат шартлари қандай тартибда белгиланган бўлса, айнан шундай тартибда ўзгартирилиши, шу билан бир қаторда янги қонун хужжатлари қабул қилиниши билан ҳам бу шартлар ўзгартирилиши мумкин эканлигини ёдда тутмоги лозим.

Қонун хужжатларида назарда тутилган меҳнат шартлари кўриб чиқиляёттан тартибда ўзгартириш фақат конституция ва қонуннинг устуворлигига риоя қилингандагина қонунийдир. Қонун хужжатларида белгиланган меҳнат шартлари ходимлар меҳнат хукуқларининг кафолати сифатида намоён бўлади ва меҳнат шартномаси тарафлар келишувига зид тарзда ходим учун ноқулай томонга ўзгартирилиши мумкин эмас.

Меҳнат шартларини шартнома тарафларидан бирининг ташаббуси билан ўзгартирилишига фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади. Бу ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 89-моддасида кўрсатилган ҳоллар юз берганда иш берувчи томонидан меҳнат шартларини бир томонлама тарзда ўзгартирилишига йўл қўйилади. Агарда ходим янги ўзгарган меҳнат шартлари билан ишлашни истамаса меҳнат шартномаси бекор бўлади. Бу ҳолатларни баён қилиш вақтида талаба, иш берувчи ходимни юзага келган сабаблар тўғрисида икки ой оддин ёзма равишда огоҳлантириши кераклигига, ўзгарган меҳнат шартлари билан ходим ишлашни давом эттиришни истамаган ҳолда иш берувчи бундай ходимни камида бир ойлик ўртача иш ҳақи

миқдорида ишдан бўнчаши нафақаси бериб, ишдан бўшлатиша ҳақли эканлиги алоҳидат таъкидламоги лозим.

Меҳнат шартномаси шартларини ўзгартириши ҳолларининг энг муҳими бошқа ишга кўчиришдир. Бошқа ишга ўтказиш, бу аввало, иш тури (касб)ни, ихтисосни, малакани, лавозимни) ўзгартиришдан иборатдир. Ходимни доимий бошқа ишга ўтказиш, фақат унинг розилити билангина амалга оширилади.

Ходимнинг узрли сабабларга кўра вақтинча бошқа ишга ўтказиш ҳақидаги илтимоси иш берувчи томонидан кўриб чиқилиши ва имкон қадар қондирилиши лозим. Агарда иш жойи аниқ кўрсатиб кўйилмаган ҳолда ходимни бошқа иш жойига ўтказиш, бошқа ишга ўтказиш ҳисобланмайди.

Талаба ушбу мавзуни ўрганаётганда бошқа доимий ишга ўтказиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилишини, бундай буйруқ чиқарилишига ходим билан тузилган меҳнат шартномасига киритилган ўзгаришлар асос бўлишини, бу буйруқ билан ходим, албатта, таништирилиши кераклиги ва бу ҳақда ундан ёзма тилҳат олиниши, ходимни доимий бошқа ишга ўтказилганилиги ҳақида унинг меҳнат дафтарчасига ҳам ёзиб кўйилишига алоҳидат эътиборни қаратмоғи лозим. Бундан ташқари, айрим тоифадаги ходимларни иш берувчи ташабbusи билан вақтинча бошқа ишга ўтказиш пайтида белгиланадиган ҳўшимча кафолатлар ҳам назарда тутилмоғи лозим.

9-амалий машгулот режаси

1. Меҳнат шартлари тушунчаси, уларни белгилаш ва ўзгартиришнинг умумий тартиби.
2. Иш берувчининг ва ходимнинг ташабbusи билан меҳнат шартларини ўзгартириш асослари, тартиблари.
3. Бошқа ишга ўтказиш.
4. Меҳнат шартларини ўзгартириш ва ходимни бошқа ишга ўтказишни расмийлаштириши.

Вазиятли масала

1-масала: “Олмос” ҳиссадорлик жамиятининг бир гурӯҳ ходимлари судга шикоят қилишиб, иш берувчи улардан розилик олмасдан навбатли (сменали) ишлаш жадвалини жорий

этанлигини, бундай тартибда ишләшни хоҳламаётганларни ишдан бүштәмоқчи эканлигини баён этилади.

Суд мажлисида иш берувчи вакили корхонага берилаёттан буюртмалар ҳажми кескин ортганлиги туфайли ана шундай қилингандыгини, бу ҳақда корхона касаба уюшмаси қўмитасига уч кун олдин хабар бериб қўйилганлигини айтиб, қонуний ҳаракат қилингандыгини айтди.

- Низони ҳал қилинг.
- Меҳнат шартларини ва уни ўзгартилиши ҳақида сўзлаб беринг.

- Иш берувчининг ҳаракати қонунийми?

2-масала. Ишлаб чиқаришда жароҳат олган пайвандчи Олимов ўзига енгилроқ иш берилишини сўради. Аммо иш берувчи унинг илтимосини рад этди ҳамда унга мос иш йўқ эканлигини, хоҳламаса ишдан бўшаб кетиши мумкинлигини айтди.

Олимов меҳнат низосини кўрувчи органга шикоят билан мурожаат қилди.

- Низони ҳал этинг.
- Қайси ҳолларда иш берувчи ходимнинг меҳнат шартларини ўзгартириш тўғрисидаги талабини қондириши шарт?
- Олимовнинг талаби қонунийми?

Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси Т., “Адолат”, 1999.

89-модда. **Меҳнат шартларини белгилаш ва ўзгартиришининг умумий тартиби.**

Меҳнат шартлари, деганда меҳнат жараёнидаги ижтимоий ва ишлаб чиқариш омилиларининг жами тушунилади.

Ижтимоий омилилар жумласига меҳнат ҳақи миқдори, иш вақтининг, таътилнинг муддати ва бошқа шартлар киради.

Техника, санитария, гигиенага оид, ишлаб чиқариш-маиший ва бошқа шартлар ишлаб чиқариш омилилари деб ҳисобланади.

Меҳнат шартлари меҳнат тўғрисидаги қонулар ва бошқа мөъёрий хужжатлар, шунингдек, меҳнат шартномаси тарафларнинг келишуви билан белгиланади.

Меҳнат шартларини ўзгартириш, улар қайси тартибда белгиланган бўлса, шундай тартибда амалга оширилади.

Меҳнат шартномаси тарафлардан бирининг талаби билан меҳнат шартларини ўзгаришига ушбу Кодекснинг 89- ва 90-моддаларида назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

89-мода. Иш берувчининг ходим розилигисиз меҳнат шартларини ўзгаришиш хуқуқи.

Иш берувчи ходимнинг розилигисиз меҳнат шартларини ўзгаришига фақат технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ишлар (маҳсулот, хизматлар) ҳажмининг қисқарғанлиги, бащарти бундай ўзгаришлар ходимлар сони ёки ишлар хусусиятининг ўзгаришига олиб келиши олдиндан аниқ бўлган ҳоллардагина ҳақлидир.

Иш берувчи айрим тоифадаги ходимлар учун меҳнат шартларини ўзгаришиш хусусида корхонадаги ходимларнинг вакиллик органлари билан олдиндан маслаҳатлашиб олади.

Иш берувчи меҳнат шартларидаги бўлажак ўзгаришлар ҳақида ходимни камидан икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириб тилхат олиши шарт. Кўреатипан муддатни қисқартишига фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади.

Ходим билан меҳнат шартномаси у янги меҳнат шартлари асосида ишлашни давом эттиришпи рад этганлиги сабабли бекор қилиниши мумкин, бунда ходимга ўргача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатили нафақаси тўланади.

Кўтчилик ходимлар гуруҳи учун меҳнат шартлари ноқулай тарзда ўзгарган тақдирда, иш берувчи маҳаллий меҳнат органига бундай ўзгаришишларнинг сабаби ҳақида маълумот бериши шарт.

Ходим иш берувчи томонидан меҳнат шартлари ўзгаришланлиги устидан судга шикоят қилишга ҳақди. Низони кўриши вақтида иш берувчининг зиммасига аввалти меҳнат шартларини сақлаб қолиш имконияти йўқлигини исботлашиб бериш мажбурияти юқлатилиди.

90-мода. Ходимнинг меҳнат шартларини ўзгаришиш хуқуқи.

Меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий хужжатларда назарда тутилган ҳолларда, ходим иш берувчидан меҳнат шартларини ўзгаришишни талаб қилишга ҳақлидир.

Ходимнинг меҳнат шартларини ўзгаришиш ҳақида аризаси берилган санадан эътиборан уч кундан кечиктирмай иш берувчи томонидан кўриб чиқилиши лозим.

Ходимнинг меҳнат шартларини ўзгаришиш ҳақида талаблари рад этилган тақдирда, иш берувчи унга рад этишининг сабабини маълум қилиши шарт. Ходимга унинг талаблари рад этиш

сабабларини мәйлум құлмаслик ходимнинг меңнат шартларини үзгартыриш рад этилғанлыги хусусида шикоят құлиши учун түсік бұла олмайды.

92-модда. Бошқа доимий ишга үтказиш.

Бошқа доимий ишга үтказышга (ходимнинг меңнат вазифаларини үзгартыришга) унга бошқа мутахассислик, малака, лавозимга оид ишни топширишга фақат унинг розилиги билан жүл құйилиши мүмкін.

Агар объектив сабабларга күра (100-модда 2-қисмнинг 1, 2 ва 6-бандлари ва 106-модданинг 2-банди) меңнат шартномасыда белгилаб құйилған меңнат вазифасы доирасыда ишни давом этириш мүмкін бўлмаса, иш берувчи ходимга ихтисослиги ва малакасига мувофиқ келадиган ишни (ходим бажараётган ишига ёки эгаллаб турган лавозимига номувофиқ бўлса, ихтисослиги бўйича бирмунча кам малака талаб этиладиган бошқа ишни), бундай иш бўлмаган тақдирда эса, корхонада мавжуд бўлган бошқа ишни таклиф этиши шарт. Ходим бошқа ишга үтишдан боштортган ёки корхонада мувофиқ келадиган иш бўлмаган тақдирда, меңнат шартномаси умумий асосларда бекор қылғаныши мүмкін.

93-модда. Меңнат шартномаси тарафларининг келишув бўйича вақтингча бошқа ишга үтказиш.

Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишув бўйича вақтингча бошқа ишга үтказишга йўл қўйлади.

Бошқа ишга үтказиш муддати тутагач, иш берувчи ходимга унинг аввалги ишини бериши шарт.

94-модда. Ходимниш ташаббуси билан вақтингча бошқа ишга үтказиш.

Ходимниш вақтингча бошқа ишга үтказиш ҳақидаги илтимоси, агар бу илтимос узрли сабаблар туғайли келиб чиқсан ва бундай иш корхонада мавжуд бўлса, иш берувчи томонидан қаноатланғирилиши керак.

Вақтингча бошқа ишга үтказиш учун узрли сабаблар рўйхати, шунингдек бошқа ишга үтказышданда меңнатта ҳақ тўлаш тартиби жамоа шартномасыда белгилаб қўйилиши мүмкін, агар бундай шартнома тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан ходимларининг вақиғлиқ органи билан келишиб белгиланади.

Ходимларининг соғлиги ҳолатига кўра, вақтингча енгилроқ ёки поқурай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган ишга үтказиш, шунингдек ҳомиладор аёлларин ва икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларини вақтингча ана шундаи ишга үтказиш

уцбу Кодекснинг 218, 226 ва 227-моддаларида назарда тутилга тартибда амалга оширилади.

95-модда. Иш берувчининг ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказни.

Ишлаб чиқариш зарурати ёки бекор туриб қолиш муносабати билан ходимни унинг розилигисиз вақтинча бошқа ишга ўтказиши йўл кўйилади. Бундай ҳолда ходим соглигига тўғри келмайдиган бошқа ишга ўтказилиши мумкин эмас.

Ходим вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврда унг бажараёттан ишга қараб, лекин аввалги ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи тўланади.

Бошқа ишга ўтказиш муддатининг чегараси, меҳнатга тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдорлари, шунингдек ишлаб чиқариш зарурити, деб ҳисобланадиган ҳолатлар жамо шартномасида кўрсатилиади. Агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан ходимларнинг вакиллик органи билан келишини белгиланади.

2. “Намуниавий ички меҳнат тартиби қоидалари”, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 14 июнди 746-рақам билан рўйхатта олинган.

3. М. Гасанов, Е. Соколов. »Ўзбекистон Республикасида меҳнат шартномаси (контракти)». Т., 1996, I, II китоб, 53-11 бетлар.

4. “Трудовое право”. М., “Прогресс”, 1998, стр. 189-196.

5. Турсунов Й. “Меҳнат хукуқи”, Т., “Молия”, 1999, 53-80 б

6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1998 йи 17 апрелдаги 12-сонли «Меҳнат шартномасини тартибга солувчи қонунларнинг кўлланилиши ҳақида»ти қарори.

10-мавзу. Меҳнат шартномасини бекор қилиш

“Меҳнат шартномасини бекор қилиш”, “Ишдан бўшигитиши” “Ишдан бўшаши”, “Эгаллаб турған вазифасидан озод қилиши” каби тушунчалар ходим ва иш берувчи ўртасидаги меҳнат-хукуқи муносабатларнинг барҳам топланлигини англатишни галабалағ мазкур мавзудаи билиб оладилар.

Меҳнат шартномаси бекор қилинаётган ишни ишади ходимларни хукуқлари устувор ҳимоялашиши тамойиллари белгиланган бўлиб бу масалада ходимлар учун иш берувчиларга нисбатан кенгро хукуқлар, қўшимчи кафолатлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодексининг 97-моддасида меҳнат шартномаси бекор бўлиши кимнинг ташабbusи билан амалга оширилаётганлигига кўра муайян асослар назарда тутилган. Бу асослар қаторига куйидагилар киради:

- 1) тарафларнинг келишувига кўра;
- 2) тарафлардан бирининг ташабbusи билан;
- 3) меҳнат шартномаси муддатининг тугаши билан;
- 4) меҳнат шартномаси тарафлари (ходим ёки иш берувчи)га боғлиқ бўлмаган ҳолатлар;
- 5) меҳнат шартномасида назарда тутилган асосларга кўра;
- 6) ходимнинг сайловдан ёки танловдан ўта олмай қолганлиги ёки унда қатнашиши истамаганлиги.

Умумий қоидага кўра, ҳар қандай меҳнат шартномаси (муқобил хизматни ўтасдан шахслар билан тузилган меҳнат шартномасидан бошқа), тарафларнинг ихтиёрий келишуви билан бекор қилинавериши мумкин.

Меҳнат шартномаси унинг тарафлари (ходим ёки иш берувчи) ташабbusига кўра ҳам бекор қилиниши мумкин. Аммо, ходим иш берувчини иккни ҳафта аввал ёзма равища огоҳлантириб истаган пайтда (шу жумладан, муддатли меҳнат шартномасининг муддати тамом бўлмасдан аввал ҳам) меҳнат шартномасини бекор қилиши мумкин бўлган ҳолда иш берувчига бундай кенг ҳукуқ берилмаган ва қонунда маҳсус назарда тутилган ҳоллардагина (МКниг 100-моддаси) ва белгиланган тартибларга қатъий риоя қилиб, ишдан бўшатилаётган ходимларга тегишли кафолатларни бериб меҳнат шартномасини бекор қила олади. Тегишли асослар бўлмасдан, белгиланган тартибларга хилоф равища ва тегишли кафолатлар билан таъминламасдан ходимни иш берувчи ташабbusига кўра ишдан бўшатилиши гайриқонуний ҳолат саналади, ходимни ўз вазифасига тикланишига, иш берувчига эса тегишли ҳукуқий жавобгарликларнинг қўлланишига сабаб бўлади.

Меҳнат шартномасини муддати тугаши уни бекор қилинишига асос саналади, аммо бу ҳақда меҳнат шартномасида маҳсус кўрсалиб кўйилган бўлиши лозим. Муддат тугаганидан кейин бир ҳафта давомида томоншар шартномаси бекор қилиш истагини иккигчи томонига изҳор этмаса, у ҳолда бу меҳнат шартномаси номуайян муддатта тузилган, деб ҳисобланиб, муайян муддат ўтганлиги туфайли бекор қилиниши мумкин эмас.

Меҳнат шартномасининг тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар МКниг 106-моддасида кўреатилган бўлиб, улардан бирицинг юзага келиши билан меҳнат шартномаси бекор қилинади. Меҳнат шартномасида уни бекор қилиш асослари (маслан, корхона

раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси унинг томонидан корхонада тегишли ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, меҳнат ингизоми таъминланмаганинги учун) қўшимча равишда белгилаб қўйилиши мумкин. Аммо меҳнат шартномасида амалдаги қонуналарга зид келувчи шартлар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги шартлар киритилиши мумкин эмас.

Олий ўкув юрглари, илмий тексириш муассасалари ва бошқа айрим муассасаларга танлов асосида ишга қабул қилиш тартибини қайта тикланганлиги, муайян давлат ва жамоат вазифаларига сайлов асосида танланниш амалга оширилиши туфайли танлов ёки сайлов натижаларининг ходим учун қониқарсиз бўлиши ёхуд унинг танлов ёки сайловда иштирок этишини хоҳдамаслити меҳнат шартномаси бекор бўлишининг мустақил асоси сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining 1998 йил 1 майдаги Қонуни билан МҚга қўшимча тарзида киритилди.

Меҳнат шартномаси ходим ташаббуси билан бекор қилиш тартиблари МҚning 99-моддасида баён этилган. Унга кўра ходим иш берувчини икки ҳафта оддин ёзма огоҳлантириб, ишдан бўшаб кетиши мумкин. Тегишли узрли сабаблар бўлганида (ўқишга кириши, пенсияга чиқиши ва ҳ.) иш берувчи ходим сўраган муддатда уни ишдан бўшатиши лозим.

10-амалий машғулот режаси

1. Меҳнат шартномаси бекор бўлиши тушунчаси ва унинг хуқуқий оқибатлари.
2. Меҳнат шартномаси бекор бўлишининг умумий асослари.
3. Ходим ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилинishi.
4. Муддатли меҳнат шартномаси муддатидан аввал бекор қилинганила тарафлар ўргасида неустойка кўллаш.

Вазиятли масалалар

1-масала

Навоий шахта тозалаш заводининг мухоммади Д. корхона раҳбари номига ишлан бўшаш ҳақида ариза битан мурожаат қилини. Томонларниң келишувига биноан Д. икки ҳафта ишлаб бермасдан ариза берилган куннинг эргасига ёки ишлан бўшатиладиги бўлди ва корхона раҳбари Д.ning инидан бўшатиш ҳақидаги аризасига шу ҳақидаги фармойишини ёзиб қўйди. Аммо Д. фойдаланиши учун олган маҳсус кийим ва асбобларни тошишмаганинги учун у билан

межнат шартномаси бекор қилинмади. Олинган мол-мулжалар эвазига иккى ой ишлаб бериши лозимлиги айтилди. Д. судга мурожаат қилди.

- Д. билан тузилган межнат шартномаси бекор қилинмаганилиги асослами?

- Д.нинг низоси қандай ҳал этилиши лозим?

2-масала

Авиация институтининг доценти О.ва танловда қитнацицидан бош тортганилиги туфайли ишдан бўшатилди. О.ва бундан норози бўлиб, судга мурожаат қилди ва ўз аризасида танлов ўтказилаёттанилигидан бехабар бўлганлигини, шунингдек унинг ўз лавозимига сайланганига ҳали 7 йил тўлмаганлиги, яъни ваколат муддати тугамаганлиги, бунинг устига 2 ёшга тўлмаган фарзанди борлигини баён этиб, ўз лавозимига қайта тикланишини сўраган.

- Танлов натижаларига кўра ишдан бўшатиш тартиби қандай ва танлов қайси тартибда ўтказилади?

- О.ванинг эътироzlари ўринлами?

- Олий ўкув юрти конкурс ўтказиш тартибини бузганми?

Тавсия этила тиган адабийтлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Межнат Кодекси. Т., “Адолат”, 1999.

97-модда. Межнат шартномасини бекор қилиш асослари

Межнат шартномаси кўйидаги сабабларга кўра бекор қилиниши мумкин:

1) тарафларнинг келишувига кўра. Ушбу асосга биноан межнат шартномасининг барча турлари исталган ва қўдада бекор қилиниши мумкин;

2) тарафлардан бирининг ташаббуси билан;

3) муддатнинг тугаши билан;

4) тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра;

5) межнат шартномасида назарда тутилган асосларга кўра.

Межнатта оид муносабатларни бекор қилиш тўғрисидаги шарт қонунда йўл кўйилган ҳолларда ина тарафлар томонидан межнат шартномасида кўрсатиб қўйилиши мумкин;

6) янги муддатга сайланмаганлиги (танлов бўйича ўтмаганлиги) ёхуд сайланнишда (сайловда) қатнашишини рад этганилиги муносабати билан (ЎзРининг 1998 йил 1 майдаги қонуни билан киригилган. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998, 5-сон, 102-модда).

98-модда. Корхона мулқори алмашган, корхона қайта ташки этилган, идоравий бўйсунув ўзагарган ҳоллардя меҳнат шартномаси амал қилишининг давом этиши.

Корхона мулқори алмашганда, худди шунингдек корхон қайта ташкил этилганда (кўшиб юборилган, бирлаштирилган бўлиб юборилган, қайта тузилган, ажратилганда) меҳна муносабатлари ходимнинг розилиги билан давом этаверади.

Янги мулқор корхонанинг раҳбари билан тушибан меҳна шартномасини бекор қилишга ҳақлиидир (100-модда 2-қисмининг 6 банди). Корхонанинг бошقا ходимлари билан эса, меҳнат шартномаси қонун хужжитларига мувофиқ ҳолда бекор қилиниши мумкин.

Корхонанинг бир орган бўйсунувидан бошقا орга бўйсунувига ўтказилиши меҳнат шартномасининг амал қилишини тўхтатмайди.

99-модда. Меҳнат шартномасини ходимнинг ташабbusи билан бекор қилини.

Ходим номуайян муддатта тузилган меҳнат шартномасини ҳам муддати тутагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам икк ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда оғҳлантириб, бекор қилишга ҳақлиидир. Оғҳлантириш муддати тутагандан сўнг ходим ишни тўхтатишга ҳақли, иш берувчи эса, ходимга меҳна дафтарчасини бериши ва у билан ҳисоб-китоб қилиши шарт.

Ходим билан иш берувчи ўргасидаги келишувга биноан меҳна шартномаси огоҳлантириш муддати тутамасдан олдин ҳам бекор қилиниши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ёқ тарафлар келишуви бўйича белгиланган огоҳлантириш муддати давомида ходим берган аризани қайтариб олишга ҳақлиидир. Ага огоҳлантириш муддати тутаганидан кейин ходим билан меҳна шартномаси бекор қилинмаган ва меҳнат муносабатлари давом этадиган бўлса, ходимнинг ташабbusи билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги ариза ўз кучини йўқотади, бундай ҳолд меҳнат шартномасини шу аризага мувофиқ бекор қилишга эс йўл қўйилмайди.

Меҳнат шартномасини ходимнинг ташабbusи билан бекор қилиш ҳақидаги ариза у ўз ишини давом этиришнинг имконияти йўқлиги (ўкув юргига кирганилиги, пенсияга чиққанлиги, сайла кўйиладиган лавозимга сайланганилиги ва б. ҳоллар) билан боғли бўлса, иш берувчи меҳнат шартномасини ходим илтимос қилгай муддатда бекор қилиши керак.

Муддатли меҳнат шартномаси ходимнинг ташаббуси билан муддатидан олдин бекор қилинганда ушбу Кодекснинг 104-моддасида назарда тутилган тартибда ходимнинг неустойка тўлаши белгилаб қўйилиши мумкин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги 12-рақамли “Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишини тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида”ги қарори.

3. Гасанов М., Соколов Е. “Ўзбекистон Республикасида Меҳнат шартномаси (контракти), I, II ва III китоб. Т., «Ўқитувчи», 1996.

4. М. Гасанов., Е. Соколов. “Ўзбекистоннинг меҳнат қонунчилиги”, биринчи китоб, Меҳнат шартномаси (контракти), Т., 1999.

5. Турсунов Й. “Меҳнат хуқуқи”, Т., “Молия”, 1999, 53-80-бетлар.

6. “Трудовое право”, М., “Прогресс”, 1998.

II-мавзу. Меҳнат шартномасини иш берувчишинг ташаббуси билан бекор қилиш

Меҳнат шартномасининг бекор қилиниши фақат меҳнат қонунларида кўзда тутилган асосларга мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

Ходимларни иш берувчининг ташаббуси билан ишдан бўшатишнинг қонунда белгиланган тартиби фуқароларнинг меҳнат хукуқлари кафолатлари юксак даражада эканлигини англатади. Иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилища ходим вақтингча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ва меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий хужжатларда назарда тутилган таътилларда бўлган даврида даволаш ва жамоат вазифаларини бажараётгани туфайли ишдан бўлмаган ходимларни улар қайтиб келгунларига қадар ишдан бўшатишга йўл қўйилмаслиги айтиб ўтилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 100-моддасига биноан қўйидаги сабаблардан бирининг мавжудлиги меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор бўлишига асос бўлади:

1) технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (лавозим бирлиги) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарсанлиги ёхуд корхонанинг тутатилганлиги;

2) ходимнинг малакаси етарли бўлмаганилиги ёки соғломлик ҳолатига кўра бажараёттан ишига нолойиқ бўлиб қолиши;

3) ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равища бузиши, яъни бир йил давомида ходимнинг камидаги икки маротаба меҳнат интизомини бузиши бир йил давомида унга интизомий ёки бошқа чоралар қўлланилганлигига қарамай, яъни яна меҳнат интизомини бузиши;

4) ходимни бир марта бўлса-да, ўз меҳнат вазифаларини кўпол равища бузганлиги.

Меҳнат вазифасини кўпол равища бузилиши деб баҳоланадиган ножӯя хатти-ҳаракат тушунчаси ва уларнинг рўйхати ички меҳнат тартиби қоидаларида интизом устав (низом)ларida, ходим билан тузилган меҳнат шартномасида, жамоа шартномасида ва бошқа ички ҳужжатларда белгилаб қўйилади.

5) ўриндошлик асосида ишламайдиган бошқа ходимнинг ишига қабул қилиши ёки ўриндошлик бўйича ишни меҳнат шартларига кўра чекланиши;

6) мулкдорнинг алмашини сабабли корхона раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг бекор қилиниси.

Иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилинаётганда ходимлар олдиндан ёзма равища бу ҳақида огоҳлантирилиши лозим. Огоҳлантириши муддатлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 102-моддасига кўра:

– ходимлар сони ёки штатлар қисқариши, корхонанинг тутатилиши муносабати билан ишдан бўшиши ва қида икки ой аввал;

– ходим эгаллаб турган лавозимига нолойиқ бўлиб қолганилиги туфайли ишдан бўшитилганда икки ҳафта олдин корхона мулкдори алмашганда, корхона раҳбариши ишдан бўшитидан икки ой олдин;

– ходим томонидан меҳнат интизоми мунтазам ёки бир марта кўпол равища бузилиши туфайли меҳнат шартномаси иш беруви томонидан бекор қилинганда камидаги уч кун олдин огоҳлантирилиши шарт.

Бу огоҳлантириши муддати ўрнига ходимнинг розилиги билан унга пулилк товоң тўланиши ҳам мумкин. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 103-моддасига биноан малакаси ва меҳнат унумдорлиги бир хил бўлган ходимларга ишда қолиш бўйича афзалликлар бериш назарда тутилган.

Ходимларнинг айрим тоифаларига эса алоҳида қўшимча кафолатлар берилган (ҳомиладор аёллар, уч ёшгача боласи бор аёлларга ва ҳ.к.), корхонанинг тутатилиши бундан мустасно.

Муддатли меҳнат шартномаси муддатидан олдин бекор қилинганда иш берувчи ходимга неустойка тўлаш назарда тутилиши кўзда тутилиши мумкин, бундай ҳолда меҳнат шартномаси ходимнинг айбли ҳатти-ҳаракати билан боғлиқ асосларга кўра бекор бўлса, ходим иш берувчига неустойка тўлайди.

11-амалий машгулот режаси

1. Меҳнат шартномасини иш берувчи ташаббусига кўра бекор қилиш ва унинг умумий асослари.
2. Меҳнат шартномасини иш берувчи ташаббусига кўра бекор қилиши пайтида ходимларга бериладиган асосий ҳуқуқий кафолатлар.
3. Меҳнат шартномасини иш берувчи ташабbusi билан бекор қилиш тартиби.

Вазиятли масалалар

1-масала. Корхона иқтисод бўлимининг 1 тоифали мухандиси Яхшибоева судга мурожаат қилиб, малакаси етарли бўлмаганилиги туфайли ишдан бўшатилганилиги, бунда корхона раҳбарияти томонидан унинг малакаси нималарда етарли эмаслиги исботлаб бермаганилиги, аттестация комиссияси таркибида унинг ихтисосига таалуқли мутахассислар бўлмаганилиги, комиссиянинг иши тугагач, ишдан бўшатилганилигини айтди. Яхшибоева шунингдек, янги тугилган чақалюқни фарзандликка олганлиги ва моддий жиҳатдан қийналаётганилигини ҳам кўрсатиб ўди.

1. Меҳнат шартномасини бекор қилиши пайтида қонун талаблари бузилганми?
2. Яхшибоеванинг эътироzlари ўринилми?
3. Ходим эгаллаб турган вазифасига нолойик бўлиб қолгани туфайли меҳнат шартномасини бекор қилиш тартибини тушунириб беринг?

2-масала. Туман ҳалқ таълими бўлимида котиба бўлиб ишлаган Шакарова судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ўзининг лавозим қисқариши туфайли нотўғри ишдан бўшатилганилигини, унга МКнинг 103-моддасида белгиланган кафолат берилмаганилиги (ҳарамогида 4 нафар боласи борлиги)ни баён этади. Унинг фикрича иш берувчи уни уч ой аввал огоҳлантирсан, ишдан бўшатиш пайтида 2 ойлик ишдан бўшатиш нафақаси ўрнига 1 ойлик нафақа тўлашади.

Иш берувчи вакиали судда берган изоҳида Шакарова кейинги пайтда ўз вазифасини эплай олмай қолганилиги сабабли ишдан бўшатилганилиги ва унинг ўрнига компьютер техникасидан хабардор бошқа малакали ходим ишга олинганилиги, аризачининг эътиорозлари ўринсиз эканлиги учун дъявони рад этишини сўраган.

1. Шакарова ишдан қонуний бўшатилганими?
2. Иш берувчи вакиилининг изоҳи ўринлами?
3. Шакарова ишдан судга дъяво аризаси лойиҳасини ёзинг.

Тавсия этилаадиган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Мехнат Кодекси. Т., “Адолат”, 1999.

100-модда. Мехнат шартномасини иш берувчининг ташабbusи билан бекор қилиши.

Номуайян муддатта тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугағунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам иш берувчининг ташабbusи билан бекор қилиш асосли бўлиши шарт.

Куйидаги сабаблардан бирининг мавжудлиги меҳнат шартномасини бекор қилишининг асосли эканлигини билдиради:

1) технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (лавозими) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган иш тар ҳажмининг қисқарсанлиги ёхуд корхонанинг тутатилганилиги;

2) ходимнинг малакаси етарли бўлмаганилиги ёки саломатлик ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлмай қолиши;

3) ходимни ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузганлиги. Аввал меҳнат вазифаларини бузганлиги учун ходим интизомий ёки моддий жавобгарликка тортилган ёхуд унга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда назарда тутитган таъсир чоралари қўлланилган кундан эътиборан бир йил мобайнида ходим томонидан такроран интизомга хилоф ножӯя хатти-ҳаракат содир қилиниши меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузиш ҳисобланади.

4) ходимни ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўлполов равишда бузганлиги.

Куйидаги ҳужжатларда ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга олиб келиши мумкин бўлган меҳнат вазифаларини қўлполов равишда бир марта бузиш ҳисобланадиган ножӯя хатти-ҳаракатлар рўйхати назарда тутилади:

ички меҳнат тартиби қоидалари;
корхона мулқдори билан корхона раҳбари ўртасида тузилган
меҳнат шартномаси;

айрим тоифадаги ходимларга нисбатан қўлланилидиган интизом
ҳақидаги низом ва уставлар билан белгиланади.

Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бузиши қўпол тусга
эгалиги ёки эга эмаслиги ҳар бир муайян ҳолда содир қилинган
ножоя ҳаракатнинг оғир-енгиллигига ҳамда бундай бузиш
оқибатида келиб чиқсан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган
ҳолатларга кўра ҳал этилади;

5) ўриндошлик асосида ишламайдиган бошқа доимий
ходимнинг ишга қабул қилиниши муносабати билан, шунингдек
меҳнат шартларига кўра ўриндошлик иши чекланиши сабабли
ўриндошлар билан меҳнат шартномасининг бекор қилинганилиги;

6) мулқдорнинг алмашиши сабабли корхона раҳбари билан
тузилсан меҳнат шартномасининг бекор қилинганилиги.

Ходим вақтинча меҳнатта қобилиятсизлик даврида ва меҳнат
тўғрисидаги қонунилар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда назарда
тутилган таътилларда бўлган даврида меҳнат шартномасини иш
берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди,
корхона бутунлай тутатилган ҳоллар бундан мустасно.

**101-модда. Меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси
билан бекор қилинини касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимлар
бошқа вакиллик органи билан келишиб олиш.**

Башарти жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида касаба
уюшмаси кўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг
олдиқдан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, бундай
розиликни олмай туриб меҳнат шартномасини иш берувчининг
ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди, корхона
тутатилган ва корхона раҳбари билан меҳнатта оид муносабатлар
bekor қилинган ҳоллар бундан мустасно.

Касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик
органи ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик
бериш масаласи бўйича қабул қилинган қарори ҳақида иш берувчига
ёзма равишда хабар бериши керак, бундай хабар меҳнат
шартномасини бекор қилиш хукуқига эга бўлган мансабдор
шахснинг ёзма тақдимомаси олииган кулаи бошлаб ўн кунлик
муддат ичида маълум қилинади.

Иш берувчи касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимлар бошқа
вакиллик органининг ходим билан меҳнат шартномасини бекор

қилишга розилік бериш тұғрисидеги қарори қабул қилинган күндан баштап бир ойдан кечіктірмай, мәннат шартномасини бекор қилишга ҳақлайды.

Мәннат интизоминиң бузғанлық учун (100-модда иккінчи қисмининг 3 ва 4-бандлари) мәннат шартномасини иш берувчи томонидан бекор қилишга интизомий жазоларни құллаш учун белгіланған муддатлар (182-модда) үтіб кеттандан кейин йўл қўйилмайды.

102-модда. Мәннат шартномасини иш берувчишинг ташабуси билан бекор қилиш тұғрисида огоҳлантириши.

Иш берувчи мәннат шартномасини бекор қилиш нияти ҳақида ходимни қўйидеги муддатларда ёзма равищда (имзо қўйдириб) огоҳлантириши шарт:

1) мәннат шартномаси технологиядаги, ишлаб чиқариш ва мәннатни ташкил этишдеги ўзгаришлар, ходимлар сони (лавозими) ёки иш хусусиятининг ўзгаришта олиб келгандар ҳажмининг қисқарғанлиги ёхуд корхонаниң тутатилғанлиги муносабати билан бекор қилинганда (100-модда 2-қисмининг 1-банди) кемідә иккі ой олдин;

2) мәннат шартномаси ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки саломатлиги ҳолатига кўра бажараётган ишига лойиқ бўлмай қолиши муносабати билан бекор қилинганда (100-модда 2-қисмининг 2-банди) каміда икки ҳафта олдин.

Ходим билан иш берувчи ўртасидеги келишувга биноан ушбу модда 1-қисмининг 1 ва 2-бандларида назарда тутилган огоҳлантириши унинг муддатига мувофиқ келадиган пуллик товои билан алмаштирилиши мумкин.

Агар тиббий хуносага кўра мазкур ишни бажариш ходимнинг соглигига тўғри келмаса, мәннат шартномаси ходимнинг саломатлиги ҳолатига кўра бажараёттан ишига лойиқ бўлмай қолиши муносабати билан бекор қилинганда, ушбу модда 1-қисмининг 2-бандида назарда тутилгандек огоҳлантириш қилинмайды. Бундай ҳолда ходимга икки ҳафталик иш ҳақи миқдорида товои тўланади.

Корхона мулқдор алмаштанилиги туфайли шу корхона раҳбари билан тузилган мәннат шартномаси бекор қилинганда (100-модда 2-қисмининг 6-банди), янги мулқдор раҳбарни мәннатта оид муносабатларнинг көлгусида бекор қилиниши тұғрисида каміда иккі ой олдин ёзма равищда (имзо қўйдириб) огоҳлантирилиши ёки унга шунга мутаносиб товои тўлаши шарт.

Меҳнат шартномаси ходим айбели хатти-ҳаракатлар содир этилганлиги муносабати билан бекор қилинган ҳолларда (100-модда 2-қисмининг 3 ва 4-бандлари), иш берувчи ходимни меҳнатта оид муносабатларнинг бекор қилиниши тўғрисида камидан уч кун олдин хабардор қилади ёки унга шунга мутаносиб товоң тўлайди.

Огоҳлантириш муддати давомида, меҳнатга оид муносабатлар ходимнинг айбели хатти-ҳаракатлар содир этганлиги муносабати билан бекор қилиш тўғрисидаги огоҳлантиришини истисно этганда, ходимга бошқа иш қидириши учун ҳафтада камидан бир кун шу вақт учун иш ҳақи сақланган ҳолда ишга чиқмаслик ҳукуқи берилади. Ходимни огоҳлантириш муддатига вақтингча меҳнатга қобилиятсизлик даври, шунингдек давлат ёки жамоат вазифаларини бажарган вақти қўшилмайди, меҳнатта оид муносабатларнинг корхона тутатилганлиги натижасида бекор қилиниши бундан мустасно.

Иш берувчи ходимларни оммавий равицида ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида ўз вақтида, лекин камидан икки ой олдин тегишли касаба уюшмаси органи ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органига ахборот тақдим этиди ва ишдан озод этиш оқибатларини енгилаштиришга қаратилган маслаҳатли ишларни амалга оширади. Иш берувчи, шунингдек камидан икки ой олдин ҳар бир ходимнинг касби, мутахассислиги, малакаси ва меҳнат ҳақи миқдорини кўрсаттан ҳолда, бўлажак ишдан озод қилиш тўғрисидаги маълумотларни маҳаллий меҳнат органига ҳам маълум қилиши шарт.

1) ходимлар сони ёки лавозим қисқариши, корхонанинг тутатилиши муносабати билан ишдан бўшатиш вақтида, икки ой аввал;

– ходим эгаллаб турган лавозимига лойиқ бўлмай қолганлиги туфайли ишдан бўшатилганда икки ҳафта олдин, корхона мулкдори алмашганда, корхона раҳбарини ишдан бўшатишдан икки ой олдин;

– ходим томонидан меҳнат интизоми мунтазам ёки бир марта қўйол равицида бузилиши туфайли меҳнат шартномаси иш берувчи томонидан бекор қилинганда, камидан уч кун олдин огоҳлантирилиши шарт.

103-модда. Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки ишлар хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқариши

муносабати билан мәхнат шартномаси бекор қылғанда ишда қолдариш учун берилдиган имтиёзли ҳукуқ.

Технологиядаги, ишлаб чиқариши ва мәхнатни ташкил этишдеги үзгаришлар, ходимлар сони (лавозими) ёки иш хусусияттинг үзгаришига олиб келтган ишлар ҳажмининг қисқариши муносабати билан мәхнат шартномаси бекор қылғанда ишда қолдариш учун имтиёзли ҳукуқ малакаси ва мәхнат унумдорлыги юқорироқ бўлган ходимларга берилади.

Малакаси ва мәхнат унумдорлыги бир хил бўлган тақдирда куйидагиларга афзаллик берилади:

- 1) қарамоғида икки ёки ундан ортиқ киши бўлган ходимларга;
- 2) оиласида ундан бўлак мустақил или ҳақи оловчи бўлмаган шахсларга;
- 3) мазкур корхонада кўп йиллик иш стажига эга бўлган ходимларга;
- 4) ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда олий ва ўрга маҳсус ўкув юртларида тегишли мутахассислик бўйича малакасини ошираётган ходимларга ва ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда олий ва ўрга маҳсус ўкув юртларини, хунар-техника билим юртларини тамомлаган шахсларга ўқишни тугаттандан сўнг мутахассислиги бўйича иштаётган тақдирда икки йил мобайнида;
- 5) мазкур корхонада мәхнатда майиб бўлиб қолган ёки касб касаллиги ортирган шахсларга;
- 6) уруш ногиронлари, уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга;
- 7) радиация нурланиши билан боғлиқ касалилик ва бошқа касалликларга йўлиқдан ёки шундай касалликларни бошдан кечирган шахсларга; ногиронлиги атом объектилари, аги фалокатлар муносабати билан бошланганилиги аниқланган ногиронларга; анъ шундай фалокатлар ва ҳалокатлар оқибатларини бартараф этиш ишлари қатнашчиларига, шунингдек мазкур зоналардан кўчирилган шахсларга ҳамда уларга тенглаштирилган бошқа шахсларга.

Жамоа шартномасида ходимларни ишда қолдаришда афзаллик берилдиган бошқа ҳолатлар назарда тутилиши мумкин. Бу ҳолатлар, агар ходимлар ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ ишда қолдаришда афзаллик ҳукуқига эга бўлмаган тақдирдагина, инобатта олинади.

12-мәсү. Мәннат шартномасыннң тарафлар ихтиёриға боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бўйича бекор бўлиши

Қонун хужжатларида назарда тутилган муайян воқеа ҳодисаларнинг юз бериши мәннат муносабатлари мазмунига таъсир қилиши, уни ўзгартириб юбориши, ҳатто айрим ҳолларда ходим ва иш берувчи истагига зид равишда мәннат шартномаси бекор бўлишига сабаб бўлиши мумкин. Тарафлар хоҳишига боғлиқ бўлмаган тарзда мәннат шартнома муносабатларини бекор бўлишига сабаб бўладиган юридик омиллар қонунда кўзда тутилган хатти-ҳаракатлардан ёки инсон онтига боғлиқ бўлмаган ҳодисалардан иборат бўлиши мумкин.

Мәннат Кодексининг 106-моддасида тарафлар ихтиёриға боғлиқ бўлмаган, аммо мәннат шартномасыннинг бекор бўлишига сабаб бўладиган ҳолатлар кўзда тутилган. Улар жумласига қўйилдагилар киради:

1. Ходимнинг ҳарбий ёки муқобил хизматта чақирилиши;
2. Шу ишни ишлари бажариб келган ходимни ишга тикланиши;
3. Ходимнинг суд ҳукми билан (ҳукм қонуний кучга киргач) ишни корхонада давом эттиришга имкон бермайдиган жиноий жазога тортилиши;
4. Ходимнинг ишга қабул қилиш юзасидан белгилантан қоидалар кўплол бузилгани ҳолда ишга қабул қилинганлиги;
5. Ходим вафоти туфайли;
6. Қонуида назарда тутилган бошқа ҳоллар.

Ходим ҳарбий ёки муқобил хизматта чақирилганида ҳарбий органларнинг чақириқ қоғози уни ишдан бўшатилишига ва қонунда кўзда тутилган кафолатларни (ишдан бўшатиш нафақаси) унга берилшига асос бўлади.

Ушбу модданинг 2-бандида иш берувчи томонидан гайриқонуний равишида, кейинчалик бекор қилинган суд қарорлари асосида ёки бошқа асосларга кўра ишонуний ишдан бўшатилган шахсни ўз вазифасига тикланиши, шу туфайли унинг ўрнида ишлани учун ишга қабул қилинган шахсни корхонада бошқа иш билан таъминлашнинг имкони йўқлиги ёки у таклиф қилинган бошқа ишга ўтишини рад этганилиги туфайли ишдан бўшатитмия ҳақида сўз юритилади. Шу асос билан ишдан бўшатилган ходимга ишдан бўшатиш нафақаси берилши лозим.

Ходимнинг жиноий жаъобгарликка тортилиши ва унга жазо кўлланилиши туфайли айлов ҳукми қонуний кучга кирганидан

сүнг, башарти жазони ижро этилиши туфайли ходим ўз вазифасини корхонада бажариши истисно этиладиган бўлса (озодликдан маҳрум этиш, иш жойидан бошқа жойда ахлоқ тузатиш жазосини ўташ, муайян ҳуқуқлардан маҳрум қилиш, қамоқ) у ишдан бўшатилиши мумкин. Бунга суд ҳукми қонуний кучга кирганилиги ҳақидаги хабар асос бўлади.

Ишга қабул қилиш юзасидан белгиланган қоидалар бузилиши (масалан, 18 ёшга етмаган шахсни заарли ёки меҳнат шароити нокулай ишга қабул қилиниши, муайян лавозимда ишлаш ҳуқуқидан суд ҳукми билан маҳрум этилган шахсни тегишли муддат ўтмасдан ана шундай лавозимга ишга қабул қилиниши, давлат корхонасида яқин қариндош шахсларни бири иккинчисини назорат қиладиган лавозимларга қабул қилиниши ва ҳ.к.), башарти бундай қонунбузарликни бартараф этиш имкони бўлмаса (бошқа ишга ўтказиш) меҳнат шартномасини бекор қилинишига сабаб бўлади.

Ходимнинг вафот этиши меҳнат муносабатларининг барҳам толишига сабаб бўлади, аммо бунда вафот этганлиги ҳақидаги далолатномагина меҳнат шартномаси бекор бўлишига асос бўлиши мумкин.

106-модданинг 6-бандида меҳнат шартномаси қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда бекор қилиниши мумкинлиги назарда тутилган. Масалан, МКнинг 247-моддасида айтилишича, ота-она, васий (ҳомий)лар, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш устидан назорат қилувчи органдар ҳамда вояга етмаганлар ишлари билан шугууланувчи комиссиялар, агар ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар бажараётган ишни давом эттириш улар соглигига зиён қиладиган ёки уларга бошқача тарзда зарар етказадиган бўлса, бундай шахслар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишини талаб этишига ҳақидидирлар.

12-амалий машгулот режаси

1. Меҳнат шартномасини унинг томонлари хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар туфайли бекор бўлиши тушунчаси ва унинг асослари.

2. Ходим ҳарбий ёки муҳобил хизматга чақирилганилиги муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинишининг хусусиятлари.

3. Аввал ишлаб кетган ходим ўз вазифасига тикланиши муносабати билан меҳнат шартномасининг бекор қилишиши.

-
4. Ходим жиной жазога маңкум этилиши туфайлы мәхнат шартномасини бекор қилиниши шартлари ва тартиби.
 5. Ишта қабул қылыш қоидаларининг бузилиши түшүнчеси ва бу асосга кұра мәхнат шартномасининг бекор қилиниши.
 6. Мәхнат шартномасини унинг томонлари хохишига бөглиқ бұлмаган қолда бекор қилишининг қонуларда назарда туғылған бошқа асослари.

Вазиятты масалалар

1-масала.

Яңгийүл кондитер фабрикасида оператор бұлиб ишлаган Ф. унинг ўрнида аввал ишлаган ходим суд қарорига биноан ўз вазифасыга тикланғанлығы туфайлы ишдан бұшатылды. Ф. бундан норози бұлиб, ишта тиклашларини сұраб судға мурожаат қилды ва ўз дағво аризасыда бүшінші жойлары бўла туриб, уни бошқа ишта ўтиб ишлашни таклиф этмаганлари, иккиси ой аввал ёзма огоҳлантирилмаганлығы ва ишдан бұшатыш нафақаси тўланмаганлығи, иккиси ёшта тўлмаган боласи борлиги сабабли иш берувчи уни ишдан бұшатышга ҳақли эканлигини кўрсатди.

- Ф.ни ишдан бұшатыща қонун талаблари бузилғанми?
- Ф.нинг эътироzlари ўринитими?
- Суд қандай қарор қабул қилиши лозим?

2-масала.

Зангюота гўшт комбинати ишчиси Ж. корхонада ўғирлик содир этилгани учун жиной жавобгарликка тортилди. Бундан хабар топган корхона раҳбарияти Ж.ни МК нинг 106-модда 3-бандига кўра ишдан бұшатылды.

Кейинчалик иш судда кўрилиб, Ж.га нисбатан жарима жазоси кўлланылди.

Ж. ишдан ногўри бұшатылғанлигини айтгиб судға мурожаат қылды ва ўз ишига тикланишини сұрады.

- Ж.ни ишдан бұшатыш қонунишими?
- Суд хукми қайси ҳолларда ходимни ишдан бұшатышига асос бўлиши мумкин?
- Суд томонидан низо қандай ҳал этилади?

3-масала.

Аввал пора олганлиғи учун судланған ва муайян хукуқдан маҳрум этилган Э. омбор мудири лавозимига қабул қилинғанлығы мальум бўлди. Э. прокурор тақдимномаси асосида ишдан бұшатиб

юборилди. Э. бундан норози бўлиб, судга мурожаат қилди ва ўз аризасида жазони ўтаб чиқанига 5 йил бўлганлиги, шунингдек муайян ҳукуқдан маҳрум қилиш жазосининг муддати ҳам аллақачон ўтиб кетганлигини кўрсатди ҳамда ишга тиклашни сўради.

- Ишга қабул қилиш қоидаларини бузиш нима дегани?
- Эни ишдан бўшатиш асослами?
- Энинг низоси қандай ҳал этилиши керак?

Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодекси Т., “Адолат”, 1999. 106-модда. Мехнат шартномасининг тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолматлар бўйича бекор қилинади.

Мехнат шартномаси кўйидаги ҳолларда бекор қилинади:

- 1) ходим ҳарбий ёки муқобил хизматта чақирилган тақдирда;
- 2) шу ишни илгари бажариб келган ходим ишга тикланган тақдирда;
- 3) ходимни жазога маҳкум этган суднинг ҳукми кучга кирган тақдирда, башарти бунинг натижасида ходим аввалти ишини давом этириш имкониятидан маҳрум этилган бўлса, шунингдек ходим суднинг қарорига биноан ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасасига йўлланган тақдирда;
- 4) ишга қабул қилиш юзасидан белгиланган қоидалар бузилганлиги муносабати билан, агар йўл қўйилган қоидабузарликни бартараф этишининг имкони бўлмаса ва у ишни давом этиришга тўсқинлик қиласа;
- 5) ходимнинг вафоти муносабати билан;
- 6) қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

109-модда, 3-қисм:

тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, ушбу Кодекснинг 106-моддаси 1 ва 2-бандларида назарда тутилган ҳолизларга биноан. Мехнат шартномаси ушбу Кодекснинг 106-моддаси 4-бандига биноан бекор қилинганда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади, ишга қабул қилиш юзасидан белгиланган қоидалар ходимнинг айби билан бузилган ҳоллар (суднинг муайян лавозимни эгаллаш ёки муайян фаолият тури билан шугуланиш ҳукуқидан маҳрум этиш ҳақидаги ҳукмини яшириш, соҳта ҳужжатлар тақдим этиш ва ҳ.к.) бундан мустасно.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ти Қонуни. 1992 йил 3 июл.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Муқобил хизмат тўғрисида”ти Қонуни. 1992 йил 3 июл.
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал колекси. Т., “Адолат”, 1999.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги 12-қарори.
6. Гасанов М., Соколов Е. »Ўзбекистонда Меҳнат шартномаси (контракти)». Т., 1996.
7. Гасанов М., Соколов Е. Ўзбекистоннинг меҳнат қонун ҳужжатлари. “Меҳнат шартномаси (контракти)”. Т., 1999.
8. Турсунов Й. “Меҳнат ҳуқуқи”, Т., “Молия”, 1999.

Жадидимча сурʼати 13-маевзу. Иш вақти

Иш вақти – қонун ҳужжатларида белгиланган вақт бўлиб, бу вақт мобайнида ходим ўзига юкланган вазифани бажаради. Иш вақтини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиши ходим учун ҳам, иш берувчи учун ҳам, давлат, жамият учун ҳам мухим аҳамиятга эга. Иш вақтининг самарали меъёrlарини белгилаш ва уларга амал қилиш ходимларнинг жисмоний ҳамда руҳий саломатлигини муҳофаза қилса, айни пайтда иш берувчи учун ҳам зарур хўжалик якунларига эришиш имконини беради.

Иш вақти тушунчаси, унинг таркиби тузилиши, иш вақтини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишининг иқтисодий ва ҳуқуқий аҳамиятини яхши англаб олиш, ушбу мақзуни ўрганишнинг асосий мақсадларидан биридир. Иш вақти меъёри иш куни ва иш ҳафтаси муддати билан ўтчанади. Иш ҳафтаси деганда бир ҳафта ичидаги қонун билан белгиланган иш соатлари умумий миқдори тушунилади.

Талаба иш куни, меъёрий иш вақти, тўлиқсиз иш вақти, қис қартирилган иш вақти, иш кезаги (сменаси) каби тушунчаларни бир-биридан фарқламоги лозим. Иш вақтини белгилаш соҳасида давлат органларининг ваколатлари ва иш берувчилар ҳамда ходимлар вакиллик органларининг ваколатлари англашиши лозим. Талаба, шунингдек, кезаги жадвали, унинг мазмуни, ким томонидан тасдиқланishi, иш вақтини ҳисобга олиш тушунчаси, турлари, аҳамиятини ҳам яхши тушуниб олмоги керак.

Меҳнат ҳуқуқининг муҳофаза функцияси иш вақтини нормалашада, айниқса, яққол намоён бўлади. Белгиланган иш вақтидан ташқари бажариладиган ишлар иш вақтидан ташқари ишлар деб ҳисобланади. Иш вақтидан ортиқча ишлаш масалаларини ўрганиш пайгода унинг можияти, тушунчасини кўлланиш шартлари ва тартибларини билди мазкур мавзунинг муҳим жиҳатларидан ҳисобланади. Бунда ходимларнинг айrim тоифалари иш вақтидан ортиқча ишларга жалб этиш масалаларида қўшимча кафолатларга эга эканликларини назарда тутмоғи лозим.

Меҳнат шартномасини бекор қилишни расмийлаштириш тартиблари, муддатлари, меҳнат шартномасини бекор қилишда ходимларга бериладиган кафолатлар, тайриқонуний равицда ишдан бўшатишга қарши кафолатлар ҳам ўзинтирилиши лозим. Ишга тиклаш асослари, тартиби, оқибатлари ўрганилмоги керак. Ушбу мавзуни ўрганаёттанди Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг “Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг кўлланиши ҳақида”ги қарори билан атрофлича танишиб чиқиш керак бўлади.

13-амалий машгулот режаси

1. Иш вақти тушиунчаси ва уни ҳуқуқий тартибга солиши.
2. Иш вақти турлари: меъёрий иш вақти, қисқартилган иш вақти, тўлиқсиз иш вақти.
3. Иш вақти тартиби ва уни ҳисобга олиши.
4. Иш вақтидан ташқари бажариладиган ишлар ва уни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиши.

Вазиятни масалалар

1-масала.

Хусусий корхона ходимаси Асқарова яхши ярим ёшли боласи борлиги сабабли унга ҳафтасига 35 соатлик иш вақти белгиланишини талаб қилган. Иш берувчи унинг талабини инобатта олмаган.

1. Асқарованинг талаби қонумийми?
2. Иш берувчининг ҳаракати тўғрими?
3. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги “Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида”ги Қонунини тушиунтириб беринг.

2-масала.

Корхонага хом ашё ўз вақтида стиб келмаганлыги сабабли иш берувчи бир гуруҳ ходимларнинг иш вақтини 4 соатта қадар қисқартириб, улар ойлик маошларини ҳам шунга мувофиқ камайтирган ва бундай ҳаракат МКнинг 89-моддасига биноан амалга оширилганлыгини эълон қилган.

1. Иш берувчининг ҳаракати түғрими?

2. Асослаб беринг.

3-масала.

“Зиёкор” ҳиссадорлик жамиятида ҳисобчи бўлиб ишлаётган 2-гуруҳ ногирони Алиев 5 кунлик иш ҳафтасида . иш ҳақи камайтирилмаган ҳолда 6 соатлик иш куни белгиланиши лозимлигини талаб қилди.

Иш берувчи унинг талабларини рад этиб, Қонунда 2-гуруҳ ногиронлари учун иш вақтини қисқартириш кўзда тутилмаганлыгини айди. Ходим низони ҳал этишини сўраб, меҳнат низолари комиссиясига мурожаат қилди.

– Ходимни талаби қонунийми?

– Иш берувчининг жавоби асослими?

– Қандай ҳолларда иш вақтининг қисқартирилмаган муддати жорий қилиниади?

Тавсия этиладигай адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. Т., “Адолат”, 1999.

114-мода. Иш вақти тумуучаси.

Ходим или тартиби ёки жадвалига ёхуд меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ ўз меҳнат вазифаларини бажариши лозим бўлган вақт или вақти ҳисобланади.

115-мода. Иш вақтининг месъёрий муддати.

Ходим учун или вақтининг месъёрий муддати ҳафтасига қирқ соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Олии кунлик или ҳафтасида ҳар кунги ишнинг муддати етти соатдан, бени кунлик или ҳафтасида эса саъкиз соатдан ортиб кетмасини лозим.

Корхонада или вақтини жамлаб ҳисобга олиш жорий юлионган тақдирда унбу Кодекснинг 123-моддасида назарда тутилган қондадар кўлланниади.

116-модда. Иш вақтининг қисқартирилган муддати.

Айрим тоифадаги ходимлар учун уларнинг ёши, соғлиги ҳолати, меҳнатнинг шартлари, меҳнат вазифаларининг ўзига хос хусусиятлари ва ўзга ҳолатларни инобатта олиб, меҳнат тұғрисидеги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, шунингдек меҳнат шартномасы шартларига биноан меҳнатта тұланадиган ҳақни камайтирмасдан, иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланади.

Иш вақтининг қисқартирилган муддати құйидагилар учун белгиланади:

ұн саккиз ёшга тұлмаган ходимлар (242-модда);

I ва II гурух ногирони бұлған ходимлар (220-модданинг 3-қисми);

нокулай меҳнат шароитларидеги ишларда банд бұлған ходимлар (117-модда);

алохіда тусга эга бұлған ишлардаги ходимлар (118-модда);

уч ёшга тұлмаган болалари бор, бюджет ҳысабидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлеёттан айлаар (228-модда).

117-модда. Нокулай меҳнат шароитларидеги ишларда банд бұлған ходимлар учун иш вақтининг қисқартирилган муддати.

Иш вақти ҳафтасига ўтгиз олти соатдан ошмайдиган – қисқартирилган муддати меҳнат жараёнінде соғлигига физикалық, кимёвий, биологик ва ишлаб чиқарышынинг бошқа заарарлы омиллари тәсір этадиган ходимлар учун белгиланади.

Корхонадаги бундай ишларнинг рүйхати ва уларни бажаришда иш вақтининг муайян муддати тармоқ (тариф) келишувларида, жамоа шароитларидеги белгілілік көрсетілгенде, агер улар түзілмеган бұлса, иш берувчи томонидан касаба үшімаси құмитаси ёки ходимларнинг бошқа әмбебаптың орталығынан келишиб олғанда муддати белгиланади. Меҳнат шароити үтінде заарарлы ва үтінде оғирилгенде ишларда банд бұлған ходимлар учун иш вақтининг муддати өзгертіледі. Үзбекистон Республикасы құмумати томонидан белгиланади.

118-модда. Алохіда тусга эга бұлған ишлардаги ходимлар учун иш вақтининг қисқартирилган муддати.

Юқори даражадеги ҳис-хаяжон, ақпараттық зерттеулер, асаң тәнглиги билан бөлілік, яғни алохіда тусга эга бұлған ишлардаги айрим тоифадаги ходимлар учун (тиббиёт ходимлари, педагоглар ва бошқалар) иш вақтининг муддати ҳафтасига ўтгиз олти соатдан

ошмайдиган қилиб белгиланади. Бундай ходимлар рўйхати ва улар иш вақтининг аниқ муддати Ўзбекистон Рёспубликаси ҳукумати томонидан белгиланади.

119-модда. Тўлиқсиз иш вақти.

Ходим билан иш берувчи ўргасидаги келишувга биноан ишга қабул қилиш чоғида ҳам, кейинчалик ҳам тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилаб қўйилиши мумкин.

Иш берувчи ушбу Кодекс 229-моддасида, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган ҳолларда ходимнинг илтимосига кўра тўлиқсиз иш вақтини белгилаб қўйиш шарт.

Тўлиқсиз иш вақти шарги билан ишланш ходимнинг йиллик асосий меҳнат таътигининг муддати меҳнат стажини ҳисоблашни ҳамда бошқа меҳнат ҳукуқларини бирон тарзда чеклашга асос бўлмайди ва ишланган вақтга ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотта мутаносиб равищда ҳақ тўланади.

120-модда. Иш ҳафтасининг турлари. Иш вақти тартиби.

Иш ҳафтасининг тури (икки кун дам олинидиган беш кунлик иш ҳафтаси ёки бир кун дам олинидиган олти кунлик иш ҳафтаси) ва иш вақти тартиби (кундалик иш вақти (кезаги)нинг муддати, ишнинг бошланиш ва тугаш вақти, ишдаги танаффуслар вақти, сутка давомидаги кезагилар сони, иш кунлари ҳамда ишланмайдиган кунларнинг навбат билан алмасиниши ходимларнинг кезагидан-кезагига ўтиш тартиби) корхонада ички меҳнат тартиби қондлари, бошқа ички меъёрий ҳужжатлар билан, бу ҳужжатлар бўлмагандан эса, ходим билан иш берувчининг келишувига биноан белгиланади.

Ходимни сурункасига икки кезаги давомида ишга жалб этиш таъкиданади.

121-модда. Байрам (ишланмайдиган) кунлари арафасидаги ишнинг муддати.

Байрам (ишланмайдиган) кунлари арафасида кундалик иш (кезаги) муддати барча ходимлар учун камида бир соатта қисқартирилади (131-модда).

122-модда. Тунги вақтдаги ишнинг муддати.

Соат 22.00 дан то соат 6.00 гача бўлган вақт тунги вақт деб ҳисобланади.

Агар ходим учун белгиланган кундалик иш (кезаги) муддатининг камида ярми тунги вақтга тўғри келса, тунги иш

вақти муддати бир соғта, иш ҳафтаси муддати ҳам шунга мувофиқ равицида қисқартирилади.

Ишлаб чиқариш шароитларига кўра зарур бўлган ҳолларда, хусусан ишлаб чиқариш узлуксиз бўлган жойларда, шунингдек бир кун дам олинидаган олти кунлик иш ҳафтаси шароитида кезаги бўлиб ишланётган жойларда тунги иш муддати кундузги иш муддатига тенглаширилади.

Ходимларни тунги вақтдаги ишга жалб этиш учбу Кодекснинг 220-моддаси 5-қисмида ва 228, 245-моддаларда белгиланган чеклашларга риоя этган ҳолда амалга оширилади.

2. “Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида” ЎзР Конуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, Т., “Адолат”, 21-сон.

Болаларни тарбиялаш учун шарт-шароит яратиш ҳамда хотин-қизларни меҳнатдан манфаатдорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қиласди.

Уч ёшга тўлмаган болалари бор бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга меҳнатта тўланадиган ҳақни камайтирмасдан иш вақтининг ҳафтасига ўтиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгилансин.

3. Гасанов М., Соколов Е. Меҳнат шартномаси, 1996.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 марта “Меҳнат қонунчилигини Меҳнат Кодекси талабларига мувофиқлашириш тўғрисида”ги қарори ва унга иловалар.

5. Халқаро Меҳнат Ташкилоти Бош конференцияси томонидан 1964 йил 9 июлда қабул қилинган “Бандлик соҳасидаги сиёсат тўғрисида”ги конвенция.

6. “Прав человека”. (Сборник документов), 1995, 157-бет.

7. Турсунов Й. “Меҳнат ҳукуки”, Т., “Молия”, 1999.

8. ЎзР Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 14 июняда 746-тартиб раҳами билан рўйхатта олинган «Корхоналар учун меҳнатнинг намунавий ички тартиб қоидалари». ІV бўлим, 4.1., 4.12-бандлар.

6-

14-масзу. Дам олиш вақти

Дам олиш вақти ходим меҳнат мажбуриятларини бажаришдан озод қилинган вақт бўлиб, бу нафақат ходим учун аҳамиятга эга бўлган ҳодиса бўлмай, балки ижтимоий аҳамиятга эга бўлган воқеликдир. Давлат ва жамият демократиклиги ҳамда инсонпарварлиги кўп жиҳатдан фуқароларга дам олиш ҳукуки

берилганилиги, бу хукуқлардан амалда фойдаланиш имконияти таъминланганлиги билан ўлчанади. Ўзбекистон Республикаси мустаҳиллиги эълон қилингандан кейин дам олиш вақтига оид халқаро конвенцияларга қўшилди ва ўз миллий қонунчилигини ушбу халқаро андазаларга мувофиқлаштиришга эриди.

Ушбу мавзуни ўрганиш пайтида ходим дам олиш вақти унинг бир ўзига тегишли бойлик бўлмасдан, бутун жамият бойлиги эканлиги, шу сабабли дам олиш вақтидан самарали фойдаланиш ижтимоий аҳамиятта моликлигини эсда сақлаш лозим.

Дам олиш вақтининг қўйидаги турлари мавжуд:

- а) иш куни (кезаги) давомидаги дам олиш вақти;
- б) иш кунлари орасидаги дам олиш вақти;
- в) иш ҳафталари ўргасидаги дам олиш вақти (дам олиш куни);
- г) байрам кунларидағи дам олиш вақти;
- д) йиллик меҳнат таътили.

Меҳнат қонунчилиги юқоридаги дам олиш вақтларининг ҳар бири энг кам муддатини белгилаб қўйган бўлиб, унинг кўп муддати томонлар келишуви билан (жамоа шартномаси, келишув, меҳнат шартномаси) ўзгартирилиши мумкин.

Ходимларни дам олиш вақтларида ишга жалб этишга қоида тарикасида рухсат этилмайди. Аммо, бевосита қонунда назарда тутилган ҳолларда ходимнинг розилиги билан ва оширилган иш ҳақи тўлаш шарти билан дам олиш вақтларida муйян шартларга риоя қилиниб, ишга жалб этиш мумкин.

Йиллик меҳнат таътили ходимлар учун кафолатланган дам олиш вақтининг асосий шаклидир. Барча ходимларга иш жойи (лавозими) сақланган ҳолда ҳар йили 15 иш кунидан кам бўлмаган миқдорда йиллик меҳнат таътили берилади.

Меҳнат шароити заарарли ёки ноқулай жойларда қўшимча меҳнат таътили бериш, ходимларнинг айрим тоифаларига (18 ёшга тўлмаганлар, ногиронлар, маориф, соглиқни сақлаш ва бошқа айрим муассасаларнинг ходимлари ва б.) узайтирилган меҳнат таътили бериш назарда тутилган. Узайтирилган қўшимча меҳнат таътили миқдори қонунчилик хужжатларida, улар асосидаги ички меъёрий хужжатларда белгиланади.

Меҳнат таътили бериш тартиби, уни кейинги йилга кўчириш тартиби, таътилдан чақириб олиш, таътилини пуллик товон билан алмаштиришга йўл қўйиладиган ҳоллар Меҳнат Кодекси, унинг асосда қабул қилинадиган меъёрий хужжатларда назарда тутилади. Меҳнат қонунчилигига ходимларга оиласиб ва бошқа сабабларга

кўра ижтимоий таътил бериш ҳам белгиланган. Ижтимоий таътиллар қаторига қўйидагилар киради:

1. Иш ҳақи сақлангани ҳолдаги;
2. Ҳомиладорлик ва фарзанд кўриш;
3. Болани парваришилаш даври учун;
4. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олаётган ходимларга бериладиган ўкув таътили;
5. Ижодий таътил.

Ижтимоий таътилларнинг миқдори, берилиши шартлари ва тартиблари қонунчилик ҳужжатларида белгилаб қўйилган.

14-амалий машгулот режаси

1. Дам олиш вақти тушунчаси ва аҳамияти.
2. Дам олиш вақтининг турлари.
3. Йиллик меҳнат таътили.
4. Ижтимоий таътили.

Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси Т., “Адолат”, ”, 1999.

126-модда. Дам олиши вақти тушунчаси.

Дам олиш вақти – ходим меҳнат вазифаларини бажаришдан холи бўлган ва бундан у ўз ихтиёрига кўра фойдаланиши мумкин бўлган вақт.

127-модда. Иш куни (кезаги) давомидаги танаффуслар.

Ходимга иш куни (кезаги) давомида дам олиш ва овқатланиш учун танаффус берилиши керак, бу танаффус иш вақтига киритилмайди.

Танаффус бериш вақти ва унинг аниқ муддати ички меҳнат тартиби қоидаларида, кезаги жадвалларяда ёки ходим билан иш берувчи ўргасидаги келишувга биноан белгилаб қўйилади.

Ишлаб чиқариш шароитига кўра дам олиш ва овқатланиш учун танаффус бериш мумкин бўлмаган ишларда иш берувчи ходимга иш вақтида овқатланиб олиш имкониятини таъминлаши шарт. Бундай ишларнинг рўйхати, овқатланиш тартиби ва жойи ички меҳнат тартиби қоидаларида белгилаб қўйилади.

Меңнат тұғрисидаги қонуналар ва бошқа мөһөрий ҳужжатлар билан иш куни (кезаги) давомида бошқа танаффуслар ҳам белгілаб қўйилиши мумкин.

128-модда. Кундалик дам олиш ва қтиниң муддаты.

Ишнинг тугаши билан кейинги кун (кезаги) иш бошланиши ўргасидаги кундалик дам олиш қақтаниң муддати ўн икки соатдан кам бўлиши мумкин эмас.

129-модда. Дам олиш кунлари.

Барча ходимларга дам олиш (ҳар ҳафтаниң узлуксиз дам олиш) кунлари берилади.

Беш кунлик иш ҳафтасида ходимларга ҳафтада икки дам олиш куни, олти кунлик иш ҳафтасида эса, бир дам олиш куни берилади.

Умумий дам олиш куни якшанбадир.

133-модда. Йиллик меңнат таътиллари.

Барча ходимларга, шу жумладан ўриндошлиқ асосида ишлайттан ходимларга, дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда йиллик меңнат таътил берилади.

134-модда. Йиллик асосий таътиллари.

Ходимларга ўн беш иш кунидан кам бўлмаган муддат билан йиллик асосий таътил берилади.

135-модда. Йиллик узайтирилган асосий таътиллар.

Куйидагиларга уларнинг ёши ва соғлиғи ҳолатини ҳисобга олиб, йиллик узайтирилган асосий таътил берилади:

ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга – ўттиз календар кун;
 ишлайттан I ва II гурӯҳ ногиронларга – ўттиз календар кун.

Айрим тоифадаги ходимларга уларнинг меңнат вазифаларининг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятларини ҳамда бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ узайтирилган таътиллар белгиланади.

Меңнат тұғрисидаги қонуналар ёки бошқа мөһөрий ҳужжатларда белгиланғанидан ташқари, меңнат шартномасининг шартларида ҳам узайтирилган йиллик таътиллар бериш назарда тутилиши мумкин.

136-модда. Йиллик қўшимча таътиллар.

Қўшимча таътиллар:

меңнат шароити ноқулай ва алоҳида тусга эга бўлган ишларда банд бўлган ходимларга (137-модда);

оғир ва ноқулай табиий-иқдим шароитларида иш бажараётган ходимларга (138-модда);

мөхнат тұғрисидеги қонунлар ва бошқа мөһөрий хужжатларда, мөхнат шартномасиниг шартларида назарда туғилған бошқа ҳолларда берилади.

141-модда. Таътиллар муддатини ишланған вақтта мутаносиб равища ҳисоблаб чиқарыш тартиби.

Таътиллар муддатини ишланған вақтта мутаносиб равища ҳисоблаб чиқарицда уларнинг муддати ҳар бир түлиқ таътил миқдорини ўн иккига бўлиб, сўнг тўлиқ ишланған ойлар сонига кўпайтириш йўли билан аниқланади. Бунда ўн беш календар кунга тенг ва ундан кўп бўлган кунлар бир ой деб яхлитланади, ўн беш кун календар кундан ками эса чиқариб ташланади.

142-модда. Йиллик асосий таътилларни олиш хукуқини берадиган иш муддат (стаж)ни ҳисоблаб чиқарши.

Йиллик асосий таътилни олиш хукуқини берувчи иш стажга қўйидагилар киради:

иш йили давомида ҳақиқатда ишланған вақт;
ходим ҳақиқатда ишламаган бўлса ҳам, лекин унинг иш жойи (лавозими) сақланған вақт, бундан болани парваришилаш учун ҳисман ҳақ тўланадиган таътил ва иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган муддати икки ҳафтадан кўп бўлган таътиллар мустасно;

мөхнат шартномаси гайриқонуний равища бекор қилингалиги ёки ходим гайриқонуний равища бошқа ишга ўтказилганлиги натижасида қилинған ҳақ тўланадиган мажбурий иш қолдириш вақти, башарти ходим кейинчалик аввали ишига тикланған бўлса;
тармоқ келишувлари, жамоа шартномалари ва корхонанинг ўзга ичкі хужжатларида, мөхнат шартномасининг шартларида назарда туғилған бошқа даврлар.

Жамоа шартномасида, корхонанинг бошқа ичкі хужжатида, мөхнат шартномасида хусусан иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган муддати икки ҳафтадан кўп бўлган таътил вақтини ҳам йиллик асосий таътилни олиш хукуқини берадиган мөхнат муддатига қўшиш назарда тутилиши мумкин.

Мөхнат тұғрисидеги қонунлар ва бошқа мөһөрий хужжатларда йиллик қўшимча таътилларни олиш хукуқини берадиган иш муддатини ҳисоблаб чиқаришининг алоҳида қоидалари назарда тутилиши мумкин.

144-модда. Таътилларни бериш вақти на навбати.

Йиллик таътилларни бериш навбати календар йил бошлангунга қадар иш берувчи томонидан касаба уюшмаси кўмитаси ёки

ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ белгиланади.

Таътил бериш вақти ҳақида ходим таътил боштанишида камидан беш кун олдин хабардор қилиниши керак.

Куйидаги ходимларга таътил уларнинг хоҳишига кўра ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилishi керак:

ўн тўрг ёшга тўлмаган битта ёки ундан ортиқ болани (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани) тарбиялаёттан ёлғиз ота, ёлғиз онага (бева эркаклар, бева аёллар, никоҳдан ажрашганлар, ёлғиз оналарга) ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига;

I ва II гуруҳ ногиронларга;

1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган шахсларга;

ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;

таълим мусассасаларида ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда ўқиётганларга (250-модда);

жамоа шартномаси, келишувида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Ишлаеттан эркакларга йиллик таътил уларнинг хоҳишиларига биноан хотинларининг ҳомиладорлик ва туғиши таътили даврида берилади.

149-модда. Ижтимоий таътиллар.

Ходимлар куйидаги ижтимоий таътиллар олиш хукуқидан фойдаланадилар:

ҳомиладорлик ва туғиши таътиллари (233-модда);

болаларни парваришлаш таътиллари (232, 234, 235-моддалар);

ўқишиб билан боғлиқ таътиллари (252, 253, 254 ва 256-моддалар);

ижодий таътиллари (258-модда).

150-модда. Иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътиллар.

Ходимнинг аризасига биноан унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилishi мумкин, унинг муддати ходим билан иш берувчи ўргасидаги келишуvgа биноан белгиланади.

Куйидаги ходимларга уларнинг хоҳишига кўра, иш ҳақи сақланмаган ҳолда муҳаррар тартибда таътил берилади:

1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари жиҳатдан уларга тенглаштирилган шахсларга – ҳар йили ўн тўрг календар кунга қадар;

ишлаеттан I ва II гуруҳ ногиронларга – ҳар йили ўн тўрг календар кунга қадар;

икки ёшдан уч ёшгача бўлган болани парвариш қилаётган аёлтарга (234-модда);

ун икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болани тарбиялаётган аёлтарга – ҳар йили ун тўрт календар кунга қадар (232-модда);

мехнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий хужжатларда, шунингдек меҳнат шартномаси шартларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

2. Корхона, муассаса ва ташкилотлар учун ички меҳнат тартибининг Намунивий қоидалари.

3. “Ўзбекистон байрам кунлари тўғрисида”ги Қонун. 1992 йил 3 июл.

Қўйидаги кунлар Ўзбекистон Республикаси худудида байрам (дам олиш) кунлари деб белгилансин:

1 январ – Янги йил;

8 март – Ҳалқаро хотин-қизлар куни;

21 март – Наврўз байрами;

9 май – Хотира ва Қадрлаш куни;

1 сентябр – Мустақиллик куни;

1 октябр – Ўқитувчи ва мураббийлар куни

8 декабр – Консигуция куни;

Рўза ҳайит (Ийд ал-Фитр)нинг биринчи куни;

Курбон ҳайит (Ийд ал-Адха)нинг биринчи куни.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартағи 133-сонли қарори ва унинг иловалари.

5. Гасанов М. Ю., Соколов Е. А. “Трудовое законадельство Узбекистана”, 2-китоб. “Рабочая время и время отдыха”. Т., “Ўқитувчи”, 2000.

6. Турсунов Й. “Мехнат ҳуқуқи”. Т., “Молия”, 1999.

15-масу. Мехнатта ҳақ тўлами

Бозор иқисодиётига ўтилиши билан иш ҳақи ахолининг асосий даромад манбаларидан бири бўлиб қолаётган ҳозирги шароитда меҳнатга ҳақ тўлашни ҳуқуқий тартибга солишини такомиллаштириш мухим аҳамиятта эта. Талаба ушибу мавзууда иш ҳақи ходим меҳнатига тўланадиган ҳақ шакли эканлиги, унинг ходимга тўланадиган бошқа тўлошлардан фарқланшишини кўрсатиб берини лозим.

Ходимлар ва уларнинг оила аъзслари ҳуқуқларини ҳимоя қилиши мақсадида иш ҳақининг энг кам миқдори белгилаб кўйилганилигига тўхталиш, бу миқдор нарх-навонинг ошиб боришига мутаносиб рашидла индексацияланниб ошиб боришига ҳам алоҳида эътибор берилмоғи лозим.

Меҳнатта ҳақ тўлашнинг иқтисодий ва юридик категориялар сифатида ижтимоий меҳнат муносабатларидаги аҳамияти, иш ҳақи ходимларга берилган асосий юридик кафолатлардан бири эканлитикини тушуниб олиш керак. Иш ҳақининг тўлаш усуслари, меҳнатта ҳақ тўлашда ҳуқуқий меъёрлар билан корхоналарнинг бевосита ўзида ишлаб чиқиладиган ички меъёрларнинг ўзаро нисбати, иш ҳақи тўлашни такомилаштириш йўллари ва чораларига талабалар алоҳида эътибор беришлари лозим.

Талаба ходимларга тўланадиган иш ҳақининг таркиби (асосий ва кўшимча) қисмларини, иш ҳақи тўлашда ягона тариф сенкаси ва унинг қўлланилиши, иш ҳақи тушумлари, меҳнатта ҳақ тўлашда ходимларга бериладиган кафолатларни яхши билиб олиш, уларнинг камситилишига йўл қўймаслик, ходимларни мукофотлаш асослари, шартлари ва тартибларини алоҳида-алоҳида тартибда кўрсата билиш, меҳнатни меъёrlаш қондайларидан хабардор бўлиш керак. Шунингдек, меъёрий шароитлардан четга чиқилган ҳолларда (чунки дам олиш кунлари байрам кунларидаги иш учун ва ҳ.к.) меҳнатта ҳақ тўлаш қондайларини ҳам билиб олмоқ зарур.

Талабанинг иш ҳақини тўлаш тартиби, жойи, вақтини билиши иш ҳақидан ушлаб қолишида қонунда белгилантан кафолатлар, ортиқча тўланган мабниларни ходимдан қайтариб олиш шартлари ва тартибларини билини ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунда иш ҳақига оид қонунилар берча мулкчилик шаклидаги ҳар қандай турдаги ҳўжалик юрмитиш шаклига асосланган корхоналар учун бир хил қўлланилиши дикъат марказида турмоғи лозим.

15-амалий мааниулот режаси

1. Меҳнатта ҳақ тўлаш тушунчаси ва унинг ҳуқуқий тамоилилари.
2. Иш ҳақининг турлари ва тизимлари.
3. Ягона тариф разрядлари тизими ва унинг қўлланилиши.
4. Одатдаги шароитлардан четга чиқилган ҳолларда бажарилган иш учун ҳақ тўлаш.

5. Иш ҳақини тұлаш муддатлари, жойи. Иш ҳақидан ушлаб қолиш ва уни чеклашга оид қоидалар.

Важиятли масалалар

1-масала.

Чилангар Рихсиев 1999 йыл август ойи учун 1450 сүм иш ҳақи ёзилганидан норози бўлиб, 1 августдан бошлиб энг кам ойлик иш ҳақи 1750 сўмдан кам бўлиши мумкин эмаслигини кўрсатган ҳолда фарқни тұлашни талаб қилди.

Иш берувчи бундай талабга эътиroz билдириб, Рихсиев август ойида бор-йўғи 5 иш куни ишлаганлиги, иш ҳақи унинг ишлаган вақтига мутаносиб тарзда тўланганлигини баён этди.

- Ходимнинг талаби қонунийми?
- Низони ҳал этиб, жавобни қонун хужжатлари билан асосланг.

2-масала.

“Тараққиёт” ижара корхонаси раҳбариятининг 1999 йыл 20 сентябрдаги буйргугига кўра созлаш-ишга тушириш ходимларига ишбай ҳақ тұлаш тизими ўрнига вақтбай ҳақ тұлаш тизими жорий этилишини белгиланди.

Бундан норози бўлган муҳандис Туробов иш ҳақи тизими ўзгартирилиши ҳақида иш берувчи ходимларни камидан бир йил олдин огоҳлантириш лозимлиги, бундан ташқари фақат ходим рози бўлсагина иш ҳақи тұлаш шартлари ўзгартирилиши мумкинлигини изҳор қилди.

- Туробовнинг талаби ўрнитими?
- Мехнат ҳақ тұлаш шарттарини ўзгартириш тартиби қандай?
- Низо қандай ҳал этилади?

Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодекси Т., “Адолат”, 1999. 153-моддаси. Мехнат ҳақи миқдорини белгилам.

Мехнат ҳақинин миқдори иш берувчи билан ходим ўргасидаги келиніувга биноан белгиланади. Мехнат ҳақи қонун хужжатлари билан белгиланган энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас ва унинг энг кўп миқдори бирон бир тарзда чекланмайди.

Мехнат ҳақи шакли ва тизимлари, мукофотлари, қўшимча тўловлар, устамалар, раъбатлантириш тарзидаги тўловлар жамоа

шартномаларида, шунингдек иш берувчи томонидан касаба уошмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб қабул қилинадиган бошқа ички ҳужжатларда белгиланади.

Меҳнатта ҳақ қоида тариқасида, пул шаклида тўланади. Меҳнатта ҳақни алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари, шунингдек рўйхати Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланадиган бошқа товарлар тарзида тўлаш тақиқланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 30 авгуустдаги қонуни. «Халқ сўзи». 26.09.01.

Бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларнинг, шунинdek, давлат корхоналарининг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини энг кам даражаси қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Табиий-иқдим ва турмуш шароитлари нокулай бўлган жойларда меҳнат ҳақига район коэффицентлари ва устамалар белгиланади.

Район коэффицентлари ва устамалари жорий қилинадиган жойларнинг рўйхати, шунингдек уларнинг қўлланиш тартиби ва миқдори Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланади.

154-модда. Меҳнатга ҳақ тўлаши кафолатлари.

Иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар ходимга бажарган иши учун ҳақни белгиланган меҳнат ҳақи шартларига мувофиқ ушбу Кодекснинг 161-моддасида кўрсатилган муддатларда тўлаши шарт.

Меҳнат шартномасининг тарафлар келишуви билан белгиланган меҳнат ҳақи миқдори жамоа шартномаси ёки келишуvida ўрнатилган миқдордан кам бўлиши мумкин эмас.

155-модда. Меҳнат ҳақининг энг кам миқдори.

Муайян давр учун белгиланган меҳнат меъерини ва меҳнат вазифаларини тўлиқ бажарган ходимнинг ойлик меҳнат ҳақи қонун ҳужжатлари билан белгилаб кўйилган энг кам меҳнат миқдоридан оз бўлиши мумкин эмас.

Меҳнат ҳақининг энг кам миқдорига кўшимча тўловлар, устамалар, раъбатлантириш тарзида тўловлар, меъёрий иш вақтидан четта чиқсан ҳолда бажарилган ишлар учун оширилган миқдорда тўланадиган ҳақлар (157-158-моддалар), шунингдек ҳудуд коэффицентлари (153-модданинг 4-қисми) кўшилмайди.

156-модда. Меҳнат ҳақи шартларини ўзgartирishi.

Меҳнатта ҳақ тўлаш шартлари қайси тартибда ўрнатилган бўлса, ўша тартибда ўзгартирилади (153-модда).

Меҳнатта ҳақ тўлашнинг якка шартларини ходим учун ноқулай томонга ўзгартиришга унинг розилигисиз йўл қўйилмайди. Истисно тариқасида бундай ўзгартиришга куйидаги тарзда йўл қўйилиши мумкин:

- технологияда, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишда ўзгаришлар юз берган тақдирда, баҳарти меҳнатта ҳақ тўлашнинг аввалги шартларини сақлаб қолиш мумкин бўлмаса;
- қонуидаги назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Бўлажак ўзгартириш ҳақида ходим камидаги иккиси ой олдин огоҳлантирилиши лозим.

157-модда. Иш вақтидан ташқари ишлар ҳамда дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун камидаги иккиси миқдорда ҳақ тўланади.

Иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун камидаги иккиси миқдорда ҳақ тўланади. Тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Байрам ёки дам олиш кунидаги иш ходимнинг хоҳишига қараб бошқа бўш кун (отгул) бериш билан қопланиши мумкин. Ходимнинг илтимосига биноан иш вақтидан ташқари иш учун белгиланган иш вақтидан ташқари бажарилган иш соатларига тенг келадиган миқдорда бўш кун берилши ҳам мумкин. Байрам ёки дам олиш кунидаги иш ёхуд иш вақтидан ташқари бажарилган иш учун бошқа бўш кун берилган тақдирда бундай ишлар учун камидаги иш ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

158-модда. Тунги вақтдаги иш учун ҳақ тўлаш.

Тунги вақтдаги (122-модданинг биринчи қисми) ишнинг ҳар бир соати учун камидаги иш вақтдаги ташқари иш учун белгиланган иш вақтидан ташқари бажарилган миқдорда ҳақ тўланади.

Тунги вақтдаги иш учун оширилган миқдорда тўланган ҳақ тариф ставкалари (мансаб маошлари)га қўшилмайди.

Тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб, кечки кезагидаги иш учун оширилган миқдорда ҳақ тўлаш назарда тутилиши мумкин. Бевосита тунги кезагидан олдингиси кечки кезагида деб ҳисобланади.

159-модда. Яроқсиз маҳсулот тайёрлашганда ва бекор туриб қолинган вақт учун ҳақ тұлаш.

Ходимнинг айбисиз яроқсиз маҳсулот тайёрланғанда ва бекор туриб қолинган вақтда унинг ўртаса иш вақти сақланади. Ходимнинг айби билан тайёрланған қисман яроқсиз маҳсулот учун камайтирилған ишбай баҳолар бүйічә ҳақ тұланади. Бундай баҳолар жамоа шартномасыда белгилаб қўйилади, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органдар билан келишиб белгиланади. Ходимнинг айби билан тайёрланған тұлиқ яроқсиз маҳсулот ва бекор туриб қолинган вақт учун ҳақ тұланмайди.

160-модда. Бир печа касб (лавозим)да ва ўриндошлиқ асосида ишлаганлық учун меҳнатта ҳақ тұлаш.

Бир неча касб (лавозим)да ишлаганлық хизмат қўрсатиш доираси кенгайтанылғи, бажариладиган ишлар ҳажми ортганлыги, ўзининг асосий иши билан бир қаторда ишда вақтгингча бўлмаган ходимларнинг вазифаларини бажарганлик учун, шунингдек ўриндошлиқ асосида иш бажарилғанда (ходим ўзининг асосий ишини бажаришидан ташқари асосий ишдан бўш вақтида меҳнат шартномаси асосида бошқа ҳақ тұланадиган ишни бажарғанда), ходимларнинг меҳнат ҳақи миқдори меҳнат шартномасининг тарафлари ўртасидаги келишувга биноан амалда бажарилған иш юзасидан белгиланади.

2. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Тенг иш ҳақи тұлаш ҳақида”ги конвенцияси. “Права человека”, 1995, 125-б.

3. Гасанов М., Соколов Е. Меҳнат шартномаси, 1996.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 23 июндаги “Иш ҳақи, пенсия ва стипендияларни ошириш тұғрисида”ги Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 ипондаги “Меҳнатта ҳақ тұлаш бүйічә ягона тариф жадвалини янада тақомиллаштириш ҳақида”ги 280-қарори.

6. Турсунов Й. “Меҳнат хукуқи”, Т., “Молия”, 1999.

16-мавзу. Кафолатли ва компенсация тұловлари

Меҳнат муносабатларида қатнашиш билан бөглиқ тарзда ходимларга муайян кафолаттар бериш, уларни хизмат вазифаларини бажарып билан бөглиқ равищда қылған сарф-харажатларни қоплаш – төвөн тұловлари тұлаш меҳнат

қонунчилитида назарда тугилган моддий ҳимоялаш воситалари бўлиб саналади.

Ушбу мавзуни ўрганиш пайтида талаба кафолатли тўловлар тўланишига сабаб бўладиган ҳолатларни, бу тўловлар тўланиш шартлари ва тартибларини белгилаб берувчи ҳукуқий хужжатларни яхши тушуниб олиши лозим.

Амалдаги қонунчиликка кўра давлат ва жамоат вазифаларини бажариш (сайлов ҳукуқларини амалга ошириш, одил судловни амалга оширилишида қатнашиши, ҳарбий мажбуриятларни адо этиш ва б.), жамият манфаатлари йўлида ҳаракат қилиш (табиий оғатлар, инсон ҳаётига бўлган хавф-хатарни бартараф этиш ва б.), иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига мос келувчи хатти-ҳаракатларни бажариш (рационализаторлик, корхона меҳнат жамоаси, касаба уюшмаси мажлисларида қатнашиши ва б.) пайтида кафолатли тўловлар тўланиши кўзда тугилган.

Кафолатли тўловлар тўлаш асослари ва сифатлари Меҳнат Кодексида, бошқа тегишли қонунлар ҳамда қонунчилик хужжатларида белгилаб қўйилган.

Компенсация тўловлари ходим ўз бурчини бажариш билан боғлиқ равища иш берувчи манфаатлари йўлида ўз маблагларини сарф-харажат қилиши билан боғлиқ равища тўланади.

Меҳнат қонунчилитида товон тўловларининг қуйидаги асосий тўрт тури назарда тугилган:

- а) ходим бошқа аҳоли пунктига кўчиб бориши билан боғлиқ товон тўловлари;
- б) ишнинг кўчиб юриш билан боғлиқ тарздаги товон тўловлари;
- в) хизмат сафарида бўлиш билан боғлиқ товон тўловлари;
- г) ходим ўз мулкидан (асбоб-усқуна, бино, транспорт воситаси, маҳсус кийимлар ва ҳ.к.) иш берувчи манфаати йўлида фойдалангандиги учун бериладиган товон тўловлари.

Ходим оила аъзолари билан иш берувчи топшириғига кўра бошқа жойга кўчиб борганида йўл-транспорт харажатлари, суткалик пул ва бошқа тўловлар амалда қилинган сарф-харажатлар доирасида томонлар келишувига кўра қопланади.

Иши кўчиб юриш билан боғлиқ бўлган ҳолларда ходимга бериладиган товон тўловларининг энг кам миқдори қонун хужжатларида белгилаб қўйилган.

Хизмат сафари, шу жумладан, хорижий давлатларга хизмат сафарига бориши билан боғлиқ харажатларни қоплаш хизмат сафари

масалаларига оид меъерий хужжатларда белгилаб қўйилади. Хизмат сафари пайтида йўл харажатлари, уй-жой ижара харажатлари, бир кечакундузлик пул тўланади. Иш берувчининг розилиги билан бошқа харажатлар ҳам компенсация қилиниши мумкин.

Ходим ўз мол-мулкидан иш жараёнида фойдаланганида амортизация харажатлари қопланади. Кафолатли ва товоон тўловларини ходимларга ўз вақтида, тўла ҳажмда берилиши уларнинг меҳнат хукуқлари тўсқинликларсиз рўёбга чиқарилишининг, меҳнат муносабатларида қонунчиликни таъминлашнинг муҳим омили саналади.

16-амалий машғулот режаси

1. Кафолатли ва товоон тўловлари тушунчаси ҳамда уларнинг меҳнат муносабатларига аҳамияти.
2. Кафолатли тўловларнинг турлари ва берилиши шартлари.
3. Компенсация тўловлари.
4. Хизмат сафари ва хизмат сафари билан боғлиқ компенсация тўловлари.

Вазиятли масалалар

1-масала.

“Компрессор” заводининг пайвандчиси С. 5 кун давомида терговда гумондор сифатида иштирок этганлиги хусусида чақириқ қоғозили тақдим этди.

Иш берувчи чақириқ қоғозида кўрсатилган кунлар учун иш ҳақи тўлашдан бош тортида ва С. беш кун давомида ишга чиқмаганини учун уни меҳнат вазифаларини қўпол тарзда бажармаганиниги учун ишдан бўниятишга қарор қилди. С. судга мурожаат қилиди.

- С.нинг ишга чиқмаган кунлари учун ҳақ тўлани лозимми?
- Иш берувчининг қарори тўғрими?
- Низо қандай ҳал этитиши керак?

2-масала.

«Иssiқ нон» хусусий корхонасининг юк ташувчи Г. бир ҳафта давомида ишга чиқмагани ва икки кун давомида қон тоширганилиги ҳақида тиббий маълумотнома асосида ишга чиқмаган кунлари учун унга иш ҳақи тўлашдан бош тортилди ва хусусий корхона учун кафолатли тўлов тўлаш мажбурий эмаслиги,

бу масалани ўз хоҳишига кўра ҳал қилиши мумкинлиги таъкидланди.

Г. бундан норози бўлиб судга мурожаат қилди.

- Г.нинг бир ҳафта ишда бўлмаган вақти учун иш ҳақи сақланадими?

- Иш берувчининг фикри тўғрими?
- Низо қандай ҳал этилиши лозим?

З-масала.

Туман тайёрлов идорасининг тайёрловчиси қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилиш учун туман марказидан 10 км. узоқда жойлашган фермер хўжалигига юборилди. Вазифа бажариб бўлингач, иш берувчи ходимга хизмат сафари харажатларини қоплашдан бош тортди ва буни ходим ҳар куни доимий яшаш жойига қатнаш имкониятига эгалиги билан изоҳлади. Ходим бундан норози бўлиб, судга мурожаат қилди.

1. Хизмат сафари харажатларини қоплаш ҳақида нималарни биласиз?

2. Низо қандай ҳал этилмоғи лозим?

Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси. Т., “Адолат”, 1999.

165-модда. Ходимлар давлат ёки жамоат вазифаларини бажараёттани вақтда бериладиган кафолатлар.

Ходим давлат ёки жамоат вазифаларини бажараёттган вақтида (саллов ҳуқуқини амалга ошириш, депутатлик вазифаларини бажариш, тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси ишда иштирок этиш, ҳарбий бурчни бажариш, суриштирув органита, терговчи, прокурор ҳузурига ёки судга гувоҳ, жабрланувчи, эксперт, мугахассис, таржимон, холис тариқала чақирилганда, худди шунингдек, суд мажлисларида ҳалқ маслаҳатчиси, жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячиси, жамоат бирлашмалари ва меҳнат жамоаларининг вакили сифатида иштирок этганда, шунингдек, қонунида назарда тутилган бошқа ҳолларда) иш берувчи уни иш жойи (лавозими)ни сақлаган ҳолда ишдан озод қилиши шарт. Ана шу вазифаларни бажарини вақтида ходимнинг ўргача иш ҳақи сақланади.

166-модда. Иш берувчи ва меҳнат жамоаси манбаатларига доир вазифаларни бажарини вақтида бериладиган кафолатлар.

Иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариш (малака ошириш, рационализаторлик таклифларини жорий этиш ишида қатнашиш, хизмат сафарида бўлиш, тиббий кўриқдан ўтиш ва б.) мақсадида ходимни ишдан озод этиш шартлари, шунингдек, ана шу давр учун тўланадиган кафолатли тўловлар миқдори шартномаларда белгилаб қўйилган, лекин бу тўлов миқдори ўргача иш ҳакидан кам бўлмаслиги керак.

Мажбурий тиббий кўриқдан ўтиш шарт бўлган ходимларга, уларнинг ишга яроқлилигини аниқлаш мақсадида муқим тиббий муассасаларда текширувдан ўтадиган даври учун, ушбу моддаларнинг биринчи кисмида назарда тутилган кафолатлар берилади.

167-модда. Ходим жамият манфаатларига доир ҳаракатлар қилганда бериладиган кафолатлар.

Ходим жамият манфаатларига доир ҳаракатлар қилганда (ҳалокатлар, таббий оғатларнинг оқибатларини тугатиш, инсон ҳаётини саклаш ва бошқа ҳолларда) ана шу даврда унинг иш жойи (лавозими) ва ўргача иш ҳаки сакланади.

Тиббий текширувдан ўтадиган куни ва кўйиш учун қон топширадиган куни ходимларга соғликни саклаш муассасаларига боришлиарига иш берувчи монеликсиз рухсат берилиши шарт.

Донорлик қилувчи ходимларга ҳар сафар қон топширган куннинг, албатта, эртасига дам дам олиш учун бир кун берилади. Ходимнинг хоҳишига кўра бу кун таҳтилга қўшиб берилади. Текширувдан ўтадиган ва кўйиш учун қон топширадиган куни озод этилган давр учун, шунингдек, дам олиш кунлари ходимнинг ўргача иш ҳаки сакланади.

170-модда. Иш билан боғлиқ ҳаражатлар тўлови.

Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ қўшимча ҳаражатлар (171, 172, 173-моддалар) қонунчилик хужжатлари, жамоа шартномалари ва келишувлари, шунингдек, меҳнат шартномаларида белгиланган шартлар ва тартибда иш берувчи томонидан копланиши лозим.

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал Кодекси.
Т., “Адолат”, 1999.

3. Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик процессуал Кодекси.
Т., “Адолат”, 1999.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмати тўғрисида” ги Конуни.

5. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқоролик сайлов ҳукукларининг “кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартағи 133-карори ва унга иловалар.
7. “Хизмат сафари тўғрисида”ги йўрикнома.
8. Гасанов М., Соколов Е. “Ўзбекистон Республикасида меҳнат шарномаси (контракт)”. III. китоб. Т., 1996.
9. Турсунов Й. “Меҳнат ҳукуқи”, Т., “Молия”, 1999.

17-мавзу. Меҳнат интизоми

Бозор муносабатлари карор топаёттган ҳозирги шароитда , фақат иш берувчининг эмас, балки ходимнинг ҳам фаравонлиги эрганги кун самарали ва сермаҳсул меҳнат натижаларига бевосита боғлик бўлган бизнинг кунларимида корхоналарда меҳнат интизомини мустаҳкамлашнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш ҳожати бўлмаса керак.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат интизомига оид қоидалар амал қиласди. Корхоналарда меҳнат интизомига оид барча асосий талаблар ички меҳнат тартиби қоидаларида кўзда тутилади.

Ушбу мавзуни ўрганаёттган талаба меҳнат интизомининг тушунчаси, мазмуни, корхоналарда меҳнат интизомини мустаҳкамлашнинг иқтисодий ва ҳуқукий асосларини билиб олиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлашда ички меъёрларнинг аҳамиятини, корхоналарда меҳнат тартибини белгилаш ҳамда унга амал қилишнинг таъминланишини ўрганмоғи зарур.

Меҳнат интизоми қоидалари ва мазмуни икки хусусиятни ўзида ифодалashi, яъни объектив томондан, меҳнат қонунлари, интизом уставлари, ички меҳнат гартиб қоидаларида мустахкамланган ишлаб чиқаришнинг зарур шарти саналмиш тартиб -қоидалар бўлса, субъектив томондан ходим ва иш берувчи томонидан меҳнат интизомига оид ўз мажбуриятларини бажариш ҳукуқларидан фойдаланиши эканлигига алоҳида эътибор бериш керак.

Бундан ташқари, талаба ходимларга таъсир этиш нуктаи назаридан меҳнат интизомини мустаҳкамлаш усусларини ички, яъни ишонтириш ва мажбурлаш турларига бўлинишларига ва бу усусларнинг аҳамиятига тўхталиб ўтмоғи керак.

Талаба интизомий ножӯя ва интизомий жавобгарлик чораларини, интизомий жавобгарликка тортиш асослари,

шартларини билиши, ходимларни интизомий жавобгарликка тортиш тартиблариги кўриб чиқиши керак бўлади.

Талаба шунингдек, интизомий жавобгарлик турларини (умумий, маҳсус), бу жавобгарликларга тортишнинг ўзига хос жиҳатларини ҳам билиб олиши лозим.

Интизомий жазо чоралари, уларнинг шакллари, интизомий жазо чорасини танлашда амал қилинадиган мезонлар ходимни интизомий жавобгарликка қонуний тарзда тортишда муҳим аҳамиятга эга. Талаба интизомий жазо кўллаш тартиби, муддатлари, уни муддатидан аввал олиб ташлаш асослари ва тартиби, ходимга жазо кўллашнинг ҳукуқий оқибатларини ҳам билиб олиш лозим. Шунингдек, халқ ҳўжалигининг айрим тармоқларида, муайян давлат идораларида хизмат қилувчи ходимларни интизомий жавобгарликка тортиш ва жазо кўллашнинг ҳусусиятларини ҳам талаба томонидан чуқур ўрганилиши муҳим аҳамиятта эга.

17-амалий машғулот режаси

1. Меҳнат интизоми тушунчаси, корхонада меҳнат тартиби.
2. Корхоналарда меҳнат интизомини тартибга солишида интизом тўғрисидаги устав ва низомларнинг аҳамияти.
3. Ходим ва иш берувчининг бурчлари.
4. Корхонада меҳнат интизомини таъминлаш ва меҳнат учун раҳбартлантириш.
5. Интизомий жазолар, уларни кўллаш тартиби.

Вазиятли масалалар

Масала.

Кичик тиббий ҳамшира Соатова унга байрам муносабати билан иш берувчи мукофот бермаганигини айтиб, ходимлар вакиллик органига мурожаат этди.

Соатовани талаби қонунийми? Кимлар мукофотдан маҳрум этилишилари мумкин?

Тавсия этиладиган адабиёстлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси. Т., “Адолат”, ”, 1999.

174-модда. Корхонада меҳнат тартиби.

Корхонада меҳнат тартиби иш берувчи касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан

келишиб тасдиқлайдиган ички меҳнат тартиби қоидалари билан белгиланади.

175-модда. Интизом тұғрисидаги устав ва низомлар.

Халқ хұжалигининг бәзі тармоқларыда ходимларнинг айрим тоифалари учун интизом тұғрисидаги устав ва низомлар амал қиласади.

176-модда. Ходимнинг бурчлары.

Ходим үз меҳнат вазифаларини ҳалол, вижданан бажариши, меҳнат интизомига риоя қилиши, иш берувчининг қонуний фармойишларини үз вақтида ва аниқ бажариши, технология интизомига, меҳнат мұхофазаси, техника хавфсизлігі ва ишлаб чыкаруш санитарияси талабларыга риоя қилиши, иш берувчининг мол-мұлкін авайлаб асраши шарт.

Ходимнинг меҳнат вазифалари ички тартиб қоидаларыда, интизом тұғрисидаги устав ва низомларда, корхонада қабул қылладынадиган ички ұжжаттарда (жамоа шартномаларида, йүрикномалари ва ҳ.к.)да, меҳнат шартномасыда аниқ белгилаб қўйилади.

177-модда. Иш берувчининг бурчлары.

Иш берувчи ходимлар меҳнатини ташкил қилиши, қонулар ва бошқа меберий ұжжаттарда, меҳнат шартномасыда назарда туғилған меҳнат шароитларини яратып бериши, меҳнат ишлаб чыкаруш интизомини таъминлаши, меҳнат мұхофазаси қоидаларыга риоя этиши, ходимларнинг әхтиёж ва талабларыга әттибор билан қараши, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаб бориши, ушбу Кодекста мұвоғиқ жамоа шартномаларини түзүши шарт.

Иш берувчи ходимдан уннинг меҳнат вазифалари доирасига кирмайдынадиган ишларни бажариши, қонунга хилоф ёки ходим ва бошқа шахсларнинг ҳәёти ва соғлиги учун хавф тудириувчи, уларнинг шаъни ва қадр-қымматини камситувчи ҳаракатлар қилишини талаб этишга ҳақын эмас.

178-модда. Ходимларни уларға юклатылған меҳнат вазифалари билан танинтириши.

Хар бир ходим үзігі юклатылған меҳнат вазифалари доираси билан олдиндан танинтирилүүши лозим.

179-модда. Меҳнат интизомини таъминлаш.

Меҳнат интизоми ҳалол меҳнат учун рағбатлантириш ва мукофотлаш усуллари ёрдамыда ишлешінде зарур ташкилий ва жетисөндій шароитлар яратып бериши, инсофсиз ходимларга нисбетан жазо чораларини құлламиш орында таъминланади.

180- модда. Меҳнат учун рағбатлантириш.

Ишдаги ютуклар учун ходимга нисбатан рағбатлантириш чоралари кўлланилиши мумкин. Рағбатлантириш турлари, уларнинг кўлланиш тартиби, афзалик ва имтиёзлар бериш жамоа шарномалари, ички меҳнат тартиби, интизом тўғрисидаги устав ва интизомларда белгилаб қўйилган.

Ходимлар меҳнат соҳасида давлат ва жамият олдидағи алоҳида хизматлари учун давлат мукофатларига тақдим этилиши мумкин.

Иш ҳаки, мукофотлар, кўшимча тўловлар, устамалар ва меҳнат ҳаки тизимида назарда тутилган бошка тўловлар рағбатлантириш турлари кирмайди.

Интизомий жазо амал қилиб турган муддат мобайнида (183-модда) ходимга нисбатан рағбатлантириш.

181-модда. Интизомий жазолар.

Ходимга меҳнат интизомини бузганлиги учун иш берувчи кўйидаги интизомий жазо турларини кўллашга ҳакли:

- 1) хайфсан;
- 2) ўртacha ойлик иш ҳакинининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима.

Ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртacha ойлик иш ҳакининг эллик фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиши ҳоллари ҳам назарда туғилиши мумкин. Ходимнинг иш ҳақидан жарима ушлаб қолиши ушбу Кодекснинг 164-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда иш беручи томонидан амалга оширилади;

- 3) меҳнат шартномасини бекор қилиш (100-модда 2-кисми 3- ва 4 бандлари).

Ушбу моддада назарда тутилган интизомий жазо чораларини кўлланиши тақиқланади.

182-модда. Интизомий жазоларни кўллаш тартиби.

Интизомий жазолар ишга қабул қилиш ҳуқуқи берилган шахс (идора)лар томонидан кўлланилади (82-модда).

Интизомий жазо кўлланилишидан аввал ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши лозим. Ходимнинг тушунтириш хати берилсиндан бош тортиши унинг илгари содир қилган ножӯя хатти-харакати учун жазо кўллашга тўсик бўла олмайди.

Интизомий жазони кўллашда содир этилган ножӯя хатти-харакатнинг қай даражада оғир эканлиги, шу хатти-харакат содир этилган вазият, ходимнинг олдинги иши ва хулқ-атвори ҳисобига олинади.

Хар бир ножӯя хатти-харакати учун факат битта интизомий жазо қўлланилиши мумкин.

Интизомий жазо бевосита ножӯя хатти-харакат аниқлангандан кейин, аммо бу ҳаракат аниқлангандан бошлаб, ходимнинг касал ёки таътилда бўлган вактини хисобга олмасдан бир ой ичидаги қўлланилади.

Ножӯя хатти-харакат содир этилган кундан бошлаб олти ой ўтгандан, молия-хўжалик фаолиятини тафтиш этиш ёки текшириш натижасида аниқланганда эса содир этилган кундан бошлаб, икки йил ўтгандан кейин жазони қўллаб бўлмайди. Жиной иш бўича иш юритилган давр бу муддатга кирмайди.

Интизомий жазо берилгани тўғрисидаги бўйрук (фармойиш) ёки қарор ходимга маълум қилиниб, тилҳат олинади.

183-модда. Интизомий жазонинг амал қилиш муддати.

Интизомий жазонинг амал қилиш муддати жазо қўлланилган кундан бошлаб бир йил ошиб кетиши мумкин эмас. Агар ходим шу муддат ичидаги яна интизомий жазога тортилса, у интизомий жазо олмаган деб хисобланади.

Интизомий жазо қўллаган иш берувчи ўз ташаббуси билан ходимнинг илтимосига биноан, меҳнат уйининг жамоаси ёки ходимнинг бевосита раҳбари илтимосига кўра жазони бир йил ўтмасдан олдин ҳам олиб ташлашга хали.

184-модда. Интизомий жазо устидан шикоят қилиш.

Интизомий жазо устидан якка меҳнат низолари учун белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

Меҳнат низосини кўриб чиқаётган идора содир этилган ножӯя хатти-харакат қандай вазиятда юз берганлигини, ходимнинг олдинги хулқ-атбори, меҳнатга бўлсан муносабатини, интизомий жазони содир этилган ножӯя хатти-харакатининг оғирлик даражасига қанчалик мос келишини, иш берувсининг интизомий жазо бериш тартибига риоя қилинганлигининг хисобга олиб, ходимга нисбатан қўлланилган ижтимоий жазони гайриконуний деб топиш ва уни бекор қилиши тўғрисидаги қарор чиқаришга ҳақли.

2. Гасанов М., Соколов Е. “Ўзбекистон Республикасида меҳнат шарномаси (контракт). Т., 1996.

3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги томонидан 1999 йил 14 июнда тасдиқланган 749-ракамли “Корхоналар ходимлари учун меҳнат тартибининг намунавий коидалари”, III бўлим, 3.1-3.11-бандлар.

4. «Прокуратура ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш тартиби ҳақида»ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1996 йил 9 августдаги қарори билан тасдиқланган. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Т., “Адолат”, 1998.

5. Турсунов Й. “Меҳнат ҳуқуқи”, Т., “Молия”, 1999.

18-масу. Меҳнат шартномаси тарафларининг моддий жавобгарлиги

Меҳнат муносабатлари давомида унинг иштирокчилари бир-бирларининг моддий манфаатларига риоя қилишлари, зарар етишига йўл қўймасликлари лозим. Башарти бир-бирларига айбли тарзда зарар етказгандарнида эса бу зарар қонунда белгиланган ҳажмда қоплаб берилиши лозим. Бунда ходимнинг моддий жавобгарлиги қонунда белгиланганидан кўп бўлмаслиги, иш берувчи қоплайдиган зарар эса қонунда белгиланган энг кам зарардан кам бўлмаслиги лозим.

Меҳнат шартномаси томонларининг ўзлари моддий жавобгарликларини муҳим шарти муайян юридик тартиб бўлганидагина бу жавобгарликнинг юзага келишидир. Ушбу юридик тартиб ўз ичига қўйидагиларни олади:

- а) қасд ёки эҳтиётсилик шаклидаги айбли хатти-ҳаракат;
- б) ҳаракат ёки ҳаракатсиликнинг қонунга хилофлиги;
- в) айбли, ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат натижасида зарар юз берганилиги;
- г) айбли хатти-ҳаракат билан зарарли оқибат ўртасида сабабий боғланиш мавжудлиги.

Юқоридагилардан бирортасининг бўлмаслиги қоидаги кўра жавобгарликни истисно қиласди. Тарафлардан ҳар бир ўзига зарар етказилганилиги, бундан иккинчи тараф айборлиги ва зарар миқдорини исботлаб бериши лозим.

Ходимлар томонидан иш берувчига етказилган зарар учун қоида тарикасида чекланган, яъни одатда унинг бир ойлик ўртача иш ҳақидан (муайян ҳолда раҳбар ходимнинг уч ойлик лавозим маёшидан) кўп бўлмаган миқдорда моддий жавобгарлик юз беради.

Ходимнинг тўлиқ моддий жавобгарликка тортиш фақат қонунда маҳсус назарда тутилган ҳоллардагина (МКнинг 202-моддаси) мумкин. Бундай ҳолларда кенг тарқалгани ходим билан тузилган маҳсус ёзма шартнома (якка ёки жамоа) асосидаги тўлиқ

моддий жавобгарлик бўлиб, бундай шартнома тузилишига йўл қўйиладиган шахслар, ишлар, лавозимлар рўйхати қонунчилик ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган.

Ходим томонидан иш берувчига етказилган зарар миқдори белгиланганда усувларда ва тартибда аниқланиши лозим. Заарни қоплаш ҳам белгиланган тартибда амалга оширилади.

Иш берувчи томонидан ходимнинг соғлигига, мол-мулкига етказилган зарар ходим вафот эттанида қарамоғидаги шахслар боқувчисидан жудо бўлганлари туфайли кўргаңда уларга тўла ҳажмда қоплаб берилади. Тарафлар бир-бирларига маънавий зарар етказганлари ҳолда у зарар қонунда белгиланган ҳажмда ва тартибда қоплаб берилishi лозим.

Иш берувчи ўзига етказилган моддий зарарни қоплаб берилishi юзасидан бир йил давомида судга мурожаат қилиши мумкин. Маънавий зарарни қоплаш, соғлиққа етказилган зарарни ундириш юзасидан даъво муддати белгиланган бўлиб маибаадор томони бу масалада истаган пайтда даъво талаби билан мурожаат қилиши мумкин.

18-амалий машгулот режаси

1-машгулот.

1. Мехнат шартномаси тарафлари моддий жавобгарлиги тушунгаси ва тамоилилари.
2. Моддий жавобгарлик юз берилши шартлари ва асослари.
3. Ходимларнинг иш берувчи олдиқдаги моддий жавобгарлиги турлари.
4. Ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарни аниқлаш ва қоплаш усувлари.

2-машгулот.

1. Иш берувчи томонидан ходимга етказилган зарар тушунчаси ва обьектлари.
2. Ходим соғлигига ёки ҳаётига етказилган зарар учун иш берувчининг молдий жавобгарлиги.
3. Ходим мулкига етказилган зарар учун, маънавий зарар учун жавобгарлик.
4. Ходимга етказилган зарарни аниқлаш ва қоплаб берилшин.

Вазиятли масалалар

1-масала.

Корхонада янги ускуналар ўрнатилди ва уларни ўзлаштириш давомида ходимнинг тажрибасизлиги туфайли қимматбаҳо компьютер ишдан чиқди. Иш берувчи етказилган зарарни тўлиқ қопланишини талаб қилди. Ходим эса зарар оддий ишлаб чиқариш таваккалчилиги туфайли, яъни янги технологияни ўзлаштириш пайтида етказилганигини айтиб зарарни қоплашдан батамом озод қилиниши лозимлигини айтди.

- Низо қандай ҳал этилиши лозим?
- Ходимнинг эътирози ўринлими?
- Ходимларнинг чекланган моддий жавобгарлиги ҳақида нималарни биласиз?

2-масала.

Корхона кассири томонидан катта миқдорда камомадга йўл қўйилди. Иш берувчи зарарни тўлиқ қоплаб берилшини талаб қилди. Ходим эса зарар етишига иш берувчининг айби, яъни кассаси маҳсус жиҳозланмаганилиги, раҳбар кўрсатмаси билан у ерга бегона одамлар қўйилганини сабаб бўлганлигини кўрсатди, ўзи билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида ёзма шартнома тузилмаганигини айтиб зарарни қоплашдан бош тортди.

- Қайси ҳолларда ходимлар тўлиқ моддий жавобгар бўладилар?
- Юқоридаги низо қандай ҳал этилади?
- Кассирнинг эътиrozлари ўринлими?

3-масала.

Трактор заводининг асбобсоз-чилангари Т. ишлов бериш пайтида қиймати 172 минг сўм турадиган ўлчов асбобини эҳтиётсизлиги туфайли ишдан чиқишига сабаб бўлди. Завод маъмурияти етказилган жами зарарни унинг ойлик маошидан ушлаб қолиш ҳақида фармойиш чиқарди.

Т. бундан норози бўлиб, меҳнат низолари комиссиясига шикоят билан мурожаат қилди. У ўз аризасида йўл қўйган эҳтиётсизлиги учун ҳайфсан интизомий жазосига тортилганилиги бир айбли ҳаракат учун икки марта жазога тортилиши мумкин эмаслигини айтди.

Шу билан бирга воқеа содир бўлганига беш ой бўлганлигини ва моддий жазо қўллаш муддати ўтиб кетганлигини ҳам кўрсатди.

- Завод маъмуриятининг ҳаракати тўғрими?
- Т. нинг эътиrozлари ўринлими?
- Иш берувчи томонидан зарарни судсиз ундириб олиш тартиби қандай?

Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодекси. Т., “Адолат”, .. ’..
1999.

185-модда. Мехнат шартномасининг бир тарафи етказган зарарни бошқа тарафга қоплаш мажбурияти.

Мехнат шартномасининг бир тарафи (иш берувчи ёки ходим) меҳнат соҳасидаги вазифаларини бажариши муносабати билан бошқа тарафга етказган зарарини ушбу Кодекс ва меҳнат тўғрисидаги бошқа месъерий ҳужжатларда белгиланган қоидаларга мувофиқ қоплайди.

Мехнат шартномаси ёки унга қўшимча тузилган ёзма шаклдаги келишувда, шунингдек, жамоа шартномаси меҳнат шартномаси тарафларнинг моддий жавобгарлиги аниқлаштирилиб қўйилиши мумкин.

Бунда шартнома бўйича иш берувчининг ходим олдидағи жавобгарлиги ушбу Кодексда назарда тутилганидан кам, ходимнинг иш берувчи олдидағи жавобгарлиги эса назарда тутилганидан кўп бўлмаслиги керак.

Зарар етказилганидан кейинги меҳнатта оид муносабатларнинг бекор қилинганилиги меҳнат шартномаси тарафларининг моддий жавобгарликдан озод қилишга сабаб бўлмайди.

187-модда. Ходимга тўланиши лозим бўлган зарар.

Меҳнат вазифаларини бажариш муносабати билан ёки меҳнат қилиш имкониятидан тайриқонуний раввишда маҳрум этилганлиги натижасида ходимга, боқувчиси иш билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда эса, унинг оила аъзоларига (192-модданинг 1-қисми) етказилган ҳар қандай зарарни (шу жумладан, маънавий зарарни) иш берувчи, башарти ушбу Кодексда бошқа ҳолат назарда тутилмаган бўлса, тўлиқ ҳажмда тўлайди. Маънавий зарар (жисмоний ёки руҳий азоблар) пул шаклида ёки бошқа моддий шаклда ҳамда иш берувчи ва ходим ўртасидаги келишувга мувофиқ раввишда ходим меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда эса, иш берувчи ва вафот этган ходимнинг

оила аъзолари ўргасидаги келишувга мувофиқ равищда белгиланган миқдорда қопланади.

Маънавий зарарни қоплаш юзасидан низо келиб чиқсан тақдирда, бу масала судда кўриб чиқилади.

198-модда. Иш берувчига тўлапиши лозим бўлгани зарар.

Ходим иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий зарарни тўлаши шарт.

Бевосита етказилган ҳақиқий зарар деганда иш берувчининг мавжуд мол-мулки (шу жумладан, иш берувчи учингчи шахслардан ижарага олган мол-мулк) амалда камайтанилиги ёки ёмон ҳолатта келтанилиги, шунингдек, иш берувчининг ортиқча тўловлар қилиш зарурати тушунилади.

Ходим иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий зарар учун ҳам, иш берувчи бошқа шахсларга етказилган зарарни тўлаши натижасида келиб чиқсан зарар учун ҳам моддий жавобгар бўлади.

199-модда. Ходимниңг моддий жавобгарлигини истисно этубчи ҳолатлар.

Агар, зарар, уни бартараф этиш мумкин бўлмаган кучлар, одатдаги хўжалик таваккалчилити оқибатида, ҳозирги зарурат ёки зарурий мудофаа натижасида келиб чиқсан бўлса, ходимнинг моддий жавобгарлиги истисно этилади.

202-модда. Ходимниңг тўлиқ моддий жавобгарлиги ҳоллари.

Етказилган зарар учун қўйидаги ҳолларда ходимга тўлиқ моддий жавобгарлик юқлатилади:

1) маҳсус ёзма шартнома асосида унга ишониб топширилган қимматдорликларнинг сақланишини таъминламаганлик учун (203-модда);

2) бир галлик хужжат асосида олинган қимматдорликларнинг сақланишини таъминламаганлик учун;

3) қасдан зарар етказилганда;

4) алкоголли ичимлиқдан, гиёхвандлик ёки токсик модда таъсиридан мастилик ҳолатида зарар етказилганда;

5) ходимнинг суд хукми билан аниқланган жиноий ҳаракатлари натижасида зарар етказилганда;

6) тижорат сирлари ошкор этилганда;

7) қонунларда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси хукуматининг қарорларида назарда тутилган ҳолларда.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар фақат қасдан етказилган зарар учун, алкоголли ичимлиқдан, гиёхвандлик ёки токсик модда

тәсиридан мастилик ҳолатида ёки жиноят содир этиш натижасида етказилған зарар үтүн тұлық мөддий жағобгар бүлдилар.

205-модда. Иш берувчиппінг мол-мұлкігіне етказилған зарар миқдорини белгілаш.

Иш берувчига етказилған зарар миқдори ҳақиқий йүқстішілар бүйіча бухгалтерия ҳисоби маылумотлари асосида белгіланади.

Иш берувчининг асосий фондига (восита)ларига тааллуқли мол-мұлкігіне етказилған зарар миқдори мөддий қымматикларнинг баланс қийматидан (таниархидан) эскириш қийматини белгіланған мөъёрлар бүйіча чегириб ташланған ҳолда ҳисоблаб чиқарылади.

Иш берувчининг асосий воситаларига тааллуқли мол-мұлки талон-торож қилилғанда, камомад бўлған, қасдан йўқ қилинган ёки қасдан бузилған тақдирда, шунингдек бошқа ҳолларда зарар миқдори ваколатли идора томонидан иш кўрилған кун шу жойда амалда бўлган. Ўзор нархлари бўйича ҳисобланади.

Мол-мұлкнинг ва бошқа қымматдорликларнинг айрим турларини талон-торож қилиш, камомад ёки йўқ қилиш билан иш берувчига етказилған зарарнинг ҳақиқий миқдори унинг номинал миқдоридан ошиб кетсан ҳолларда бундай зарар миқдорини аниқлашнинг, шу жумладан, карралаш йўли билан ҳисоблаб чиқишнинг алоҳида тартиби қонун ҳужжатларида белгилаб кўйилиши мумкин.

207-модда. Зарарни уйдириши тартиби.

Ўргача ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаган миқдорда етказилған зарар суммаси айбдор ходимдан иш берувчининг фармоғишига мувофиқ уйдирилади. Фармоғиши зарар етказилғанлиги аниқланған кундан бошлаб бир ой ичидаги чиқарилиши мумкин.

Етказилған зарарнинг ходимдан уйдирилиши лозим бўлган миқдори унинг ўргача ойлик иш ҳақидан ошиб кетсан ёки зарар аниқланған кундан кейин бир ойни муддат ўтган бўлса, зарар суд тартибида уйдирилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 1999 йил 14 ишоддаги 746-ракамли давлат рўйхатига олинига “Идоравий бўйсуниш, мулкчилик ва хўжалик юритиши актидан қатын назар корхона, муассаса, ташкилотлар учун намунавий ички меҳнат тартиби қоидалари”.

1.4. Иш берувчининг мажбуриятлари:

... 1.4.6. Ходим меҳнат мажбуриятларини бажариши пайтида ходимга етказилған зарар ўринини қоплаши.

1.5. Ходимнинг мажбуриятлари:

... 1.5.4. Корхона мулкига тежамли муносабатда бўлиш лозим.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралдаги 48-қарори билан тасдиқланган “Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалишиши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланишини туфайли етказилган зарарни иш берувчи томонидан тўлаш қоидалари”.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ҳайъатининг 1996 йил 2 апрелдаги 2/4-рақамли қарорига илова.

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ҳайъатининг 1996 йил 2 апрелдаги 2/4-рақамли қарорига 3-илова. “Тўлиқ шахсий моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома намунаси”.

6. “Юридик шахслар томонидан касса операцияларини юритиш қоидалари”. 2 ва 3-иловалар.

7. “Ходимлар моддий жавобгарлиги билан боғлиқ ишларни судлар томонидан кўриб ҳал этилиш амалиёти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1990 йил 14 декабрдаги 5-ПЛ-90-қарори ва унга 1992 йил 13 ноябр, 1994 йил 7 январдаги ўзгартириш ва қўшимчалар.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги 7-рақамли “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни кўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори.

19-мавзу. Меҳнат муҳофазаси

Меҳнат тўғрисидаги барча қонунлар ходимларнинг меҳнат қилиш ҳукуқларини муҳофaza қиласи. Лекин бевосита меҳнатни муҳофaza қилишга – хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитини яратиш ва таъминлашга, меҳнатни муҳофaza қилиш қоидалари ва меъёрларига риоя этилишини назорат қилишга, бў қоида ва меъёрларни бузгани учун жавобгар бўлиш масалаларига бағишланган қонунчилик меъёрлари мавжуд.

Бу мавзуни ўрганишда талаба меҳнат муҳофазаси тушунчасини яхши тушунуб олиш, унинг меҳнат муносабатларидағи аҳамиятини англаб етишдан бошламоги лозим.

Меҳнат муҳофазасига оид тадбирлар мазмунини ишлаб чиқиши, ходимлар меҳнатини самарали рўёбга чиқарилишини ҳимоя қилишини, уларга меъёрий, соғлом меҳнат шароитлари яратиб беришининг асосий шартларидан саналади. Бозор иқтисоди

шароитида меҳнат муҳофазаси қоидаларига қатъий амал қилиш муҳим амалий аҳамият қасб этади.

Талаба ушбу мавзуи ўзлаштирищда меҳнат муҳофазасининг хукуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексида, “Меҳнат муҳофазаси тўғрисида”ги Қонунида ва бошқа қонун ҳужжатларида, корхонада қабул қилинадиган ички меъёрий ҳужжатларда белгиланишини билib олиши лозим.

Мулкчилик шаклидан ва хўжалик юритиш усулидан қатъи назар барча корхона, ташкилотлар томонидан меҳнатни муҳофaza қилиш юзасидан бажарилиши шарт бўлган талаблар стандартлар ишлаб чиқилган бўлиб, корхоналарда меҳнат муҳофазаси ҳақидаги қонуигчиликини таъминлашда улибу талабларнинг аҳамияти катта.

Талаба ушбу мавзу талабларини меҳнат муҳофазаси қоидалари ва меъёрларини, уларга риоя этилишини таъминлашда иш берувчининг, ходимининг хукуқлари ва мажбуриятлари нималардан иборат эканлигини билib олмоғи лозим.

Шунингдек, ходимларнинг айрим тоифалари, вояга етмаганилар, аёллар, ногирон ва бошқалар ҳамда айрим ишлар, касблар, иш жойларида банд бўлган ходимлар меҳнатини муҳофaza қилишга доир қўшимча чоралар ва қўшимча кафолатлар нималардан иборат эканлиги ўзлаштирилиб олинмоғи керак.

Талаба ишлаб чиқаришда баҳтсиз ҳодиса юз берганда уни ҳисобга олиш, текшириш, расмийлаштириш тартиблари қандайлигини, меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонунларни бузганилик учун корхоналарга, уларнинг мансабдор шахсларига қандай хукуқий жавобгарликлар юклатилиши мумкинлигини, меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонунларга амал қилиниши устидан олиб бориладиган назорат шакллари ва усусларини тўлиқ билмоғи шарт.

19-амалий машғулот режаси

1. Меҳнат муҳофазаси тушунчаси ва унинг асосий вазифалари. Меҳнат муҳофазасига оид асосий талаблар.
2. Корхоналарда меҳнат муҳофазасини ташкил этишининг асосий шакллари ва усуслари.
3. Ишлаб чиқаришдаги фалокатлар ва баҳтсиз ҳодисаларни текшириш ҳамда уларни ҳисобга олиб бориш тартиби.

Вазиятли масалалар

1-масала.

Бекобод металлургия комбинати мартен цехининг оператори Камолов цехда ҳаво ҳарорати одатдан юқори эканлигини, бу ҳол саломатлигига хавф түғдириши мумкинлигини айтиб ишни бошташдан бош тортди.

Иш берувчи Камолов ҳаракатини меҳнат интизомини бузиш деб баҳолади ва унга нисбатан интизомий жазо қўллади.

Камолов ушбу масала хусусида меҳнат низосини кўзгади ва жазони бекор қилишликни талаб қилди.

- Камоловни ҳаракатига баҳо беринг.
- Иш берувчининг жазо қўллаши тўғрими?

2-масала.

Тошкент тўқимачилик комбинати йигирув цехи ертўласида жойлашган ускуналарни созлаш пайтида таъмирчи-чилангар Иброҳимов газдан ҳимояланиш воситаси (противогаз) ишлашга ҳалақит бермоқда деб ҳисоблаб, уни ечиб ташлади ва ишлашда давом этди. Иш берувчи вакили техника хавфсизлиги бўлими муҳандиси Собиров ушбу ҳаракат учун Иброҳимовни ишдан четлаштириди ва унга интизомий жазо қўллашни талаб қилди.

- Иброҳимов ҳаракати қонун талабларига тўғри келадими?
- Техника хавфсизлиги бўлими ходими талаби қонунийми?

3-масала.

Корхонада юз берган баҳтсиз ҳодиса туфайли Саломов тан жароҳати олди ва меҳнат қобилиятини узоқ муддаттга йўқотди.

Саломов корхона иш берувчисидан юз берган далолатнома нусхасини берилишини талаб қилди. Аммо иш берувчи баҳтсиз ҳодиса юз беришига Саломовнинг ўзи томонидан йўл қўйилган кўпол эҳтиёғсизлик сабаб бўлганлигини айтиб, бундай ҳолда далолатнома тузилмаслигини кўрсатди.

- Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.
- Саволни аниқ қилиб кўрсатинг.

Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодекси. Т., “Адолат”, 1999.

211-модда. Мехнатни муҳофаза қилиш талаблари.

Барча корхоналарда хавфсизлик ва тозалик талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитлари яратилган бўлиши керак. Бундай шароитларни яратиб бериш иш берувчининг мажбуриятига киради.

Мехнатни муҳофаза қилиш талаблари ушбу Кодекс, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, шунингдек, техника стандартлари билан белгиланади.

Иш берувчи меҳнат муҳофазаси талабларини бузганлик учун жавобгар бўлади.

212-модда. Ходимнинг меҳнатни муҳофаза қилиш меъёрлари, қоида ва йўриқномаларига риоя этиш мажбурияти.

Ходим меҳнатни муҳофаза қилиш меъёрларига, қоида ва йўриқномаларига, шунингдек, маъмуриятнинг ишни хавфсиз олиб бориш ҳақидаги фармойишларига риоя қилиши, олинган шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиши, инсонлар ҳаёти ва соғлигига бевосита хавф соладиган ҳар қандай ҳолат ҳақида, шунингдек, иш жараёнида ёки у билан боғлиқ ҳолда содир бўлган ҳар қандай баҳтисиз ҳодиса ҳақида ўзининг бевосита раҳбари (бригадири, устаси, участка бошлиги ва б.) дарҳол хабардор қилиши шарт.

213-модда. Ходимнинг меҳнатни муҳофаза қилиш ҳақида маълумот олиши хуқуқи.

Иш берувчи меҳнат шартномаси тузишда, бошқа ишга ўтказишида ходимни меҳнат шароитлари тўғрисида, шу жумладан, касб касалликлари ва бошқа касалликларга чалиниши эҳтимоли, шу билан боғлиқ ҳолда унга бериладиган имтиёз ва товоонлар, шунингдек, шахсий ҳимоя воситалари ҳақида хабардор қилиши керак.

Иш берувчи ходимларга ёки уларнинг вакилларига муайян иш жойидаги ва ишлаб чиқаришдаги меҳнатни муҳофаза қилишининг ҳолати ҳақида ҳам ахборот бериши шарт.

214-модда. Тиббий кўрик.

Иш берувчи меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки тарзда ва кейинчалик (иш давомида) вақти-вақти билан куйидаги ходимларни тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил қилиши шарт:

ўн саккиз ёшга тўлмаганлар;

олтмиш ёшга тўлган эрқаклар, эллик беш ёшга тўлган аёллар; ногиронлар;

мехнат шароити ноҳуладай ишларда, тунги ишларда, шунингдек транспорт ҳаракати билан боғлиқ ишларда банд бўлганлар;

озиқ-овқат саноатида, савдо ва бевосита аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлардаги ишларда банд бўлганлар;

умумтаълим мактаблари, мактабгача тарбия ва бошқа муассасаларнинг бевосита болаларга таълим ёки тарбия бериш билан машғул бўлган педагог ва бошқа ходимлари.

Меҳнат шароити ноқулай ишлар ва бажариллаёттанида дастлабки тарзда ва вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтилиши лозим бўлган бошқа ишларнинг рўйхати ва уларни ўтказиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмida кўрсатилган ходимлар тиббий кўриклардан ўтишдан бўйин товлашга ҳақли эмаслар. Тиббий кўриқдан ўтишдан ёки тиббий комиссияларнинг текширувлар натижасида берган тавсияларни бажаришдан бўйин товлаган ходимларни иш берувчи ишга қўймасликка ҳақлидир.

Ходимларнинг меҳнатидан уларнинг саломатлик ҳолатига тўғри келмайдиган ишларда фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Агар ходим ўз соғлигининг ҳолати меҳнат шароити билан боғлиқ ҳолда ёмонлашган деб ҳисобласа, у навбатдан ташқари тиббий кўриқдан ўтказишини талаб қилишга ҳақлидир.

Тиббий кўриклардан ўтиш муносабати билан ходимлар чиқимдор бўлмайдилар.

215-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар бериш ва ўқитни.

Ходимлар техника жағфисизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси, ёнғин, чиқишдан сақланиш ва меҳнатни муҳофаза қилишининг бошқа қоидалари ҳақида йўл-йўриқлар бериш ҳамда ходимлар томонидан меҳнатни муҳофаза қилишининг ҳамма талабларига риоя этилишини доимий равища текшириб бориш вазифаси иш берувчи зиммасига юклатилиди.

Иш берувчи ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқишларини таъминлаши ва уларнинг билимларини текшириб туриши шарт.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқувдан, йўл-йўриқдан ўтмаган ва билимлари текширилмаган ходимларни ишга қўйиш тақиқланади.

216-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига ажратиладиган маблаглар.

Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказиш учун белгиланган тартибда маблағлар ва зарур материаллар ажратилиди. Бу маблағ ва материалларни бошқа мақсадларга сарфлаш ман этилади. Мазкур маблағ ва материаллардан фойдаланиш тартиби жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўргасидаги келишувга биноан белгиланади.

Меҳнат жамоалари, уларнинг вакиллик органлари меҳнатни муҳофаза қилишга мўлжалланган маблағлардан фойдаланишини текшириб борадилар.

217-модда. Ходимларни сут, даволаш-соғломлаштириш озиқ-овқатлари, газли шўр сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш.

Меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимлар белгиланган меъёrlар бўйича:

- сут (унга тенгланаштирилган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари);
- даволаш-соғломлаштириш озиқ-овқатлари;
- газли шўр сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун);
- махсус кийим – бош кийим, маҳсус пойабзal, бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан бепул таъминланадилар.

Бундай ишларнинг рўйхати, бериладиган нарсаларнинг меъёrlари, таъминот тартиби ва шартлари жамоа келишувларида, жамоа шартномаларида, агар улар тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан ходимларнинг вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

218-модда. Соғлиги ҳолатига кўра енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказиш.

Соғлиги ҳолатига кўра енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган камроқ ҳақ тўланадиган ишга ўтказилганда шундай ишга ўтказилган кундан бошлаб икки ҳафта давомида ходимларнинг аввалги ўртacha ойлик иш ҳақи сақданади.

Сил касаллиги ёки касб касаллигига чалинганилиги сабабли камроқ ҳақ тўланадиган бошқа ишга вақтинча ўтказилган ходимларга шу ишга ўтган вақт учун, лекин икки ойдан ортиқ

бұлмаган муддат давомида касаллик варақаси бүйича янги ишда бериладиган иш ҳақыга құшилғанда ходимнинг аввалги ишидаги тұлық иш ҳақыдан ошиб кетмайдын миқдорда нафақа тұланади. Башарти касаллик варақасыда күрсатылған муддатда иш берувчи бошқа иш топиб беролмаган бұлса, у ҳолда шунинг оқибатида бекор үттан күнлар учун нафақа умумий асосларда тұланади.

Иш билан боғлиқ ҳолда мәхнатда майиб бұлғанлығи ёки соғлигига бошқа тарзда шикаст етказилғанлығи муносабати билан вақтингча камроқ ҳақ тұланадиган ишта үтказилған ходимларға уларнинг соғлигига шикастланғанлығи учун жавобгар бұлған иш берувчи аввалги иш ҳақи билан янги ишда оладиган иш ҳақи үртасидаги фарқини тұлайди. Бундай фарқ мәхнат қобилияты тикланғунта қадар ёки ногиронлығы белгіланғунға қадар тұланади.

Қонун ұхжатларыда соғлиги ҳолатига күра енгилроқ ёки нокулай ишлаб чиқариш омиларининг таъсирини ҳоли этадиган камроқ ҳақ тұланадиган ишта үтказилғанда аввалги үртача ойлык иш ҳақини сақлаб қолишининг ёки давлат ижтимоий суғуртаси бүйича нафақа тұлаб туришининг бошқача ҳоллари назарда тутилиши мүмкін.

219-модда. Ходимнинг үз ҳаёти ёки соғлигига таҳдид солаёттап ишши бажарышни рад этиш қуқуқи.

Ходим иш жарапында үзининг ҳаёти ёки соғлигига таҳдид солувчи ҳолатлар юзага келиб қолғанлығы тұғрисида иш берувчига дархол хабар қылади. Мәхнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилишини текшириб бориш ва назорат қилиш билан шу ғулланувчи органлар ана шу ҳолатларни тасдиқлаган тақдирда иш берувчи бу ҳолатларни бартараф этиш чораларини күради. Агар зарур чоралар күрілмеса, ходим үзининг ҳаёти ёки соғлигига таҳдид солувчи ҳолатлар бартараф этилғунға қадар тегишли ишни бажарышни рад этишта ҳақпидир. Ана шу давр мобайнида ходимнинг үртача иш ҳақи сақланади.

220-модда. Ногиронлар мәхнатини муҳофаза қилишининг күшімчы чоралари.

Иш берувчи белгіланған квота ҳисобидан иш жойларига ишта жойлаштириш тартибида маҳаллій мәхнат органдың томонидан ғүлланған ногиронларни ишта қабул қилиши шарт.

ТМӘКнинг ногиронларға тұлиқсиз иш вақти режими үрнатыш, уларнинг вазифасының камайтириш ва мәхнатнинг бошқа шартлары ҳақидаги тавсияларни бажарып иш берувчи учун мажбурийдір.

I ва II гуруҳ ногиронларига меҳнатта ҳақ тўлаш камайтирилмаган ҳолда иш вақтининг ҳафтасига ўтгиз олти соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланади.

I ва II гуруҳ ногиронларига ўтгиз календар кундан кам бўлмаган муддат билан йиллик узайтирилган асосий таътил берилади.

Ногиронларни тунги вақтдаги ишларга, шунингдек иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидағи ишларга жалб қилишга уларнинг розилиги билангина, мабодо улар учун бундай ишлар тиббий тавсияларда тақиқланмаган бўлса, йўл қўйилади.

221-модда. Ходимларга дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш ва уларни даволаш-соғломлаштириш муассасаларига олиб бориш.

Иш берувчи иш ўрнида касал бўлиб қолган ходимларга дастлабки тиббий ёрдам кўрастишга қаратилган чоралар кўриши шарт.

Иш жойида оғриб қолган ходимларни даволаш-соғломлаштириш муассасаларига олиб бориш, зарур ҳолларда, иш берувчининг ҳисобидан амалга оширилади.

222-модда. Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ҳисобга олиб бориш ва текшириш.

Иш берувчи ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ўз вақтида текшириши ва ҳисобга олиб бориши шарт.

Жабрланувчининг талабига биноан текширув тутагин кундан эътиборан узоги билан уч кун ичida иш берувчи шу баҳтсиз ҳодиса тўғрисида далолатнома бериши шарт.

223-модда. Меҳнатни муҳофаза қилишининг ҳолати устидан назорат қилиш ва текширув ўтказиш.

Меҳнатни муҳофаза қилишининг ҳолати устидан давлат назорати ва текширувни давлат органлари амалга оширадилар.

Меҳнатни муҳофаза қилишининг месъёр ва қоидаларига риоя этилиши устидан жамоат текширувни касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари амалга оширадилар.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Конуни. Ўзбекистон Республикасининг янги конунлари, 1993 йил, 8-сон.

8-модда. Меҳнат муҳофазасини месъерий таъмишлаш

Корхоналарнинг ишловчилари республиканинг тегишли қонунлари ва месъерий хужжатлари, жамоа шартномалари билан белгиланган меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва месъёрлари талабларига риоя этишлари шарт.

11-модда. Корхоналарда меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш.

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш юзасидан маъмурият билан ходимларнинг ўзаро мажбуриятлари жамоа шартномаси ёки битимида кўзда тутилади.

16-модда. Ишга қабул қилишда меҳнатни муҳофаза қилиш хукуқи кафолатлари.

Меҳнат шартномаси (битими) шартлари меҳнатни муҳофаза қилишга оид қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ бўлиши шарт.

Фуқароларнинг ходимни саломатлигига зид бўлган ишга қабул қилиш ман қилинади.

Маъмурият ходимни касб касаллигининг пайдо бўлиш эҳтимоли юқори даражада эканлиги олдиндан аён бўлган ишга қабул қилаётганида уни бу ҳақда огоҳлантириши шарт.

17-модда. Мажбурий тиббий кўриклар.

Корхона соғлиқни сақлаш идорлари томонидан белгиланган тартибга мувофиқ равишда бир қатор касблар ва ишлаб чиқаришларнинг ходимларини меҳнат шартномасини имзолаш пайтида – дастлабки тарзда ва меҳнат шартномаси амал қиласидан даврда вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил қилиши шарт. Ходимлар тиббий кўриклардан ўтишдан бош тортисга ҳақли эмаслар.

Ходимлар тиббий кўрикдан ўтишдан бош тортсалар ёки ўтказилган текширишларнинг натижалари бўйича тиббий комиссиялар берадиган тавсияларни бажармасалар, маъмурият уларни ишга қўймаслик хукуқига эгадир.

Ходим, агар у ўзининг саломатлиги ёмонлашиши меҳнат шароити билан боғлиқ деб ҳисобласа, навбатдан ташқари тиббий кўрик ўтказилишини талаб қилиш хукуқига эга.

Тиббий кўрикларни ўтказиш пайтида ходимнинг иш жойи (лавозими) ва ўргача иш ҳақи сақланади.

18-модда. Меҳнат фаолияти жараёнида меҳнатни муҳофаза қилиш хукуқиниң кафолатлари.

Маъмурият меҳнатни муҳофаза қилишининг замонавий воситаларини жорий этиши ва ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ҳамда касб касалликларининг олдини оладиган санитария-гигиена шароитларини таъминлаши шарт.

Ходимнинг саломатлиги ёки ҳаётига хавф тутдирувчи вазият пайдо бўлганда, у бу ҳақда зудлик билан маъмуриятта хабар

қилади, бу ҳол назорат органлари томонидан тасдиқланган тақдирда маъмурият ишни тұхтатиши ва хавфни бартараф этиш чорасини күриши шарт. Маъмурият томонидан зарур чоралар күрілмаган тақдирда, ходим ишни хавф бартараф этилгунга қадар тұхтатиб туришга ҳақылайдыр ва унға ҳеч қандай интизомий жазо берилмайды.

Маъмурият, агар меҳнатни муҳофаза қилиш инспекцияси томонидан тасдиқланган, ходимнинг ҳаёти ва саломатлиги учун тұғридан-тұғри жиғдій хавф ҳамон сақланиб турған бўлса, ундан ишни қайта бошлашни талаб қилишга ҳақыл эмас ва ходимга иш тұхтатиб турилган бутун давр учун барча моддий зиённи тұлаши шарт.

Маъмурият меҳнатни муҳофаза қилиш тұғрисидаги қонунларни бузган ва бу назорат қилувчи идоралар томонидан тасдиқланган тақдирда, меҳнат шартномаси ходимнинг аризасига кўра, унға ишдан бўшаганда бериладиган пул тұланғани ҳолда исталған пайтда бекор қилиниши мумкин.

Ходимда касб касалити белгилари аниқланған тақдирда маъмурият тиббий хulosаса асосида уни ихтисосини ўзgartирғунға ҳадар ўртача ойлик иш ҳақи сақланған ҳолда бошқа ишге ўтказиши лозим.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли соғлигини сақлаш тұғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари, 1996.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Санитария назорати тұғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари, 1993, 7-сон.

5. Турсунов Й. “Меҳнат ҳукуқи”. Т., “Молия”, 1999.

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил
6 июндаги 286-рақамли қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар
саломатлигигининг бошқа хил заарланишини текшириш
ва ҳисобга олиш түғрисида**

Н И З О М*

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларда, шунингдек, меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган барча фуқароларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳолда юз берган ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил заарланишини текшириш ва ҳисобга олишнинг ягона тартибини белгилайди.

Мазкур Низом:

ишлаб чиқаришда ишлаётган даврида суд ҳукми бўйича жазони ўтаётган фуқароларга;

иш берувчиларга;

пудрат ва топшириқларга кўра фуқаролик-ҳуқуқий контрактлар бўйича ишларни бажараётган шахсларга;

табиий ва техноген тусдаги фавқулотда вазиятларни бартараф этишда қатнашаётган фуқароларга;

агар маҳсус давлатлараро битимда ўзгача ҳол кўрсатилмаган бўлса, ёлланиб ишлаётган чет эл фуқароларига;

Курилиш, қишлоқ ҳўжалиги ва ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ бўлмаган ўзга ишларни бажариш учун корхонага юборилган ҳарбий хизматчиликларга, шу жумладан, муқобил хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиликларга;

корхонила ишлаб чиқарин амалиётини ўтаётган талабалар ва ўқувчиларга ҳэм татбиқ этилади.

*Кўнгилмалар

Изоҳ: Олгий ўқув юртлари талабалари, коллежлар, ўрта махсус ўқув юртлари, лицейлар, хунар-техника билим юртлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари билан ўқув-тарбия жараёнида юз берган баҳтисиз ҳодисалар Меҳнат вазирлиги билан келишилган ҳолда Ҳалқ таълими вазирлиги томонидан белтиланган тартибда текширилади ва ҳисобга олинади.

2. Корхона ҳудудида ва унинг ташқарисида меҳнат вазифасини бажараёттанды (шунингдек, хизмат сафарларида) юз берган жароҳатланиш, заҳарланиш, куйиш, чўкиш, электр токи ва яшин уруши, ўта иссиқ ёки совуқ ҳарорат таъсири, портлаш, фалокат, иморатлар, иншоотлар ва конструкциялар бузилиши натижасида ҳамда судралиб юрувчилар, ҳайвонлар ва ҳашаротлар томонидан шикастланишлар, шунингдек, табиий оғатлар (ер қўмирлаши, ўпирлишлар, сув тошқини, тўфон ва бошқалар) натижасида саломатликнинг бошқа ҳил зарарланишлари;

иш берувчи топшириқ бермаган бўлса ҳам, лекин корхона манфаатларини кўзлаб қандайдир ишни амалга ошираёттандаги;

автомобил, темир йўл, ҳаво йўллари, дengiz ва дарё транспортида, электр транспортида йўл ҳаракати ҳодисаси натижасида;

корхона транспортида ёки шартнома (буортма)га мувофиқ ўзга ташкилотлар транспортида ишга кетаёттан ёки ишдан қайтаёттанида;

иш вақтида шахсий транспортда, уни хизматта оид сафарларда ишлатиши хукуқи берилганлик ҳақида иш берувчи фармойиши бор бўлгандаги;

меҳнат фаолияти хизмат кўрсатиш обьектлари орасида юриши билан боғлиқ иш вақтида жамоат транспортида ёки пиёда кетаёттандаги;

шанбалик (якшанбалик) ўтказилаёттанида, қаерда ўтказилишидан қатъи назар, корхоналарга оталиқ ёрдами кўрсатиляёттандаги;

иш вақтида меҳнат вазифасини бажараёттанды бошқа шахс томонидан тан жароҳати етказилганда;

сменали дам олишида бўлган ходим билан транспорт воситаси вахтадаги шаҳарча ҳудудида ёки ёлланган хона (ҳудуд)дати (кузатиб борувчи, рефрижератор бригадаси ходими, сменали ҳайдовчи, дengiz ва дарё кемалари ходимлари, шунингдек, вахта ва

экспедиция усулида ишилаёттандар ва бошқалар) баҳтсиз ҳодисалар текширилади ва ҳисобга олинади.

3. Табиий ўлим, ўзини ўзи ўлдириш, жабрланувчининг ўз саломатлигига қасдан шикаст етказиши, шунингдек, жабрланувчининг жиноят содир қилиш чогида шикастланиши ҳолатлари (суд-тиббий экспертиза хulosаси ёки тергов органларининг маълумотларига кўра) текширилмайди ва ҳисобга олинмаиди.

4. Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса натижасида ходимнинг меҳнат қобилияти камидан бир кунга йўқотилса ёки тиббий хulosага мувофиқ сигнироқ бошқа ишга ўтиши зарур бўлса, Н-1 шаклдаги далолатнома билан расмийлаштирилади (1-илова)*.

Иш берувчи иш тутаганидан сўнг 3 сутгадан кечиктирмай жабрланувчига ёки унинг манфаатларипи ҳимоя қилувчи шахсга давлат тилда ёки бошқа мақбул тилда расмийлаштирилган баҳтсиз ҳодиса тўғрисидаги Н-1 шаклдаги далолатномани бериши керак.

5. Иш берувчи ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни тўғри ва ўз вақтида текшириш ҳамда ҳисобга олиш, Н-1 шаклдаги далолатномани тузиш, баҳтсиз ҳодиса сабабларини бартараф этиш чора тидбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун жавобгардир.

6. Ишлаб чиқариш баҳтсиз ҳодисаларипи тўғри ва ўз вақтида текшириш ва ҳисобга олишни, шунингдек, баҳтсиз ҳодиса келиб чиқиш сабабларини бартараф этишга оид чора-тадбирларининг бажарилишини корхонанинг юқори турувчи хўжалик органи, касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларининг бошқа вакиллик органи, давлат меҳнат техника назоратчиси, касаба уюшмаларининг меҳнат техник назоратчиси (Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига аъзо ташкилотларда), “Ўзсаноатконтехнозорат” давлат кўмитаси органи (назорат остидаги обьектларда) назорат қиласи.

7. Иш берувчи Н-1 шаклидаги далолатномани тузишдан бош тортса, жабрланувчи ёки унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи шахс Н-1 шаклидаги далолатнома мазмунидан норози бўлса, жабрланувчи ёки унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи шахс корхона касаба уюшмаси кўмитаси ёки корхона ходимларининг бошқа вакиллик органига мурожаат қиласи.

Касаба уюшмаси кўмитаси ёки корхона ходимларининг бошқа вакиллик органи 10 кун муддат ичидан баҳтсиз ҳодисанинг келиб чиқилип сабабларини ўрганиб чиқади, меҳнатни муҳофаза қилиш

қоидалари ва меъёрлари, меҳнат хавфсизлиги андозалари бузилишини аниқлаїди, зарур деб ҳисобласа, иш берувчидан Н-1 шаклдаги далолатномани тузишни ёки қайта тузишни талаб қылади. Иш берувчи бу талабларни бажармаса, корхона касаба уюшмаси күмитаси ёки бошқа вакиллик органи давлат меҳнат техника назоратписига мурожат қылади.

8. Н-1 шаклдаги далолатнома тузилмаганligи ёки нотүгри тузилгалиги аниқланған ҳолтарда давлат меҳнат техника назоратчиси иш берувчидан Н-1 шаклдаги далолатномани тузишни ёки бошқатдан тузишни талаб қилиш хүкүкіга әгадир. Иш берувчи давлат меҳнат техника назоратчиси холосасини бажарыпша мажбур.

9. Иш берувчи билан давлат меҳнат назоратчиси ўртасидаги англашылмовчилерни бош давлат меҳнат техника назоратчиси ҳал қылади.

II. Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисани ва ходимлар саломатлыгини бошқа ҳыл зааралапипиларини текшириш ва ҳисобга олиш тартиби

1. Ишлаб чиқаришдаги ҳар бир баҳтсиз ҳодиса ҳақида жабрланувчи ёки гувоҳ даржол бўлинма (цех) раҳбарига хабар бериши керак, у эса:

жабрланувчига зудлик билан биринчи ёрдам кўрсатиш ва уни тиббий-санитария қисмига, бошқа даволаш муассасасига ўтказишни ташкил этиши;

текшириши комиссияси иш бошланишига қадар иш жойидаги вазиятни ва жиҳозлар ҳолатини ҳодиса юз берган дақиқада қандай бўлса, шундайлигича (агар бу атрофлаги ходимлар ҳаёти, саломатлигига таҳтика солмаётган бўлса ва ҳалокатга олиб келмас) сақлаб қолиши;

баҳтсиз ҳодиса юз берган жойдаги корхона (цех) раҳбари даржол ҳодиса тўғрисида иш берувчига ва касаба уюшмасига ёки корхона ходимларининг бошқа вакиллик органига хабар қилишиш шарт.

2. Корхона тиббий-санитария қисми (шифлохона, поликлиника) бир сутка ичida ёрдам сўраб мурожат қилган ходимлар, шу жумладан, хизмат сафаридаги ва корхона ишлаб чиқарини обьектларида иш бажараётган хорижий ташкилот ходимлари билан юз берган ҳар бир баҳтсиз ҳодиса ҳақида иш берувчига ва касаба уюшмасига ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органига хабар беради.

3. Иш берувчининг буйруғига кўра иш берувчи ва касаба ўюшмаси қўмитаси вакиллари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи таркибида комиссия тузилади.

Ишлаб чиқаришдаги меҳнат хавфсизлигига бевосита жавоб берувчи раҳбар баҳтсиз ҳодисани текширицида иштирок этмайди.

Комиссия:

уч сутка ичидаги баҳтсиз ҳодисани текшириб чиқиши, гувоҳлар ва меҳнат муҳофазаси қоидалари, меҳнат хавфсизлиги андозаларини бузишга йўл қўйган шахсларни аниқлаб сўроқ қилиш, имкони бўлса, жабрланувчидан тушинтириш хати олиши;

баҳтсиз ҳодисани йўқотиш чора-тадбирлари кўрсатилган Н-1 шаклдаги далолатномани уч нусхада тузиши ва имзо чекиб, уларни тасдиқлаш учун иш берувчига бериши керак.

4. Иш берувчи ишлаб чиқаришда баҳтсиз ҳодисани келтириб чиқарган сабабларни бартараф этиш чораларини кўради ва текшириш тамом бўлгандан сўнг уч сутка давомида тасдиқланган Н-1 шаклдаги далолатномани;

жабрланувчида ёки унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи шахсга, текшириш материаллари билан бирга корхона меҳнатни муҳофaza қилиш хизмати раҳбари (муҳандиси, мутахассиси)га, давлат меҳнат техника назоратчисига юборади.

Н-1 шаклдаги далолатнома билан расмийлаштирилган баҳтсиз ҳодисалар корхона томонидан ҳисобга олинади ва дафтарда қайд қилинади (2-илова)*.

Иш берувчи Н-1 шаклдаги далолатнома нусхаларини, касаба ўюшмаси қўмитасига ёки корхона ходимларнинг бошқа вакиллик органларига, “Ўзсаноатконтехназорат” давлат қўмитаси вакилига, агар баҳтсиз ҳодиса назорати остидаги корхоналар (объектлар)да юз берган бўлса, юқори турувчи хўжалик органига, тегишли вазирлик (корпорация, уюшма, концерн)га ҳам уларнинг талабларига мувофиқ юбориши шарт.

Мазкур бўлимнинг 7, 10, 11, 12, ва 13-баандларида кўрсатилган ҳолларда Н-1 шаклдаги далолатнома тўрт нусхада тузилади ва тасдиқланади. Меҳнатни муҳофaza қилиш хизмати раҳбари (муҳандиси, мутахассиси)га текшириш материаллари билан юборилган Н-1 шаклдаги далолатнома 45 йил давомида сақланиши лозим. Бошқа жойларга юборилган Н-1 шаклдаги далолатномалар ва унинг нусхалари эҳтиёж йўқолтунча сақланиади.

5. Агар корхона қайта ташкил этилса Н-1 шаклдаги далотномалар ҳукуқий ворисга корхонанинг бошқа қимматли

қоғозларини топшириш тартибидә берилади. Агар корхона тутатылса Н-1 шактдаги далолатнома корхонанинг юқори турувчи хұжалик органига берилади. Агар корхонада юқори турувчи хұжалик органи бүлмаса, унда Н-1 шактдаги далолатнома, вилоят (Қарақалпогистон Республикасы, Тошкент шаҳар) пенсия жамғармаси бўлимига берилади.

6. Жабрланувчи ва гувоҳлар иш вақти давомида иш берувчига хабар бермаганлыги ёки иш қобилияти дарҳол йўқолмаганлыги тўғрисидаги баҳтсиз ҳодисалар жабрланувчининг ёки унинг манфаатларининг ҳимоя қилувчи шахснинг аризасига, шунингдек, (бош) давлат меҳнат техника назоратчисининг талабига биноан ариза берилган ёки кўрсатма олинган кундан бошлаб бир ой мудат ичидә текширилади. Н-1 шактдаги далолатноманинг тузиш масаласи баҳтсиз ҳодиса тўғрисидаги ариза ҳар томонлама, барча шартшароитлар, гувоҳларнинг кўрсатмалари ва бошқа далиллар ҳисобга олинган ҳолда текширилгандан сўнг ҳал этилади.

7. Бошқа ташкилот томонидан ўша ташкилот топширигини бажариш учун ёки хизмат вазифасини адо этиш учун мазкур корхонага жўнатилган ҳодим билан юз берган баҳтсиз ҳодиса шу баҳтсиз юз берган корхона иш берувчиси томонидан тузилган комиссия томонидан жабрланувчи ишлайдиган ташкилот вакили иштирокида текширилади.

Н-1 шактдаги далолатноманинг 3-бандида ҳодимни йўллаган ташкилот номи кўрсатилиади. Баҳтсиз ҳодиса жабрланувчи қайси ташкилот ҳодими бўлса ўша ташкилот томонидан ҳисобга олинади.

Изоҳ: “Ўзсаноатконтехназорат” давлат қўмитаси органи тизимидағы бошқа корхона ҳодими билан юз берган баҳтсиз ҳодиса юз берган корхона (объект) қайси орган назорати остида бўлса, шу орган томонидан ҳисобга олинади.

Баҳтсиз ҳодиса юз берган корхона Н-1 шактдаги далолатноманинг бир нусхасини баҳтсиз ҳодиса сабабларини бартараф этиш учун ўзида олиб қолади, қолган 3 та тасдиқланган нусхасини жабрланувчи ҳодими бўлган ташкилотта, ҳисобга олиш, сақлаш ва 4-бандда кўрсатиб ўтилган манзилларга жўнатиш учун юборилади.

8. Иш берувчи томонидан вақтинча бошқа ташкилотта ишга ўтказилган ёки ўриндошлик бўйича ишлайдиган ҳодим билан баҳтсиз ҳодиса юз берса, у шу ташкилот томонидан текширилади ва ҳисобга олинади.

**Ўлим билан тутаган бахтсиз ҳодисалар;
оқибати оғир бахтсиз ҳодисалар.**

Изоҳ: Шиккетланганинг оғирдиги даражаси тўғрисидаги тиббий хуносани даволаш мувассасаси беради.

1. Гурухий ўлим билан тутаган ва оқибати оғир бахтсиз ҳодиса тўғрисидаги иш берувчи дарҳол схемага биноан (3-илова) кўйидагиларга ҳабар бериши керак

давлат меҳнат техника назоратчигига;

юқори турувчи ҳўжалик органига;

Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат вазирлигига, вилоят (Тошкент шаҳар) меҳнат бошқармасига;

бахтсиз ҳодиса юз берган ердаги прокуратурага;

бахтсиз ҳодисага учраган ходимни юборган ташкилотта;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлигига;

“Ўсаноатконтехназорат” давлат қўмитасининг маҳаллий органига, агар бахтсиз ҳодиса назорати остидаги корхона (объект)да юз берган бўлса;

вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар) касаба уюшмалари кенгаши, агар бахтсиз ҳодиса Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига яъзо ташкилотда юз берган бўлса.

3. Гурухий, ўлим билан тутаган ва оқибати оғир бахтсиз ҳодисани вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар) меҳнат бошқармаси бўйргуга асосан кўйидаги таркибдаги комиссия маҳсус текширади.

Раис – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят (Тошкент шаҳар) (бош) давлат меҳнат техника назоратчisi ёки “Ўсаноатконтехназорат” давлат техника назорати остидаги корхона (объект) вакили;

яъзолар – юқори турувчи ҳўжалик органи вакили, иш берувчи, II бўйимнинг 7, 10, 11, 12 ва 13-кичик бандларида кўзда тутилган ҳолларда жабрланувчининг асосий иш жойи касаба уюшмаси қўмитаси ёки корхона ходимларининг бошқа вакиллик органи раиси ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига яъзо ташкилотда юз берган ҳолларда, касаба уюшмаларининг меҳнат (бош) техник назоратчisi.

“Ўсаноатконтехназорат” давлат қўмитаси органи назорати остидаги корхона (объект)ларда юз берган гурухий, ўлим билан

тугаган ва оқибати оғир баҳтсиз ҳодисани тегишили Давлат меҳнат техника назорат билан келишилган ҳолда “Ўсаноатконтехназорат” давлат қўмитасининг республика ёки маҳаллий органлари буйруги асосида тузилган комиссия, юқори турувчи хўжалик органи вакили иштирокида текшириди. Комиссия раиси қилиб шу орган вакили тайинланади. Комиссия таркибига (бош) давлат меҳнат техника назоратчиси киради.

Гурухий, ўлим билан тугаган ва оқибати оғир баҳтсиз ҳодисалар юз берганда Н-1 шаклдаги далолатнома комиссия томонидан маҳсус текшириш далолатномаси тузилгандан сўнг бир сутка ичida комиссия хulosаларига мувофиқ расмийлаштирилади.

Икки-тўрт киши билан тугаган баҳтсиз ҳодисаларни маҳсус текшириш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги буйругига асосан қўйидаги таркибдаги комиссия томонидан олиб борилади:

раис – Ўзбекистон Республикаси (бош) давлат меҳнат техника назоратчиси;

аъзолар – юқори турувчи хўжалик органдарни раҳбарларидан бири, иш берувчи, касаба уюшмаси қўмитаси ёки корхона ходимларининг бошқа вакилилик органи раиси.

“Ўсаноатконтехназорат” далат қўмитаси органи назорати остида бўлган корхона (объект)даги шунга ўтсан баҳтсиз ҳодиса Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги Давлат меҳнат техника назорати билан келишилган ҳолда “Ўсаноатконтехназорат” давлат қўмитаси буйруги асосида тузилган комиссия томонидан юқори турувчи хўжалик органдарни раҳбари иштирокида текширилади. Комиссия раиси қилиб, “Ўсаноатконтехназорат” давлат қўмитаси органдарни раҳбарларидан бири тайинланади. Ўзбекистон Республикаси (бош) давлат меҳнат техника назоратчиси комиссия таркибига киради.

Агар баҳтсиз ҳодиса Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгашига аъзо ташкилотда юз берса, у ҳолда касаба уюшмаларининг бош меҳнат техник назоратчиси техник таркибига киригилади.

Беш ва ундан зиёд киши ўлган баҳтсиз ҳодисалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида тузилган комиссия томонидан текширилади.

4. Маҳсус текшириш комиссияси 15 кун мобайнида баҳтсиз ҳодисани текшириб чиқади, корхона (булум, цех)даги меҳнатни муҳофаза қилиш аҳволини, агар зарур бўлса, тармоқнинг бошқа корхоналарида ҳам текширишини ташкил этади, маҳсус текшириш далолатномасини тузади (4-илюва) ҳамда III бўлимнинг 7-бандида кўзда тутилган бошқа хужжатларни расмийлаштиради.

Комиссия аъзолари жабрланувчилар ёки уларнинг оила аъзолари билан учрашувлар ташкил этадилар, зарур бўлса тегишли органларга таклифлар киритадилар ёки ижтимоий тусдаги ёрдам масалаларини жойида ҳал қиласидилар, жабрланувчига ёки ўлганинг оила аъзоларига уларнинг хукуқларини тушунтирилади.

Касаба уюшмаларининг (бош) меҳнат назоратчиси бу масала бўйича ўзининг алоҳида фикрини билдириши мумкин.

5. (Бош) давлат меҳнат техника назоратчиси маҳсус текшириш комиссияси чиқарган холосалардан норози бўлса, шунингдек, у зарур деб хисобланган бошқа ҳолларда ўз холосасини чиқаради (5-илюва).

IV. Бахтсиз ҳодисалар тўғрисида ҳисобот ва уларнинг келиб чиқиши сабаблари таҳдили

1. Н-1 шаклидаги далолатнома бўйича расмийлаштирилган барча бахтсиз ҳодисалар ҳисоботта киритилади.

2. Н-1 шаклидаги далолатномалар асосида иш берувчи ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар чогида жабрланувчилар тўғрисидаги статистик органи тасдиқланган шаклларда ҳисобот тайёрлайди ва уни тегишли ташкилотларга белгиланган тартибда тақдим этади.

3. Иш берувчи ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни сабабларини таҳдил қилиши, уларнинг меҳнат жамоасида кўриб чиқилишини таъминлаши ва ишлаб чиқаришда жароҳатланишининг олдини олишга оид чора-тадбирларни амалга ошириши шартдир.

4. Вазирлик, корпорация, уюшма, концерн барча бахтсиз ҳодисаларнинг ҳисобини ва таҳдилини олиб боради, уни ўзига қарашли корхоналар ва ташкилотларга мальумот учун юборилади. Тегишли касаба уюшмаси ёки бошқа вакиллик органи билан келишилган ҳолда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга оид чора-тадбирлар ишлаб чиқади ва уларнинг бажарилишини назорат қиласиди.

5. Ўлим билан тутаган бахтсиз ҳодиса юқори турувчи касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан биргаликда юқори турувчи хўжалик органларида ва “Ўзсаноатконтехназорат” давлат қўмигаси ҳайъатида (агар бахтсиз ҳодиса шу орган назорати остидаги обьектда юз берган бўлса) (бош) давлат меҳнат техника назоратчиси иштирокида муҳокама қилинади.

6. Икки ва ундан зиёд киши ҳалок бўлган бахтсиз ҳодиса Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ҳайъатида,

вилоят (Тошкент шаҳар) мөҳнат бошқармаси кенгашида ва “Ўзсаноатконтехназорат” давлат қўмитаси ҳайъатида, бахтсиз ҳодиса шу орган назорати остидаги корхона (объект)да берган бўлса, (бош) давлат мөҳнат техника назоратчиси иштирокида кўриб чиқилади. Қорақалпгистон Республикаси Мөҳнат вазирлиги ҳайъати вилоят (Тошкент шаҳар) мөҳнат бошқармаси кенгаши чиқарган қарори бажарилиши шартдир.

7. Бахтсиз ҳодиса юзасидан маҳсус текшириш олиб бораётган (бош) давлат мөҳнат техника назоратчиси талабига биноан прокуратура, соғлиқни саклаш органлари (суд-тиббий экспертиза), давлат автомобил назорати, давлат ёнгин назорати органлари З суткадан кечиктирмай, бахтсиз ҳодисага таалуқли хужжатлар ва материаллар нусхаларини тақдим этишлари шартдир.

20-масзу. Аёллар ва ёшлар мөҳнати

Ўзбекистон Республикаси мөҳнат қонунчилиги аёллар, ўсмирлар, ногиронлар ва бошқа ижтимоий заиф табақаларни кўшимча ҳукуқий муҳофазалаш чораларини назарда тутади.

2001 йилни “Оналар ва болалар” йили деб эълон қилиниши оналарга ва ёш авлод тарбиясига эътиборни тобора кучайиб бораётганидан дарак беради. Мөҳнат қонунчилиги аёлларга мөҳнат муносабатларининг турли йўналишларида қўшимча кафолатлар беради. Бу кафолатлар аёлларни, айниқса, ҳомиладор ва уч ёшгача боласи бўлган оналарни ишга қабул қилиш, уларни бошқа енгилроқ, ишга ўтказиш, ишдан асоссиз бўшатишларига йўл кўймаслик, уларни гайриқонуний ишдан бўшатганлик, бошқа ишга ўтказганлик учун оширилган жавобгарликлар белгилашда; уларга иш вақти ва лам олиш вақти соҳасида қулай режимлар белгилаш, қўшимча таътиллар бериш, бола парвариши билан шугулланишлари учун кент имкониятлар яратиш; мөҳнатни муҳофaza қилиш юзасидан алоҳида муҳофаза чораларини, энг аввало, аёллар мөҳнатидан фойдаланиш тақиқланган ишлар, вазифалар доирасини белгилаш, улар кўтарадиган, ташийдиган юкларнинг энг кўп миқдорларини белгилаш ва бошқа маҳсус чоралар намоён бўлади.

Аёлларни иш вақтидан ташқари вақтларда: дам олиш кунлари, байрам кунлари, тунги вақтларда ишга жалб этиш қатъий чекланган бўлиб, уларни бундай ишларга жалб этишининг маҳсус тартиблари белгиланган. Ҳомиладор ва ёш болали аёллар хизмат

сафарига юборилишлари мүмкін эмас. Улар учун бошқа хукуқиі ҳимоя чоралари ва кафолаттар ҳам назарда тутилған. Ўттан йилдарни “Оналар йили”, “Оила йили” деб әйлон қылымиши муносабати билан меңнат қонунчилігінде жаңы шарттар меншілді. Бұл муносабаттың қарашасынан кейін деңгелік муносабатта қонунчилігінде өзгертілді.

Ана шундай құшимча имтиёзлар ва кафолаттар 18 ёшга тұлмаган ходимлар учун ҳам белгіланған бўлиб, уларни меңнат қылыш хукуқларини амалға оширилишида корхоналарда улар учун құшимча иш жойларини банд қилип қўйиш, бу тоифадаги шахсларни ишдан бўшатиш пайтида құшимча талабларни иш берувчи томонидан бажарилған лозимліги кабилар шундай кафолатлардан саналади.

18 ёшга етмаган ходимлар учун ҳам иш вақтининг қисқартирилған муддатлари, узайтирилған дам олиш вақти, узайтирилған меңнат таътили, меңнат муҳофазасининг құшимча чоралари белгилаб қўйилган.

Ногиронлари мамлакатимизда алоҳида муҳофаза ва зытибор берилдиган ижтимоий табақа саналади. Мустақиллігимиз күлга кирилтілгенде кейин қабул қилинған дастлабки қонунларимиздан бири – “Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қылыш тўғрисида” ги Қонун саналади. Мазкур Қонунда ва ЎзР Меңнат Кодексида ногиронлар учун меңнат муносабатлари соҳасида бир қатор құшимча хукуқлар ва кафолаттар кўзда тутилған бўлиб, улар ногиронлар учун иш жойларини банд этилиши, уларга қисқартирилған иш вақти, узайтирилған дам олиш вақти, шу жумладан, таътиллар белгіланиши, улар меңнатини алоҳида муҳофаза этилиши чоралари белгиланғанда кўзга ташланади.

20-амалий маңгулот режаси

1. Аёллар ва бошқа айрим табақаларга мансуб ходимларга меңнат соҳасида берилдиган құшимча кафолаттар тушунчаси, таснифи ва аҳамияти.
2. Аёллар, ўсмиirlар ва ногиронларга меңнат қылыш хукуқини амалға ошириши пайтида берилдиган құшимча кафолаттар.
3. Аёллар, ўсмиirlар ва ногиронларга иш вақти ва дам олиш ваҳдін соҳасидаги құшимча кафолаттар.
4. Аёллар, ўсмиirlар ва ногиронлар меңнатини муҳофаза қитишининг ўзига хос хусусиятлари.

5. Аёллар, ўсмирлар ва ногиронларга оид кафолатларни бузганлиги учун жавобгарлик.

Вазиятли масала

Туман ҳокимлиги маҳкамасида котиба бўлиб ишловчи Г. ҳафтали иш вақтини 35 соатга қисқартириб, шунинг ҳисобидан шанба куни кўшимча дам олиш куни беришиликни сўради. Аммо, ҳокимлик раҳбарияти тўлиқсиз иш вақти белгилаш имкони йўқлигини айтиб илтимосни рад қилди. Г. икки нафар эгизак, икки ёшга тўлмаган болалари борлигини айтиб, шундай иш вақти режими белгиланиши юзасидан судда низо кўзғади.

1. Г. нинг илтимоси асослами?
2. Ҳокимлик ҳарори тўгрими?

Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., “Адолат”. 1998.
2. Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодекси. Т., “Адолат”. 1999.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида”ги Қонуни. 1991 йил 18 ноябр.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларга бериладиган қўшимча имтиёзлар тўғрисида”ги Қонуни. 1999 йил 14 апрел.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида”ги Қонуни. 1991 йил 20 ноябр.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Мехнат муҳофазаси тўғрисида”ги Қонуни. 1993 йил 6 май.
7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 5 январдаги 865-тартиб рақами билан давлат рўйхатига олинган “Аёллар меҳнатининг қўлланилиши тўлиқ ёки қисман тақиқланган ноқулай меҳнат шароитига эга бўлган ишлар рўйхати”.
8. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлигининг 7-сонли, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2001 йил 30 майдаги 1-сонли ҳарорлари билан тасдиқланган, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатининг қўлланилиши тақиқланган, меҳнат шароити ноқулай бўлган ишлар рўйхати.

9. Гасанов М., Соколов Е. “Ўзбекистон Республикасида Меҳнат шартномаси (контракти)”. Т., 1996, III қитоб.
10. Гасанов М., Соколов Е. “Трудовое законодательства Узбекистана”. “Рабочее время и время отдыха”. Т., “Ўқитувчи”, 2000.
11. Турсунов Й. “Меҳнат ҳукуки”, Т., “Молия”, 1999.
12. Иноятов А. А., Турсунов Й. “Ижтимоий таъминот соҳасида аёлларга бериладиган қўшимча кафолатлар”. “Хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқларига оид қонун кафолатлари”, Т., “Ўзбекистон”, 2000, 203-236-б.

21-масзу. Меҳнат низолари ва уларнинг ҳал этилиши

Талаба бу мавзуни ўрганиш пайтида ходим ва иш берувчи ўргасида юз бериши мумкин бўлган низолар, уларнинг сабабларини бартараф этиши усуслари, ушбу низоларни тўғри ва қонуний ҳал этилиши меҳнат муносабати иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда қандай аҳамиятга эга эканлиги ҳақида етарли тушунчага эта бўлиши лозим.

Меҳнат шароитларининг нокулайлиги меҳнат шартларининг ўзгартирилиши бекор қилиниши, ходимларга қонунда назарда туғилган кафолатларни бермаслик ва бошқа бир қатор объектив ҳамда субъектив сабабларга кўра ходим ва иш берувчи ўргасида ўзаро келишморчиллик – меҳнат низоси юзага келади. Башарти бу ихтилоф томонларининг ўзаро келишуви билан бартараф этилмаса, у ҳолда бу низо қонунда белгиланган ҳукуқий воситалар ёрдамида ҳал этилади. Бундай ҳукуқий механизм низони ҳал этиши ваколати берилган маҳсус органлар фаолиятининг ҳукуқий шаклларини ҳамда қонунда назарда туғилган маҳсус воситалар ва усуслар мажмuinи ўз ичига олади.

Меҳнат низоларини кўриб ҳал этилиш усулига кўра умумий ва маҳсус меҳнат низоларига, мөҳиятига кўра меҳнат шартларини белгилаш, ўзгартириш, бекор қилишга оид меҳнат низолари ҳамда меҳнат шартларини кўллаш билан боғлиқ меҳнат низоларига бўлиниади.

Умумий меҳнат низолари барча ходимларга оид низолар бўлиб, умумий тартибида низони кўриш комиссияси ёки суд йўли билан ҳал этилади. Махсус меҳнат низолари эса қонунда маҳсус назарда тутилган ҳолларда айрим тоифадаги давлат хизматчилари (суд, прокуратура ходимлари ва б.) га оид айрим меҳнат низолари бўйсуниш тартибида юқори турувчи идора томонидан кўриб ҳал этилади. Меҳнат низоларини тез, самарали ва тўғри ҳал этища уларнинг таалуқли ҳамда судловли эканлигини аниқлаш муҳим аҳамиятта эга. Умумий меҳнат низолари икки босқичда меҳнат низолари комиссиялари ва суд томонидан кўриб ҳал этилиши мумкин. Ходим бевосита судга бемалол мурожаат қилиши мумкин.

Меҳнат низолари комиссияси корхона, муассаса, ташкилотнинг бевосита ўзида фаолият олиб боради. Бу комиссиянинг ташкил этилиш тартиби, ваколатлари, иш кўриш ва қарор қабул қилиши тартиблари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексида белгилаб кўйилган.

Меҳнат низолари комиссияси ташкил этилмаган корхоналарда юз берувчи низолар бўйича, шунингдек, қонунда маҳсус белгилаб кўйилган меҳнат низолари (масалан, ишдан бўшатиш, моддий зарарни қоплаш ва б.) юзасидан бевосита суд маҳкамаларига мурожаат қилиш назарда тутилган. Меҳнат низолари бўйича судга мурожаат қилиши тартиби ёзма дарёво аризаси тақдим этиш бўлиб, бунда ходимлар давлат божи ва бошқа суд харажатларини тўлашилдибатамом озод қилинганлар.

Судларда меҳнат низоларини кўриш, ҳал қилиш, улар юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этилишини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал қонунчилиги, суд қарорларини ижро этиш тўғрисидаги қонун чилик талаблари асосида амалга оширилади. Меҳнат низоси юзакидан чиқарилгани айрим ҳал қилув қарорлари дарҳол ижро этилиши лозимлиги белгиланган. Суд қарорлари ижтисонини орқага қайтарин масаласида ҳам ўзига хос хусусиятлар мавжуддир.

Давлат хизматчиларини айрим тоифаларига оид меҳнат низоларини кўриб ҳал этишга оид қоидалар маҳсус қонунчилик хужжатларида белгилаб кўйилади. Жамоага оид меҳнат низолари, яъни иш берувчи билан меҳнат жамоаси, иш берувчи вакиллик идоралари билан ходимлар вакиллик органи давлат бошқаруви идоралари ўртасида меҳнат шартларини белгилашга оид меҳнат низолари қонунда белгиланган тартибида ҳал этилади.

21-амалий машгулот режаси

1-машгулот.

1. Мехнат низолари тушунчаси, юз бериш сабаблари ва таснифи.
 2. Мехнат низоларини судловлиги ва таалтуқлилигини белгилаш.
 3. Мехнат низолари комиссияси ва уларнинг ташкил этилиши.
 4. Мехнат низолари комиссиясида иш кўриш тартиби.
- ### **2-машгулот.**
1. Судга таалтуқлилик ва судда низо юзасидан даъво қўзгаш.
 2. Мехнат низосини судда кўриб, ҳал этиш тартиби.
 3. Мехнат низоси юзасидан чиқарилган суд қарорларини ижро этиш.
 4. Бўйсуниш тартибида кўриб ҳал этиладиган мехнат низолари ва уларнинг кўриб ҳал этилиши.

Вазиятли масалалар

1-масала.

“Карбон” хусусий корхонасининг технологи К. 20 декабр куни ишга ярим соат кеч келиди. Шу сабабли унга ўртacha ойлик иш ҳақининг 50% миқдори интизомий жазо чораси сифатидаги жарима солинди.

К. бундан норози бўлиб судга мурожаат қилди ва ўз аржасида метро станциясида хужжати текширилганлиги, ёнида хужжати бўлмаганлиги сабабли шахсини аниқлагунларича 40 минут милиция таянч пунктida турганлигини, иш берувчи эса унинг бу важини инобатта олмаганингини кўрсатди.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суднинг навбатчи судяси унинг даъво аризасини қабул қилишни рад этди ва бундай низолар даставвал бевосита корхонанинг ўзидағи мехнат низолари комиссияси томонидан кўриб чиқилиши шарт эканлигини уқтириди.

- К.нинг меҳнат низоси судга таалтуқлими?
- Судянинг холосаси асослами?
- Низо ҳандай ҳал этилиши лозим?

2-масала.

Корхонада лавозим қисқариши туфайли ишдан бўшатилган ходим О. ишга тиклашни сўраб судга мурожаат қилди. У ўз

аризасида олдиндан огоҳлантирилмаганлигини, ўрнига бошқа ходим ишга қабул қилинганинини кўрсатди.

Судда унинг даъво аризасини қабул қилишилик рад этилди, бу ҳақдаги ажримда ишдан бўшатилганлик ҳақида буйруқ чиқарилганидан бўён саккиз ой ўтиб кетганлиги, ваҳоланки, ишга тиклаш ҳақидаги ариза билан буйруқ чиқарилган кундан бошлаб уч ой ичидаги судга мурожаат қилиш мумкинлиги кўрсатилди?

- О.нинг даъво аризаси қабул қилиниши лозимми?
- Суднинг ажрими ҳонун талабларига мосми?
- Ишга тиклаш ҳақидаги низолар бўйича судга мурожаат қилиш муддати қанча?

3-масала.

Ходимни ишга тиклаш ва мажбурий иш қолдириш вақти учун уч ойлик ўргача иш ҳақини ундириб бериш тўғрисидаги биринчи босқич судининг ҳал қилув қарори кассация босқичи суди томонидан бекор қилинди ҳамда ушбу низо юзасидан олдин судда иш кўрилганлиги, ҳал қилув қарори чиқарилганлиги ва унда даъво талаблари рад этилганлигини, бу ҳал қилув қарори ҳеч ким томонидан бекор қилинмаганлигини суд ажримда кўрсатди. Шу асосда ходимга 3 ойлик иш ҳақи миқдорида тўланган маблагни қайтарилиши талаб қилинди.

- Кассация босқич судининг ходимга тўланган маблагни қайтариб олиш ҳақидаги қарори тўғрими?
- Ходимга тўланган маблаглар юзасидан суд қарорларининг қайта ижро қилиниш тартиби қандай?
- Суд қарорлари қай тарзда ижро этилади?

Тавсия этилаликни амабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси. Т., “Адолат”, ”, 1999.

259-модда. Якка меҳнат низоларининг тарафлари ва мазмуни.

Якка меҳнат низолари – бу иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонунтар ва бошқа мебъерий ҳужжатларда кўзда тутилган меҳнат шартларни қўлланиш юзасидан келиб чиқсан келишмовчиликтардир. Бундай ҳостарда ходимлар вакиллик органи ходим манфаатини ифода этувчи тараф бўлиб иштирок этиши мумкин.

260-модда. Якка меҳнат низоларини кўриб чиқувчи органлар.

Якка меҳнат низоларини кўйидагилар кўриб чиқадилар:

-
- мәхнат низолари комиссиялари. Ушбу Кодекснинг 269-моддасида кўрсатилган низолар бундан мустасно;
 - туман (шаҳар) судлари.

Ходим мәхнат низосини ҳал қилиш учун ўз хоҳишига кўра, мәхнат низолари комиссиясига ёки бевосита судга мурожаат этишга ҳақлидир.

Мәхнатнинг шартларини белгилаш масалаларига доир якка мәхнат низолари ушбу Кодекснинг 280-моддасига мувофиқ кўриб чиқилади.

262-модда. Мәхнат низолари комиссиялари тузиш.

Жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўргасидаги келишувда мәхнат низолари комиссияларини тузиш назарда тутилиши мумкин.

Мәхнат низолари комиссиялари иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи томонидан тенглик асосида тузилади.

Комиссияга касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органидан жалб этилган аъзолар тегишли органининг қарори билан, иш берувчининг вакили эса унинг буйруғи билан тасдиқланадилар.

Мәхнат низолари комиссияларининг миқдорий таркиби ва ваколат муддати жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органининг келишувига биноан белгиланади.

270-модда. Мәхнат низосини ҳал қилишини сўраб мурожаат этиши муддатлари.

Судга ёки мәхнат низолари комиссиясига мурожаат этиши учун куйидаги муддатлар белгиланади:

- ишга тиклаш низолари бўйича – ходимга у билан мәхнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой;
- ходим томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш ҳақидаги низолар бўйича зарар етказилганлиги учун иш берувчига маълум бўлган кундан бошлаб бир йил;
- бошқа мәхнат низолари бўйича ходим ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб уч ой.


Ушбу моддада белгиланган муддатлар узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган тақдирда, бу муддатлар суд ёки мәхнат низолари

комиссияси томонидан ҳайта тикланиши мумкин. Ходимнинг соғлигига етказилган зарарни қоплашга доир низолар бўйича судга мурожаат қилиш учун муддат белгиланмайди.


2. Намунивий ички меҳнат тартиби қоидалари. 5-бўлим, 5.1-5.6-бандлари.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни. Янги таҳрирда. 2000 йил 20 август.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни. Янги таҳрирда.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги 12-рақамли қарори.
6. Гасанов М., Соколов Е. “Ўзбекистонда меҳнат шартномаси (контракти)”. III китоб. Т., 1996.
7. Гасанов М., Соколов Е. “Ўзбекистоннинг меҳнат тўғрисидаги қонун хужжатлари”. Ўзбекистонда меҳнат шартномаси (контракти). I китоб, Т., 1999.
8. Турсунов Й. “Меҳнат ҳукуқи”, Т., “Молия”, 1999.

II БҮЛИМ. АЙРИМ МАВЗУЛАРГА ОИД ЧИЗМАЛАР


1-чизма




2-чизма




3-чизма




4-чизма



5-чизма



б-чизма



7-чизма

Меҳнат ҳуқуқининг тизимлари - ягона ҳуқуқ соҳасини ташкил этувчи ва нисбий мустақил ташкилий тузилишига ҳуқуқ институтларига эга бўлган ҳуқуқий меъёрлар йигинидан иборат

Умумий қисм (фанинг мөҳияти, манбалари, жамоа шартномалари, келингувлари ва ҳ.к.)

Маҳсус қисм (алоҳида ҳуқуқий институтлар)

8-чизма

Меҳнат ҳуқуқининг тамойиллари деганда – меҳнатни қўллаш, меҳнат бозорини тартибга солиш соҳасида қонуналарда мустаҳкамланган раҳбарий ғоялар, давлат сиёсатининг мөҳияти тушунилади

Меҳнат бозорини тартибга солишдаги давлат сиёсатини ифодаловчи тамойил

Ходимлар меҳнат шароитини белгилашга оид тамойиллар

Ёлланма меҳнатдан фойдаланишини ҳуқуқий тартибга солишга оид тамойиллар

Меҳнат муҳофазаси ва ходимлар ҳуқуқларини ҳимояланашга оид тамойиллар


9-чизма

Жамоа шартномаси - корхонада иш берувчи билан ходимлар ўргасидаги меҳнатга оид, ижтимоий-штатсидаги ва касбга под муносабатларни тартибга соловчи меъерни хужжат (ЎзР МК 29-модда, 1-қисм)


Иш берувчи (корхона мулқдори ёки унинг томонидан вакиль қилинган шахс - корхона раҳбари)

Корхона ходимлари жамоаси (корхона касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бопида вакиллик органи тимсолида)

10-чизма




11-чизма



12-чизма


Иш билан таъминланганлик ва банд аҳоли тушунчаси

Иш билан таъминлаш (бандлик) – фуқароларнинг қонун хуҗжатларига зид келмайдиган, ўз шахсий ва ижтимоий эҳлиёжларини қондириш билан боевиқ бўлган, уларга иш ҳаки (фойда) келтирадиган фаолиятдир




13-чизма


Давлат фуқароларининг меҳнат қилиш ҳукуқлари амалга оширилишини қонунда белгиланган донрада кафолатлайди




14-443м2




15-чи зама




16-чи зама



17-ЧИЗМА




18-ЧИЗМА




19-чизма

Дастлабки синов ва унинг кўлланилиши


Дастлабки синов – ходимнинг топширилабтган ишга лайқатлилигини ҳамда шартлашилган ишни давом эттириш ходим учун мақсадга мувофиқлигини аниқлаш мақсадида меҳнат шартномаси тарафлари ўзаро кепишуви билан кўлланилиши мумкин



20-чизма




21-чизма




22-чизма

Мехнат шартномаси тузиш босқичлари ва тартиби




23-чиズма


Меҳнат шартномасининг бекор бўлиши ва унинг умумий асослари




24-чиズма



25-ЧИЗМА




26-ЧИЗМА




27-чизмә

Мөхнат шартномасын тарафлар хоқицига бөглиқ бүлмаган асослар билан бескор бүлиши




28-чизмә


Мөхнат шартномасы тарафдарининг моддий жағобгаршы - бир томон ўз айбия хатты-харакаты билан етказган моддий заарини иккичи томонга қоплағ борник маҳбуриятидан иборат




29-ЧИЗМА




30-ЧИЗМА




31-ЧИЗМА




32-чизма




33-чизма




34-чизма




35-ЧИЗМА




36-ЧИЗМА




37-ЧИЗМА




38-чизма



39-чизма




40-чизма




41-чизма

Якка мөхнат низолары - бүлкүн берувчи ва ходим ўртасыда мөхнат тұғрисидеги қонунар ва болшقا мемерій хужжаттарни, мөхнат шартномасында назарда туылған мөхнат шартларини күлгелени юзасыдан келиб чыккан көлишмөвчиліктер




42-чизма

Мөхнат низоси юзасыдан судга мурожаат қылыш муддатлары



43-чизма

Мөхнат низосини күрнешин сұраб судга мурожаат қылыш ұхқуқыга эта шахслар. (МК 268-м.)



III БҮЛИМ. ТҮЛИҚ ЎҚУВ КУРСИ БҮЙИЧА ТЕСТ САВОЛЛАРИ ВАРИАНТЛАРИ

№1

1. Давлат мулки шаклидаги корхоналарда ходим томонидан стказилган моддий зарар уциришдан воз кечишинга:

- а) йўл кўйилади;**
- б) корхона жамоа шартномасида назарда тутилган бўлса, йўл кўйилади;**
- в) юқори турувчи ташкилот рози бўлса, йўл кўйилади.**

2. Муддатли меҳнат шартномасининг энг узоқ муддати:

- а) 1 йилдан ошмаслиги лозим;**
- б) 5 йилдан ошмаслиги лозим;**
- в) 3 йилдан ошмаслиги лозим.**

3. Иш берувчилик асосий фондларига таалукли мол-мулклари талон-торож қилишган, камомад бўлган, қасдан бузилган тақдирда зарар миқдори:

- а) қийматликларнинг баланс баҳоларида;**
- б) ваколатли орган иш кўрилган кунлардаги бозор баҳоларида;**
- в) тарафлар ўзаро келишиб белгилайдиган баҳоларда аниқланади.**

4. Белгилапган меъёрларда сут профилактик озиқ-овқат маҳсулотлари билан:

- а) корхонадаги барча ходимлар;**
- б) алоҳида тусга эга бўлган вазифаларни бажарувчи ходимлар;**
- в) меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимлар таъминланадилар.**

5. Ходимлар стказган моддий зарар улар томонидан ихтимёрий равнида қопланиши:

- а) мумкин;**

-
- б) мумкин эмас;
 - в) иш берувчи рози бўлса, мумкин.

6. Ходимшииг меҳнат қилиш қобилиятига етказилган зарар иш берувчи томонидан:

- а) қопланади;
- б) қопланмайди;
- в) иш берувчи хоҳишига боғлиқ.

7. Корхона раҳбари томонидан етказилган зарар хўжалик суди томонидан уздирилиши:

- а) мумкин;
- б) мумкин эмас.

8. Корхоналарнииг Намулавий ички меҳнат тартиби қондалари қачон давлат рўйхатига олишгалигини аниқланг:

- а) 1996 йил 2 июнда Мэҳнат вазирлиги томонидан;
- б) 2000 йил 9 апрелда Вазирлар Маҳкамаси томонидан;
- в) 1999 йил 7 майда Мэҳнат вазирлиги томонидан;
- г) 1999 йил 14 июнда Адлия вазирлиги томонидан.

9. Ҳар йили 14 календар кундан иборат иш ҳақи сақлашмайдиган таътил кимларга берилшини аниқланг:

- а) аёлларга;
- б) ишлаёттан I-II гурӯҳ ногиронларига;
- в) икки ёшдан уч ёшпача бўлган болани парвариш қилаёттан аёлларга;
- г) 12 ёшга тўлмаган 2 ва ундан ортиқ болани тарбиялаёттан аёлларга.

Жавоб вариантилари:

I. Ҳамма жавоблар тўғри;

II. а), в) жавоблар тўғри;

III. б) г) жавоблар тўғри.

10. Ходим томонидан етказилган зарар иш берувчининг фармойини билан иш ҳақидан ушлаб қолиншиига:

- а) зарар суммаси энг кам ойлик иш ҳақидан ошмаса, йўл кўйилади;
- б) ходимнинг ўртacha ойлик иш ҳақидан ошса, йўл кўйилади;
- в) тўғри жавоб йўқ.

№ 2

1. Муддатли меҳнат шартномаси муддати тугамасдан аввал бекор қилинши:

- а) мумкин эмас;
- б) мумкин;
- в) иш берувчи рози бўлса, мумкин.

2. Ходимга маънавий зарар етказилгашда, унга тўланадиган товои миқдори:

- а) иш берувчи томонидан белгиланади;
- б) суд томонидан белгиланади ва миқдори ходимнинг ойлик иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак;
- в) ходим томонидан белгиланади;
- г) экспертиза йўли билан аниқланади.

3. Корхона мол-мулкишинг эгаси ўзгарганда:

- а) жамоа шартномаси ўз кучини сақлаб қолади;
- б) ўз кучини йўқотади;
- в) ўз кучини бой давомида сақлаб қолади;
- г) ўз кучини 3 ой давомида сақлаб қолади.

4. Ишга қабул қилиш пайтида талаб этиладиган хужжатлар рўйхатини кўрсатиш:

- а) паспорт, олдинги иши ҳақида маълумотнома, оиласи ҳақида маълумотнома;
- б) паспорт (туғилғанилик гувоҳномаси), меҳнат дафтарчаси, ҳарбий билет, диплом (гувоҳнома);
- в) меҳнат дафтарчаси, фотосурат, тавсиянома.

5. Меҳнат шартномаси қайси шаклда тузилади:

- а) оғзаки;
- б) ёзма;
- в) тарафлар келишиб, белгиланган шаклда.

6. Ишдан бўшатили пафақасининг миқдори қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- а) энг кам ойлик иш ҳақидан ошмаслиги керак;
- б) ходимнинг уч ойлик ўртача иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак;
- в) ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак.

7. Меҳнат дафтарчаси ва меҳнат шартномаси бекор бўлгани ҳақидаги буйруқ пусхаси ходимга:

- а) 1 ҳафта ичида;
- б) меҳнат шартномаси бекор қилинган куни;
- в) иш берувчи хоҳлаган пайтда беради.

8. Меҳнат шартномаси қандай муддатта тузилиши мумкилигини белгилаш:

- а) номуайян муддатта, 10 йилгача муддатта;
- б) 5 йилгача муддатта, муайян ишни бажариш муддатига, номуайян муддатта;
- в) меҳнат шартномаси тарафлар келишуви билан исталган муддатта тузилиши мумкин.

9. Меҳнат дафтарчасини қачон юритилишини аниqlани:

- а) давлат корхоналарида ишловчиларга;
- б) фермер хўжалиги аъзоларига;
- в) барча турдаги корхоналарда ёлланиб ишловчи, якка тадбиркор хисобланувчи фуқароларга.

10. Судялар ишга тиклаш ҳақидаги меҳнат пизолари юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат қилишлари:

- а) мумкин;
- б) мумкин эмас;
- в) Адлия вазирлиги розилик берса, мумкин.

№ 3

1. Иш берувчи ташаббусига кўра ишдан бўшатилишига йўл қўйилмайдиган хотин-қизлар тоифасини аниqlани:

- а) барча болали аёллар;
- б) 14 ёшга етмаган (ногирон 16 ёшга етмаган) боласи бор аёллар;

в) ҳомиладор ва 2 ёшга етмаган болали аёллар;
г) тұғри жавоб йүк.

2. 18 ёшга етмаган шахслар ўта заарлы ва ўта оғир ишларда:

- а) ҳафтасига 24 соат ишлайди;
- б) ишлашшарига йүл күйілмайды;
- в) ҳафтасига 14 соат ишлайди.

3. 16 ёшга етмаган шахсни ишга қабул қилишдан аввал:

- а) ота-онасининг оғзаки розилиги олиниши керак;
- б) мактаб маъмуриятининг ёзма розилиги олинади;
- в) ҳомийлик ва васийлик органларининг ёзма розилиги олиниши лозим;
- г) отаси ёки онаси, ёхуд уларни ўрнини босувчи шахснинг ёзма розилиги олиниши керак.

4. Ходем томонидан жиноят содир этилиши:

- а) у билан меҳнат шартномаси бекор қилинишига олиб келади;
- б) бу ҳақдаги суд хукми кучта киргач, башарты ходим аввалги ишини бажарищда давом этиши мумкин бўлмаса, ишдан бўшатилишига сабаб бўлади;
- в) иш берувчи хоҳласа жиноят содир этган ходим билан тузильтган меҳнат шартномасини бекор қилиши мумкин.

5. Олий ўқув юртларида диплом лойиҳасини тайёрлаш ва уни ҳимоя қилиш учун:

- а) 1 ой таътил берилади;
- б) 2 ой таътил берилади;
- в) 3 ой таътил берилади;
- г) 4 ой таътил берилади.

6. Корхонада меҳнат низолари комиссияси тузилмаган бўлса ходим меҳнат низосини ҳал этилишини сўраб:

- а) маҳаллий меҳнат органига мурожаат қиласи;
- б) судга мурожаат қиласи;
- в) касаба уюшмаси қўмитасига мурожаат қиласи.

7. 18 ёшга етмаган ва ўқув жараёни давомида бўш вақтларда ишлаетган ходимнинг ҳафталик иш вақти:

- а) 36 соатдан ошмаслиги керак;

- б) 24 соатдан ошмаслиги керак;
- в) 18 соатдан ошмаслиги керак;
- г) ходим ва иш берувчи ўзаро келишиб белгилайдилар.

8. III гурӯҳ нөгиронларига кўшимча меҳнат таътили бериладими:

- а) ха;
- б) йўқ.

9. Ўртача ойлик иш ҳақининг 20 фойзи миқдоридаги жарима интизомий низоси қўлланиладими?

- а) ха;
- б) йўқ.

10. Корхонада меҳнат низоси комиссияси тузилмаганилиги иш берувчининг маъмурий жавобгарлигига сабаб:

- а) бўлади;
- б) бўлмайди.

№ 4

1. Ишга тиклаш ҳақидаги низолар юзасидан ходим судга:

- а) 10 кун ичида;
- б) 3 ой давомида;
- в) 1 йил ичида;
- г) буйруқ нусхаси берилган кундан бошлиб 1 ой давомида мурожаат қилиш мумкин.

2. Корхона мол-мулкининг эгаси ўзгарганида:

- а) жамоа шартномаси ўз кучини сақлаб қолади;
- б) ўз кучини йўқотади;
- в) ўз кучини 6 ой давомида сақлаб қолади;
- г) ўз кучини 3 ой сақлаб қолади.

3. Иш берувчи меҳнат шартларини бир томонлама ўз ташабbusи билан ўзgartиришга:

- а) ҳақли эмас;
- б) ҳақли;
- в) қонунда бевосита назарда тутилганда ва белгиланган тартибда риоя этгани ҳолда ҳақли;
- г) ходим рози бўлса, ҳақли.

4. Мехнат қилиш ҳуқуқини амалга ошириш:
а) давлат йўли билан тўлиқ кафолатланади;
б) кафолатланмайди;
в) қонунларда белгиланган доирада кафолатланади.

5. «Ишсиз» деб эътироф этиш:
а) корхона иш берувчиси томонидан;
б) касаба уюшмаси томонидан;
в) маҳаллий меҳнат органи томонидан;
г) маҳаллий ҳокимият органи томонидан амалга оширилади.

6. Малаканинг етарли эмаслиги ёки саломатлиги ёмонлашгани туфайли эгаллаб турган лавозимига лойиқ эмас деб тошилган одамнидан бўшчаликни ҳақида иш берувчи томонидан:
а) 1 ой аввал;
б) 2 ҳафта олдин;
в) 3 ой олдин огоҳлантирилиши лозим.

№ 5

1. Мехнат низолари дегизда иш берувчи ва ходим ўргасида:
а) меҳнат қонунлари ва бошқа мөъёрий ҳужжатларни кўллаш юзасидан;
б) корхона лоақал меҳнатта оид мөъёрий ҳужжатларни кўллаш юзасидан;
в) меҳнат шартномаси шартларини кўллаш юзасидан;
г) юқоридагиларнинг барчасини кўллаш юзасидан келиб чиқадиган келишмовчиликлар тушунилади.

2. Иш берувчининг ходимини мукофотдан маҳрум этиш тўғрисидаги бўйруги устидан:
а) 1 йил давомида судга мурожаат қилиш мумкин;
б) уч ой давомида меҳнат низолари комиссиясига мурожаат қилиш мумкин;
в) 1 ой давомида корхона касаба уюшмасига мурожаат қилиш мумкин.

3. 14 ёнига кирган ўқувчи ишга қабул қилинishi учун:
а) унинг ота-онаси ёзма розилиги зарур;
б) унинг ота-онаси ҳамда ўқув юрти раҳбариятининг ёзма розилиги зарур;
в) отаси ёки онасининг ёзма розилиги талааб этилади.

4. Ишсиз деб эътироф этиш ваколати кимга берилгалигини анықлаш:

- а) туман ҳокимига;
- б) корхона раҳбарига;
- в) маҳаллий меҳнат органига;
- г) маҳалла қўмитага.

5. Хотин-қизлар темир йўл транспортида кондуктор бўлиб ишлашларига:

- а) йўл қўйилади;
- б) йўл қўйилмайди.

6. 18 ёнга тўлмаган шахсни иш берувчи ташабbusи билан ишдан бўшатишдан аввал:

- а) маҳаллий меҳнат органига хабар бераб қўйилиши лозим;
- б) маҳаллий меҳнат органининг олдиндан розилиги олиниши лозим;
- в) жамоа шартномаси назарда туғилган бўлса, розилиги олиниади.

7. Ходим меҳнат низоси ҳал этилишини сўраб судга мурожаат қилишидан аввал меҳнат низолари комиссиясига мурожаат қилган бўлиши:

- а) шарт;
- б) шарт эмас;
- в) бу масалани суд ҳал қиласи.

8. Иш вақтидан ташқари, ишлардан бош тортиш ходимнинг интизомий жавобгар бўлишига:

- а) сабаб бўлади;
- б) сабаб бўлмайди;
- в) иш берувчи хоҳидига боғлиқ.

9. Ўта зарарли ва ўта оғир ишлар рўйхатини:

- а) Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш азирлиги тасдиқлаган;
- б) Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган;
- в) тўғри жавоб йўқ.

10. Мехнат хуқуқида иш берувчига иисбатан молиявий жаз
күлмаш:

- а) күзда тутилган;
- б) күзда тутилмаган.

№ 6

1. Ходимлар бахтесиз ҳодисалар ва қасб касалынкаларидан:

- а) ўз ҳисобларидан ихтиёрий сұғурта қилинадилар;
- б) иш берувчи ҳисобидан мажбурий сұғурта қилинадилар;
- в) ўзаро келишувларга кўра сұгурталандилар.

2. Ходимнинг иш берувчи олдида моддий жавобгарлиги и
беринши учун:

- а) у айбли бўлиши;
- б) унинг ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги қонунга зид бўлиши;
- в) унинг хатти-ҳаракати туфайли муайян зарар етказилга бўлиши;
- г) зарар ва айбли хатти-ҳаракат сабабий боғланган бўлиш талаб этилади.

Жавоб вариантилари:

1. «а» ва «б» тўғри;
2. «а» ва «г» тўғри;
3. барча жавоблар тўғри.

3. Ходимлар корхонадаги меҳнат муҳофазаси аҳволи, ишлар
чиқаринишиг зарабрли омиллари ҳақида ахборот олиш хуқуқига:

- а) эта;
- б) эта эмас;
- в) иш берувчи хоҳишига боғлик.

4. Ходим тиббий кўриқдан ўтказилаётган шайтда, унинг:

- а) ўртача иш ҳақи сақланади;
- б) иш ҳақи сақланмайди;
- в) унга энг кам ойлик иш ҳақи тўланади.

5. Ходимнинг 1 ойлик ўртача иш ҳақидан кўи бўлмаган модди
зарар:

- а) ундириб олинади;
- б) иш берувчи хоҳласа, ундирилади;

-
- в) ходим рози бўлса, ундирилади;
 - г) тўғри жавоб йўқ.

6. Ходимнинг бир ойлик ўртача иш ҳақидап кўм бўлмаган маддий зарар:

- а) зарар етказилган кундан бошлаб 1 ой ичида;
- б) зарар аниқланган пайтдан бошлаб 1 ой ичида;
- в) иш берувчи хоҳдаган пайтда ходим маошидан ушлақ қолиниши мумкин.

7. Боланинг 3 ёнга еттунича парваришлари учун бериладиган таътил:

- а) меҳнат таътили ҳисобланади;
- б) ижтимоий таътил саналади;
- в) таътил саналмайди.

8. Илесизлик нафақаси тўланинг энг узоқ муддатини аниқланти:

- а) 1 йил;
- б) 26 ҳафта;
- в) 10 кун;
- г) тўғри жавоб йўқ.

9. Ижодий таътил берилган ходимнинг иш ҳақи:

- а) 50 фоиз сақланади;
- б) сақланмайди;
- в) энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида сақлаб турилади;
- г) сақланади.

10. Ходимни ўз вазифасига қайта тиклаш ҳақидаги меҳнат низоларини кўриши комиссиясининг қарори:

- а) уч кун ичида ижро этилади;
- б) қонуний кучга киргач, дарҳол ижро этилади;
- в) эълон қилинган заҳоти, ижро этилади;
- г) тўғри жавоб йўқ.

№ 7

1. Меҳнат визосини кўрипни сўраб судга мурожаат қўлинига ҳақли бўлган шахслар доираси қайси жавобда энг тўғри кўрсаатиганини тошини:

- а) ходим, меҳнат жамоаси, туман ҳокими;

б) прокурор, ходим, кәсаба уюшмаси, межнат ҳуқуқи бүйич инспектор, иш берувчи;
в) ходим, межнат органи, межнат жамоаси, прокурор.

2. Хотин-қызлар межнатидан фойдаланнин тақылалыгының ишлар касблар ким томонидан тасдиқлаштырылғын анықтайды:
а) Соғлиқни сақлаш вазирлиги;
б) Межнат ва ахолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлиги;
в) тұғри жавоб йүк.

3. Ўқув юрти жойланған ерга бориши үшін қайтындағы жаражаттарини иш берувчи томонидан:
а) кечки тағым олаёттан ходимга тұлық қопланады;
б) сиртқи тағым олаёттан ходимга ҳар йили бир марта камил 50% қопланады;
в) сиртқи тағым олаёттан ходимдарға 100% қоплаб берилады.

4. Табиий иелім шаромызы оғарып үзекулады үшін жойла руғасын ким томонидан тасдиқлаштырылғын анықтайды:
а) Межнат ва ахолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлиг томонидан;
б) Махаллий ҳөкимият органи томонидан;
в) Вазирлар Маңдамаси томонидан;
г) Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан.

5. Иш беруучига етказылған мөддий зарарни үздирғынан изасынан:
а) дарынды муддаты құлланилмайды;
б) 3 йиллик дарынды муддаты құлланилмайды;
в) 1 йиллик дарынды құлланилады.

6. Ходим межнат низолари күрнештікке интироқ этиши учун адвокат тақлиғи этининг:
а) ҳақында эмес;
б) ҳақында;
в) иш берувчи рухсат берса, ҳақында.

7. Олай үқув юртега кириш имтиханын тоғыннан шайтында ходимдарға:
а) 15 календар күн миқдорда иш ҳақы;
б) 10 иш куни миқдорида иш ҳақы сақланған жолда таъти берилады;
в) 10 календар күн миқдорда иш ҳақы сақланмаган таъти берилады.

8. Корхоналардаги мәннат низолари комиссиясы таржыбидә туман ҳокимиятты вакили шытирок этадими:

- а) ҳа;
- б) йүқ;
- в) ходимлар хоҳишига боғлиқ,

9. 21 ёшга тұлмаған ходимлар ҳар ЫШЛІ тиббий күриқдан:

- а) үтишлари шарт;
- б) шарт эмас;
- в) иш берувчи хоҳишига боғлиқ,

10. Интизомий жазо құлланы устидан прокурор өрдамчысы судға шикоят қылашига:

- а) йүл күйилади;
- б) йүл күйилмайды.

№ 8

1. Жамоага донир мәннат низолари деганда:

- а) давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари билан иш берувчилар уюшмаси ўртасидаги мәннатта оид ихтилофлар;
- б) иш берувчилар (иш берувчилар бирлашмаси) ва ходимлар вакиллік органлари ўртасида мәннат шартларини белгилаш, ўзгартиришга оид жамоа шартнома ва келишувларини тузисі, ижро этишга таалуқтуды низолари тушунилади;
- в) мәннат жамоаси билан корхона касаба уюшмаси ўртасидаги низо тушунилади.

